

Инсонни ўргатиш илми

**БУРЖ, ТАҚДИР
ВА
ФЕЪЛ-АТВОР**

Тошкент
“Янги аср авлоди”
2011

86.42

Б95

**Бурж, тақдир ва феъл-атвор / тузувчи ва нашрга тайёрловчи
М.Қутлиева. - Т. : Янги аср авлоди, 2011. - 128 б.**

Қутлиева, М., тўпловчи.

Буржлар оламга қизиқмаган одам кам бўлса керак. Сабаби, буржлар бизнинг ўзимиз ҳақимизда сўзлайди. Дeyл Карнеги айтганидек, ўзимиз ҳақимизда билиш эса ҳаминша қизиқарли. Ушбу китобда феъл-атвор, юриш-туриш, бошқа бурж вакиллари билан муносабат, ҳамма-ҳаммаси ҳақида ўқийсиз. Шунингдек, туш кўриш, миждоз – темперамент, шакл-шамойил борасида талай маълумотларга эга бўласиз. Китобнинг ўзига хослиги шундаки, унда турли ҳаётгй воқеалар ҳам келтирилган бўлиб, у маълум бурж вакилининг ички оламнинг билишингизга ёрдам беради. Ўқинг – ўзингиз ва ўзгалар ҳақидаги маълумотлардан баҳра олинг, азиз китобхон!

ББК 86.42+ 88.37

**Тузувчи ва нашрга тайёрловчи:
Маъмура Қутлиева**

ISBN 978-9943-08-554-1

© Маъмура Қутлиева, «Бурж, тақдир ва феъл-атвор».
«Янги аср авлоди». 2011 йил.

МУНДАРИЖА

ҲАФТАЛИК БАШОРАТЛАР

Газеталарда чоп этилаётган турли-туман қаролатларга шиошии мумкинми?..... 8

ҚАЙСИ ЮЛДУЗДАНСИЗ

Сизнинг бахтли рақамингиз ва қайси рангни яхши қўрасиз?.....11

ТУГИЛГАН САНАНГИЗ МОҲИЯТИ

Жуда кўплаб сирларнинг очилиши айни рақамларга боғлиқ..... 88

ТАНАНГИЗ ЎЗИНГИЗНИКИ ЭМАС...МИ?

Ўн икки қисмга бўлинган тана. Бу тима дегани?..... 111

ТЕМПЕРАМЕНТ

Ғайратсиз, ҳафсаласиз, ланж, ҳаракати заиф... Улар қимлар?..... 116

ҚОН ГУРУҲИНГИЗ ВА ХАРАКТЕРИНГИЗ

Биринчи қон гуруҳига кирувчилар ўзгаларнинг иззат-нафсига тегишдан айтмайдилар. Бошқалар-чи?..... 121

ШАКЛИНГИЗ ВА ШАМОЙИЛИНГИЗ

Сиз нима чизсангиз дунёқарашингиз, фикрлашингиздан дарак беради. Шаклларга мурожаат қилмиз. 123

ЁНБОШИНГИЗГА ҚАРАБ ЁТИНГ...

Сизнинг ухлашингизга қараб феъл-атворишгиз қандайлигини айтиши мумкин?..... 124

Менинг эътиқодим, яъни ҳайвоний инстинктулардан ташқари ҳаётиمنى ҳаракатга келтирган омил, менинг ўша кезлардаги якка-ю ягона имоним қомил ишон бўлишига қаратилган ишонч эди. Аммо қомилликнинг мазмуни қанақа; унинг қандай мақсадлари бор – буни айтиб бера олмасдим. Мен ўзимни ақлий жиҳатдан мукаммаллаштиришига ҳаракат қилдим — қўлимдан келган ҳамма нарсани, ҳаёт мени рўбарў қилган нарсаларнинг барини ўрганишига иштирдим; мен продамини мукаммаллаштиришига ҳаракат қилдим — ўз-ўзимга қондалар яратиб, уларга амал қилишига уриндим; ўзимни жисмонан мукаммаллаштиришига киришдим — ҳар хил машқулар билан кучимни ва чаққонлигимни устурдим, ҳар хил муҳтожликларни кўриб, ўзимни бардошига ва сабртоқатга ўргашдим. Буларнинг барини мен мукаммаллашув деб ҳисобладим. Албатта, ҳамма нарсанинг ибтидоси маънавий мукаммаллашувида эди, аммо орадан кўп ўтмай, унинг ўрнини умуман мукаммаллашув эгаллади, яъни ўз-ўзимнинг наздикида ёхуд Худонинг қаринида яхшироқ бўлиш имтиаги эмас, балки бошқа одамлар олдида яхшироқ бўлиш имтиаги эгаллади. Орадан кўп ўтмай бошқа одамлар қаринида яхшироқ бўлишига интилиш ўрнини бошқа одамлардан кучлироқ бўлиш, яъни ўзгаларга қараганда шон-шухратлироқ, донгдорроқ, бадавлатлироқ бўлиш имтиаги эгаллади.

“Иқрорнома”дан

СЎЗБОШИ ЎРНИДА

Ўз тақдиринг нима дегани? Бу бизнинг олдиндан белгилаб қўйилган қисматимиз. Эгали томонидан бу дунёда — Ер юзидан бизга раво кўрилган ҳаёт йўлидир. Ҳар гал бирор нарсадан ҳузур қилиб, бирор ишни қувонч билан бажарадиган бўлсак, билишмики, биз ўз Тақдиримизга риоя қилаётган бўламиз. Аммо ўзининг энг ардоқли орзуси билан учрашмоқ ниятида бу йўлдан дидил боришига ҳаммада ҳам матонат етишмайди.

*Пауло Коэлонинг
“Алкимёгар” китобидан.*

Бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, қилаётган ишимизга муносабатимиз, теварак-атрофдагилар билан алоқаларимиз, олдинизга бирон-бир мақсад қўйиб унга интилишимиз ва иш жараёнидаги ҳаракатларимиз самараси, қўйингки, жами фазилатларимизнинг амалда намоён бўлишига эришишимиз бизни инсон сифатида яна бир поғона баландга кўтаради. Инсон доимий ҳаракатда, доимий изланишда бўлар экан, бу жараёнда у қалбан ўзининг бетақрор инсон эканлигини, Худо уни бошқаларда такрорланмайдиган юксак бир туйғу билан сийлаганини англаб бораверади. Ва ўтаётган ҳар бир лаҳза шундай кечинма билан яшаётган инсон умрининг безағи бўлиб қолаверади.

Биз жуда кўнлаб одамларнинг ўз ҳаётидан нолиб, атрофидагилардан гина қилиб юрганларининг гувоҳи бўлганмиз, тўғрими?! Баъзида уларни юпатганмиз, баъзида эса гинахонлигига шерик бўлганлигимиз ҳам рост.

Лекин ўйлаб кўринг-а, биз ўз танлаган йўлимиз, орзумизни амалга ошириш учун аниқ мақсад қўя олдикми? Ёки мақсадимизни рўёбга чиқаришда бизга ёрдам қўлини чўза олмаган яқин-

ларимиздан гина қилиб ўтирмасдан, ўзимиздан имконият ахтариб кўрдикми? Ваҳоланки, ҳар бир инсон табиатнинг алоҳида-алоҳида бир мўъжизаси. У ҳаёт кечириши асносида инсониятга хос қандай туйғу бўлса, уларнинг барини бошидан кечиради: кулади, йиғлайди, кечиради, севади, меҳр беради, меҳр кутади...

Аммо, бу ҳар бир инсоннинг тақдирини бир хилда кечади, деган фикрни бермайдими-ку, тўғрими? Инсонга хос туйғулар орасида шундай ҳақиқат ҳам борки, бу — ҳар бир инсон ўз тақдирининг чинакам эгаси бўла олиши ҳақидаги ҳақиқатдир.

Ҳурматли китобхон! Қўлингизга китобни олган илк лаҳзаларда кўнглингиздан қандай кечима ўтиши мумкинлиги бизга қоронғу эмас. Албатта, сиз китобни ўқишдан аввал дастлаб уни эринма-а-а-ай варақлайсиз. Буржларга берилган таъриф-тавсифларга хиёл кўз югуртиришингизнинг ўзиёқ сизни ҳушёр торттиради.

“Бу айни вақтда менга жуда зарур бўлган китоб”.

Бу — ҳаётда бироз омади юришмаётган, атрофидаги барча нарсалардан илнж кутаётган одамнинг кўнглидан кечадиган гапи.

“Балки китобни ўқиб чиқиб, ҳаётимдаги баъзи муаммоларимни ҳал қилиб оларман”. Бу — ўз омадига ишонадиган, аммо бирор бир жиддий сабаб туфайли ҳаёти учун муҳим қарорни қабул қила олмаётган дўстларимизнинг дилидаги ўй.

“Китоб барибир китоб-да, у сенга баъзида кимлигингни эслатиб туради, акс ҳолда пешонамда бори шу экан, деб жимгина яшаб ўтиб кетаверсан”. Бу — китобни ўқиб бўлган, катта ишларга қўл урган-у арзимас кичик бир муаммо туфайли шу ишнинг орқага ташлаган ва энг муҳими, яна олға қадам ташлаши, шу билан муваффақият қозонишга ўзини ишонтира олган биз билан ҳамфикр дўстларимизнинг фикри.

Шу билан бирга бизнинг китоб орқали сизга етказажак фикрларимизни, маълумотларимизни инкор этувчилар ҳам топилади. Чунки келтирган таъриф-тавсифларимиз ҳаминша ҳам бир-бирига мувофиқ келавермайдими: баъзида биринчи маълумот иккинчисини инкор қилса, баъзида бундай маълумотлар умуман бошқа-

бошқа бўлиб чиқади (аслида ҳам инсон феъл-атворида қарама-қарши тафовутлар ҳам борлигини инкор қилолмаймиз-ку!).

Сизни тўғри тушунамиз, китобимизни ҳам шундай мутаносибликда тузишга ҳаракат қилдикки, бу гал сизда ҳеч қандай ноўрин мулоҳаза пайдо бўлмайди. Бунга қанчалик эришдик ёки йўқ — аниқ билмаймиз. Аммо шуни аниқ биламизки, китоб орқали ички дунёингизга чуқурроқ кириб бордик ва сизнинг ўзингиз ҳали билмайдиган баъзи фазилатларингизни “кашф этдик”. Ана шунга мутлақо аминмиз ва бу ҳақиқатга сизнинг ҳам ишонишингизни истардик.

Азиз китобхон! Китобда келтирилаётган баъзи маълумотлар ҳам борки, улар илк бора эътиборингизга ҳавола этилмоқда. Сиздан талабимиз: инкор этишга шошилманг! Борини борлигича қабул қилинг. Зеро, ҳар бир инсоннинг энг олий мақсади — ўз ўзини англашга бўлган ҳаракатларида ўз аксини топади: бу йўлларда сабр синалади, бардош талаб қилинади, йўқотишлар халақит беради... алалоқибат эса сиз ўз МЕНингизни топасиз.

Бунга ишончимиз комил.

ҲАФТАЛИК БАШОРАТЛАР

улар сизнинг характериңиз ва фаолиятиңизга нечоғлик мос?

Келинг, суҳбатимизни ноанъанавий тарзда бошлаймиз. Сизнинг эътибориңизга газеталаримиздан биридан айнан кўчириб олинган бир ҳафталик мунажжимларнинг навбатдаги башоратларига қаратамиз.

ҚЎЙ — ҲАМАЛ (21.03 – 20.04) БУРЖИ

Бу даврда уй ва оилавий масалалар биринчи ўринга чиқади. Атрофдаги барча ҳодисаларнинг сиз учун аҳамияти ортиб боради. Оилавий аҳволиңиз ҳақида жиддий, эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритасиз. Хонадониңизда қулай ва ёқимли муҳит яратишга интиласиз.

БУЗОҚ — САВР (21.04 – 21.05) БУРЖИ

Бу ҳафта сиз учун осуда ва сокни кечади. Молиявий аҳволиңизни яхшилаш учун кўшимча даромад чораларини кўриб қўйишига ҳаракат қилинг. Хизмат вазифасидаги алоқаларни мустаҳкамлаб олишнинг айни вақти. Янги инсонлар билан танишишига бўлган иштиёқиңиз сизни турли саргузаштларга етаклайди.

ЭГИЗАКЛАР — ЖАВЗО (22.05 – 21.06) БУРЖИ

Мажбуриятлар сизни иқтисодий масалаларга жиддий ёндашишга ундайди. Хизмат сафарлари ва турли таклифлар меҳнат иштиёқиңизни оширади. Бироқ ҳар қандай таклифларга ҳам бетараф муносабатда бўлишдан сақлашиңг. Акс ҳолда, бу инсонларда сизга нисбатан ишончсизлик ҳиссини уйғотади.

ҚИСҚИЧБАҚА — САРАТОН (22.06 – 22.07) БУРЖИ

Бу ҳафтада сиз ўта таъсирчан ва атрофдагиларга нисбатан меҳрибон бўлиб қоласиз. Айниқса, Аёл қисқичбақалар ҳар бир ишга ўзинга хос жозиба билан ёндашадилар. Шу биле ушбу ҳафта келажак ҳаёт учун жиддий қадам ташлаш учун ҳам қулай давр. Бироқ шубҳали саргузаштлардан сақланинг.

АРСЛОН — АСАД (23.07 – 23.08) БУРЖИ

Янгиликка интилувчанлигингиз ва бой дунёқарашингиз хизмат вазифангизда асқотади. Ишбилармонлигингиз туфайли атрофдагиларнингиз эътирофига сазовор бўласиз. Шунга қарамай ишдаги мажбуриятлардан жисмонан толиқиш ҳис қиласиз. Соғлигингизга эътибор беринг.

ПАРИЗОД — СУНБУЛА (23.08 – 22.09) БУРЖИ

Муаммолардан қочишга эмас, уларни совуққонлик билан ҳал этишга урининг. Келгусида хизмат вазифангиз сизни атрофдагиларга бўлган муносабатингиз билан белгиланиши мумкин. Яқинларингизга ўз ҳиссиётларингизни ошкор этишдан чўчиманг.

ТАРОЗИ — МЕЗОН (23.09 – 22.10) БУРЖИ

Машҳурлик ва муваффақиятга интилиш иштиёқи кучайиб боради. Онлавий муаммолар бунга тўсқинлик қилаётгандек туюлса-да муваффақиятингиздан завқланишга ҳаракат қилинг. Яқинларингиздан керагидан ортиқ нарса талаб қилманг.

ЧАЁН — АҚРАБ (23.10 – 22.11) БУРЖИ

Атрофдагиларнинг сизга нисбатан ишончи ҳар вақтдагидан кўра ортиб боради. Сиз бундан руҳланиб, ақл бовар қилмас ғояларни амалда татбиқ этишга уринасиз. Ҳар қандай шароитда ҳам ҳиссиётга берилишдан сақланинг. Онлавий муносабатларингизни мустаҳкамлаб олишинг аини вақти.

ЎҚОТАР — ҚАВС (23.11 – 21.12) БУРЖИ

Ҳаётни ўрганишга интилишингиз ортади. Атрофдаги барча сирли нарса ва ҳодисалар сизнинг эътиборингиз марказига айланади. Ҳаддан ортиқ қизиқувчанлигингиз кескин ҳодисаларга сабаб бўлиши мумкин. Молиявий битимлардан узоқроқ бўлишга интилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ — ЖАДИЙ (22.12 – 20.01) БУРЖИ

Кўпроқ жамоат эътиборида бўласиз. Ички руҳий толиқишларга қарамай, зиммангизга юклатилаётган вазифаларга масъули-

ят билан ёндашасиз. Шахсий ва хизматдаги ҳаётингиз бир-бирини тўлдирган ҳолда ёнма-ён кечадн. Ҳар иккисига ҳам чин кўнгилдан вақт ажратишга интиласиз.

ҚОВҒА — ДАЛВ (21.01 – 19.02) БУРЖИ

Атрофингиздагиларга иложи борича эътиборлироқ бўлишга ҳаракат қилинг. Бу сизни хизматдошларингиз орасида янада ҳурмат қозонишингизга сабаб бўлади. Уй ёки хизмат хонангиз муҳитини дид билан ўзгартира бошлайсиз. Сизнинг бу уринишларингиз яқин инсонингизнинг юқори баҳосига сабаб бўлади.

БАЛИҚ — ҲУТ (20.02 – 20.03) БУРЖИ

Бу ҳафта сизнинг ҳар бир кунингизни баёрамдек ўтказиш нотаги қамраб олади. Кўпроқ вақтингизни кино, театр, кўргазма ва бошқа турли дам олиш жабҳаларида ўтказишга интиласиз. Шаҳардан ташқарига уюштирилган онлавий ҳордиқ ҳам ҳаётингизга ўзгача мазмун бағишлайди.

Мунажжимлар навбатдаги башоратларига сизларни ишонтира олдиларми? Келинг, сизга бир сирни очайлик: бу башоратларнинг газетада эълон қилинганига уч-тўрт ой бўлиб қолган. Қизиқ, яқинда ҳам худди шунга ўхшаган башоратни ўқигандимку, дейсизми? Ҳа, ҳамма гап шунда, ўша ўқиганингни ўч-тўрт ойдан кейин яна ўқийсиз, шунга ота гўри қозихонами? Хафа бўляпсиз-а?! Хафа бўлманг, наҳотки, ўзингиз ҳақингизда аниқ фикрга эга бўлмасангиз? Агар шундай бўлганида сиз ҳозир мунажжимларнинг ўша нотўғри ёки ёлғон башоратларига ишониб тушкунликка тушиб ўтирмаган бўлардингиз.

Яхшиси, бу борада ўзимиз сизга ёрдам бера қолайлик-а?! Қўрқманг, бу ҳолис хизмат, фақат озгина пул сарфлаб китобни сотиб олсангиз бўлди. Битта янги пайпоқ киймасангиз киймабсиз-да...

ҚАЙСИ ЮЛДУЗДАНСИЗ
ёхуд фолга шонмайдиғанлар учун



ҲАМАЛ — ҚҰЙ БУРЖИ
(21 март — 20 апрел)



Уларнинг ҳаётдаги шiori: “Ўтмиши қандай бўлмасин, қандай ҳаётий тажрибага эга бўлмайлик, бизнинг ҳар биримиз ўзгаришига лаёқатлимиз”.

Марс сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Олов.

Бахтли рақами — 9.

Астрологик рамзи — қўй.

Астрологик ранги — қизил, сариқ, олтинранг ва барча ёрқин ранглар.

Ёқтирган ва уларга ҳалшиша йўлдош бўлган тошлар — олмос, яшил, ҳаворанг қимматбаҳо тошлар, сафсар рангли минерал қимматбаҳо тошлар.

Яқин дўстимдан шундай воқеани эшитганим ёдимда. Ўлим ёқасида турган ўн ёшлар чамасидаги бир қизалоқ операциядан кейин қўп қон йўқотади. Унга айни пайтда қон жуда зарур эди, аммо, ҳеч кимнинг, ҳатто ошпа аъзоларининг ҳам қон гуруҳи унга тўғри келмайди. Таъвишига тушган ота-онани опасидан атиги икки ёшлар чамаси кичик бўлган ука қутқаради. Қизга айнан унинг қони тўғри келиши, акс ҳолда эса опасининг вафот этиши мумкинлигини эшитган болакай шак-шубҳасиз бунга рози бўлади. Боладаги қон фақатгина унга наркоз бериши йўли билангина олинади ва шифокорлар иш бошлашларидан аввал улардан: “мен ўлганимда оғриқ сезмайманми?” деб сўрайди. Демак, бола опасини қутқариши баробарида ўзининг ўлими ҳақида ҳам ўйлаган.

Бола оиласидан меҳр кўрмаган, ота-она ҳам унга ўз вақтида эътибор кўрсатолмаган, меҳр беролмаган. Опаси касал бўлиб қолгандан кейин эса унинг бор-йўқлиги ҳам унутиб қўйилган. Балки бола опасининг янаб кетмоғи учун ўз умрини бахшида қилганига сабаб шудир?! Аммо муҳими бу эмае. Муҳими, боладаги тоза муҳаббат, ҳақиқий меҳрнинг мавжудлиги. Дарвоқе, у 27 март санасида тугилган эди.

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Марс сайёраси ҳукмронлигини остида таваллуд тоилган ҳамаллар меҳрга таинна инсонлардир. Шунинг баробарида бурж вакиллари ҳар томонлама ҳавас қилгулик инсонлар тоифасидандирлар. Улар энг яхши ота, фарзандга чин дўст она, ҳар қандай шароитда тўғри тушуна оладиган рафиқа, аёлининг вафосини қадрлайдиган эр, вақтида эътибор ва яхши тарбия берилганда энг истеъдодли фарзанд, қисқаси, ўзларини намўн эъта олсалар ҳаётларида жуда катта муваффақиятга эриша оладиган ҳақиқий инсонлардир.

Ёлгон гапирини, бошқаларни гийбат қилишни, носамимийликни билмайдиган бундай инсонлар ҳаётда фақат рост сўзлаб, тўғрисўз, мард бўлиб умр кечирини ва бундай фазилатлар муваффақиятларининг асоси бўлишни натайдилар. Улар атрофидагиларни худди ўзларни каби билиб, бошқаларнинг гапларига жуда тез ишонадилар, шу бонедан баъзида алданганликларини сезиб қолсалар қаттиқ изтиробга тушадилар ва узоқ йиллар давомида азоб чекадилар. Аммо мазкур бурж вакиллари табиятан одамларни бошқаришга мойил бўлганликларидан ўзларини бундай поқулай аҳволга солиб қўймайдилар.

Ҳамаллар доимо одамларни фаол ҳаёт кечирини ундайдилар, уларнинг ўзларида ҳам доим янги бирор бир ишни бошлаш учун қўшимча энергия мавжуд бўлади. Шундай фазилатларига қараб бу бурж вакиллари яна шундай қўшимча таъриф бериш мумкин: улар жонсарак, бир жойда тинч туролмайдиган, мулозаматни яхши кўрадиган, шуҳратпараст, кимўзарга баҳе қилишни яхши кўрадиган инсонлардир. Буржлар орасида биринчи ўринда турадиган ҳамаллар ҳаётда ҳам биринчилардан бўлиш учун доимий ҳаракатда, улар чарчаш нималигини ҳам билмайдилар.

Табнатан жуда худбин бўлган мазкур бурж вакиллари ҳаётнинг ҳар қандай зарбасига қўрқмай дош бера оладилар ва мақсад сари дадил қадам қўя оладилар. Шунингдек, улар оташдай кучли ва бу уларнинг фаоллигини оширади.

Марс — ҳукмронлик белгиси, бу ўз навбатида Ҳамалларга ижобий таъсир кўрсатади. Шунданми, бурж вакиллари орасида жасур ва ўз имкониятларини юқори баҳолайдиган ва ўзига қаттиқ ишонадиганлар жуда кўп. Уларнинг бошқалардан фарқли жиҳатлари шундаки, Марс сайёраси ҳукмронлиги остидаги Ҳамаллар қўйилган мақсад йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдилар ва энг хавфли йўл ҳам уларнинг мақсадлари олдида тўсиқ бўлолмайди. Бурж вакиллари ҳаракатларида ёшликка хос соддалик, дўлворлик бор. Улар ҳамма ишнинг тез ва осон битишини истайдилар, ўз соҳаларида ҳар доним муваффақият қозонадилар ва атрофидагилар уларнинг қилаётган ишларини кўриб завқ олишлари, умуман, одамларнинг диққат марказида бўлишни хоҳлайдилар.

Ҳамаллар савдо соҳасида доним муваффақиятга эришадилар. Уларда таърифлаб бўлмайдиган оригиналлик бор ва бу қобилият уларни ҳаминша муваффақият томон стаклайди. Ҳамаллар донишманд ёки бирор мавзу юзасидан чуқур фикрлайдиган инсонлар тоифасига кирмайдилар. Уларни омадга бошловчи фазилатлари эса ҳамалларнинг ниҳоятда садоқатли ва самимий инсон эканликларидадир. Ўзларининг эркинликларини ниҳоятда қадрлайдилар.

Ушбу бурж вакилларининг бошқалардан ажралиб турадиган яна бир энг муҳим жиҳати — Ҳамаллар йўқотилган нарса (иш, севги ва ҳоказолар) ҳақида узоқ мулоҳаза қилиб ўтирмайдилар, чунки уларни бошқа жойда бундан-да яхшироқ омад кутиб турганига ўзларини ишонтира оладилар. Улар ҳамма ерда мавжуд бўлишни истайдилар.

Ҳамаллар жуда олижаноб инсонлардир, аммо сиз уларнинг ёнига омадсизликка учраган пайтларида ёрдам сўраб бора кўрманг.

Ҳамаллар ўз фикр ва дунёқарашларини бошқалар олдида намоён қилишни яхши кўрадилар, лекин ўзларининг ички ке-

чинмаларини фақат ичларида сақлайдилар. Улар ҳақиқий дўстлардир ва бу дўстликни улар умрларининг охиригача сақлаб қола оладилар. Қийин вазиятларда дўстларнинг ёки яқинларининг кўмақларини қаҳрамонлик деб қабул қиладилар ва бу яхшиликни ҳеч қачон эсларидан чиқармайдилар.

Ҳамаллар ўзларини, ўз фикрларини шу даражада юқори баҳолашадикки, буни уларнинг нокамтарликларига йўйиш нотўғри. Чунки улар ҳақиқатда дилбар — қалби тоза, нияти пок, бошқалар кўнгилга озор беришдан ҳар доим ўзларини тийиб турадиган, хуллас, бошқаларни ҳам ўзларига ўхшашларини чин дилдан истайдиган инсонлар сирасига кирадилар.

Энг қизиғи, ҳамал буржи вакиллари молу дунёдан кўра тинч ва осуда ҳаётни афзал билдилар, шунданми уларни давраларнинг тўрида учратиш маҳол.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Табиатан жуда ғайратли ҳамалларга бу фазилатлари ҳар доим ҳам муваффақият олиб келавермайди. Улар баъзида ўз имконият ва қобилиятларини беҳуда сарф қилиб юборадилар. Табиатан жуда жўшқин инсон бўлганликлариданми, ҳар қандай нини қайтадан бошишига доим тайёр турадилар. Ички туйнуллари ва кечинмалари билан камдан-кам ҳисоблашадилар. Шу билан уларга ички оламга назар ташлаш, ўз кўнгиллари билан ҳисоблашини маслаҳат берган бўларди. Шунингдек, улар бошқаларнинг қизиқишлари ва ҳаракатлари билан ҳисобланмайдилар, фақат ва фақат ўзларининг меҳнатларини қадрлайдилар.

Ҳамал жисмоний меҳнатни унчалик хуш кўрмайди. Миясига бирор фикр келдими, уни амалга оширмагунча тинч туролмайди, гарчи бу иш бошқаларга зарар келтиришини билса-да. Тўғри-сўзликлари билан Ҳамаллар кўпинча бошқаларнинг қалбига озор бериб қўядилар, аммо ўзларининг бу ишларини нотўғри деб ҳисобламайдилар.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ. Асад, Жавзо, Қавслар билан қалли иттифоқдош. Ўзларининг жимжитликни яхши кўришлари билан Далвларга, ўзларига бошқаларни жалб эта олиш қобилиятлари билан Мезонларга ўхшайдилар. Жадий, Саратон, Хут, Ақраб буржидагилар билан унча-

лик чиқиша олмайдилар. Сунбула, Савр буржидагилар билан кўпинча бир-бирларига нисбатан совуқ муносабатдалар.

Буржлар ўртасидаги муносабатларга янада аниқлик киритамиз:

Ҳамал+Ҳамал = ўрталарида кўпинча баҳс-мунозарали вазият юзага келади.

Ҳамал+Савр = бир-бирларини тўғри тушуна олсалар, яқин бўлиб кетадилар.

Ҳамал+Жавзо = бир-бирларини яхши тушунадилар, ҳатто ўртада муҳаббат пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Ҳамал+Саратон = табиатан бир-бирларига зид характер эгалари эканликларидан, ўрталарида муаммоли вазият келиб чиқиш эҳтимоли кўпроқ.

Ҳамал+Асад = муносабатлар жуда яхши, агар бу иккала бурж вакиллари онла қурадиган бўлсалар, улар бахтли бўладилар.

Ҳамал+Сунбула = улар ҳеч қачон бир-бирларини тан олмайдилар.

Ҳамал+Мезон = улар ўзларининг бир-бирларидан баъзи жиҳатларига кўра устун эканликларини тан олмайдилар.

Ҳамал+Аҳраб = уларнинг бир-бирларига нисбатан муносабатларини кўпинча тушуниш анча қийин: бир қарасангиз жуда яхши, яна қарасангиз...

Ҳамал+Қавс = бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қиладилар, ҳатто ҳамкорликда иш юритсалар, муваффақиятга ҳам эришадилар.

Ҳамал+Жадий = бир-бирларини ақлли инсон сифатида тан оладилар, аммо буни билдиргилари келмайди.

Ҳамал+Далв = сен менга тегма, мен ҳам сенга тегмайман.

Ҳамал+Хут = ҳар иккаласи ҳам бир-бирларининг кучли ва заиф томонларини яхши биладилар, аммо буни ҳеч қачон билдирмайдилар.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Юқорида таъкидланганидек, бу бо-рада ҳамал буржи соҳибларига меҳрибонлик, ғамхўрлик, доимий эътиборнинг ўзи кифоя. Уларнинг кучли севгиси ҳаққонийликка, адолатлиликка қаратилган. Агар уларга шундай илтифот кўрсатилса, сиз унинг учун дунёдаги энг яхши инсонсиз.

Худди шунингдек, улар дўстлик ва севгининг фарқига бориб яшаш керак деб ҳисоблайдилар. аке ҳолда эса кимнингдир кўнглига қаттиқ озор бериб қўйишдан доим қўрқадилар. Улар дўстликни севгига айлантирмасликка тиш-тирноғи билан ҳаракат қиладилар. Бунинг боиси шундаки, севги қайтадан дўстликка айланмайди, худди олов бошқатдан ўтин бўлолмагани каби.

Қисқаси, улар ўз муҳаббатларидан бахт кашф эта оладилар ва яшашнинг маъносини ҳам шунда деб биладилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Эслатиб ўтганимиздек, бу бурж соҳиб ва соҳибалари ўзига хос характерга эга инсонлардир. Бойлик ва пул топиш борасида ҳам бор куч ва имкониятларини сарфламайдилар, улар учун пул мақсад сарф восита, холос. Табиатан ҳаракатчан, жамоат ишларида фаол бўлган мазкур бурж эгалари кўп пул ишлаб топа оладилар, аммо сармояларини жамғаришни эплотмайдилар. Улар қўлларидаги бор пулни ҳеч иккиланмай режаларидаги бирор иш учун сарфлайдилар, ортиқча пул Ҳамал инсонларда камдан-кам ҳоллардагина бўлиши мумкин, чунки уларда яхши янашлари учун ҳамма нарса етарли. Баъзида Ҳамалларга катта миқдордаги пул керак бўлиб қолса ҳам бундан ташвишга тушмайдилар, аксинча пул топишга жон-жаҳдлари билан киришиб кетадилар ва аксарият ҳолларда бунинг удасидан чиқадилар ҳам. *“Пул оқиллар учун учун восита, аҳмоқлар учун мақсаддир”*. Ҳамаллар бойлик ва пул борасида худди шундай фикрга эга инсонлардир.

Иқтисод қилиш борасида чемпиондирлар, пулнинг қадрини жуда яхши биладилар. Улар дадиллик билан ўзларининг молжавий имкониятларини қўлга киритадилар. Ўз ҳокимиятларини эса жуда оқиллик билан назорат қила оладилар.

КАСБ ТАНЛАШ. Кучли қобилият ва қувват билан туғилган Ҳамалларнинг ушбу қобилиятлари — уларнинг йўлбошчиларидир. Аёл ва эркек Ҳамалларга хос муҳим хусусият ҳаётга ва яшашга чанқоқлик (оптимизм), иззатталаблиқдир. Бемалол айтиш мумкинки, Ҳамаллар ҳаётининг мазмуни — бу уларнинг севимли ишларидир. Улар ўз устларида жуда кўп, қалол ва виждонан ишлайдилар. Ҳамал буржидагилар табиатан нозиктаъб инсонлар бўлганликлариданми, кўпроқ ижодга мойиллик сезилади уларда.

Кўрган, эшитган, билганларни бўрттириб айтиш, айтаётган фикрларни чиройли мисоллар билан тўлдириш ва ўринли хулосалар билан тугата олиш, кўп хаёлга берилиш — бу фазилатларнинг барчаси ижодкор шахсга хос эканлигини инобатга оладиган бўлсак, ҳамал буржи соҳиб ва соҳибалари худди шундай инсонлар тоифасидандирлар. Қатъий фикрга эга Ҳамалларни эса ҳарбий соҳаларда ҳам кўплаб учратиш мумкин.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Ҳамаллар аксарият ҳолатларда кўраётган тушларини ўнгларида ўзлари билмаган ҳолда изоҳлаб, шарҳлаб берадилар. Уйғонганларида уларнинг уйқусираб гапирганларини эслатсангиз, асло тан олмайдишлар: йўқ, бўлиши мумкин эмас! Ҳамал буржидагилар кўпинча тушларида саёҳат қилиб юрадилар, учар гиламлар бир зумда уларни бутун дунёни кезиш бахтига муяссар қилади. Боғ-роғларда ҳаётлари давомида жуда кам учратадиган инсонларни бахтиёр кўрадилар, улар ҳатто тушларида ҳам бошқаларга яхшилик қилиш ҳақида ўйлайдилар. Жуда иримчи бўлганликларидан ёмон туш кўрган кунлари кайфиятсиз юрадилар. Хуллас, улар тушларга ва тушларининг таъбирига, умуман, тушлар келажакдан дарак беришига қаттиқ ишонадилар.

БАХТ. Кимнинг қалби бўлмаса, у бахтсиздир.

ЭРКАК ҲАМАЛ БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Қанчалик кучли бўлишмасин, алданмишга мойил ҳамал буржи соҳиблари ўзларини шу аҳволга солганларни кечиролмайдилар. Ўзларига ва атрофидагиларга нисбатан жуда талабчан, ўзига ишонувчан ҳамда қадрқимматини жуда юқори баҳолайдилар. Ташқи кўринишлари жиҳатидан соғлом кўринсалар-да, ҳамалларни кўпинча асаб тизими билан боғлиқ касалликлар тез-тез безовта қилиб туради.

Ҳамал буржи соҳиблари аёллардаги ширин муомалаларни ёқтирадилар. Жаҳлдор, қўрс. бақриб гапирадиган аёлларга умуман ҳушлари йўқ. Улардаги энг яхши фазилат — атрофидагилардан фақат яхшилик излайдилар ва топадилар ҳам.

Ҳамал буржи вакилларининг сизга нисбатан муносабатларини билиш учун уларнинг кўзларига бир марта боқишнинг ўзиёқ кифоя қилади. Чунки уларнинг ҳамма сирлари, дилидаги бори — нигоҳларида яширин.

АЁЛ ҲАМАЛ БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Бу бурж соҳибаларининг ҳурматга сазовор томонлари шундаки, улар одамни ҳар қандай шарҳида ҳам тўғри тушуна оладилар, керак бўлса ҳамдард ҳам бўладилар.

Бундай аёллар учун бир онли бахтдан кўра узоқ йиллар давомида эришилган бахт афзалдир. Улар ишда ҳам, онлада ҳам жуда садоқатлидирлар.

Ҳамал буржидида туғилган аёллар жуда кучли аёллар тонфасиландирлар. Ҳар қандай қийинчиликни жуда катта сабр-бардош билан енгиб ўтоладилар ва бу қийинчиликлар орғидан яхши кунлар келишига қаттиқ ишонганликлариданми унча-мунча ташвишни писанд қилмайдилар.

Мазкур бурж остида таваллуд тоған аёллар эркаклардаги вафони қадрлайдилар. Уларга тез-тез муҳаббатингизни изҳор қилиб туришни унутманг. Сиз аёлингизни дунёдаги энг дилбар аёл эканлигини унинг ўзига тез-тез эслатиб туринг. Бунинг эвазига у сизни бутун умр ардоқлайди.



САВР — БУЗОҚ БУРЖИ
(21 апрел — 21 май)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Сен ўзинг ҳақингда қандай ўйласанг, худди шундай инсонсан”.

Венера сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Ер.

Бахтли рақами — 6 ва у билан боглиқ рақамлар.

Астрологик рамзи — сизир.

Астрологик ранги — лимон ранги, яшил ва оч бинафиширанг.

Ёқтирган ва уларга ҳалиша йўлдош бўлган тошлар — бриллиант, опал (безак буюмларига шилатиладиган минерал), ой билан боглиқ қимматбаҳо тош.

Мактабда ёмон баҳоларга ўқийдиган йигитни таълим муассасасида ўқитувчилар, уйда эса ота-онаси доимо койийди: ландовурсан, ялқовсан, шийқмассан, катта бўлганингда гўр ҳам бўлмайсан, дея. Ота-онаси ва ўқитувчилар ўртасида ҳам болакай туфайли порозилик пайдо бўлади. Ган-сўзлардан безиб қолган ота-она ҳам ўз фарзандини тишмай койишда давом этиб, ҳатто баъзи вақтларда калтаклашгача бориб етадилар.

Охир-оқибатда вазият шу даражагача бориб етадики, камолга етаётган фарзанд унги такрор-такрор таъкидланаётган қусурларни ўзида бор деб ўйлайди ва шу туфайли келажакка бўлган умиди бутунилай сўниб, ўзини бошқаларга керак эмаслик кайфияти унга тишчлик бермайди. Йиллар ўтса-да, унинг мактабдаги ўқишлари яхшиланмайди, аксинча боланинг хулқи ҳам ёмон томонга ўзгариб кетади.

Бола ўзида мақсад сари штилишига куч тополмайди, чунки у вояга етган бўлишига қарамай қалбан ўзининг бирор нарсага ҳодирлигини ҳис қилмаган. Аслида эса...

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Савр буржи соҳиблари айнан мана шу — “мен балки ҳеч нарсага қодир эмасдирман”, деган ўй-фикрдан қутулолмайдилар. Чунки улар ўзларининг куч ва имкониятларини балоғатга етгачгина сарф қила бошлайдилар. Таваккалчилик уларга умуман ёт. Бирор ишни бошлашдан аввал узоқ ўйланадилар, иккиланадилар ва кўп ҳолларда мана шу узоқ иккиланишлар самарасини ҳам ўзларининг фойдаларига ҳал қила олмайдилар. Улар ўзларини танаси эмас, руҳлари (мияси) бошқаришига жуда қаттиқ ишонадилар.

Венера сайёраси ҳукмронлиги остидаги савр буржи соҳиблари доимо бахт ва омад олиб келадилар. Улар дўстлари ва севимли кишилари назарида жозибали, истараси иссиқ одамлардир ва худди шу фазилатлари билан одамларни ўзларига тортадилар. Аммо бу қобилиятлари фавқулодда намоён бўлмайди.

Савр буржи вакиллари ҳар доим шундай фикрдалар: “Мен аниқ биламан, мен ҳамма ишни удадалай оламан, агар шунини чин дилдан хоҳласам. Хўш, бунинг учун мен нимадан (кимдан) кўрқаман?”. Улар ҳақиқатан ҳам шундай инсонлар топқасидан, яширин қобилият ва истакларининг рўёбга чиқаришида ҳаминша уларга кимдир ёки нимадир доимо халақит бераверади.

Саврларининг бирор ишни бошлашлари жуда қийин, чунки ўзларидан доим кемтик ахтараверадилар, уларга мудом нимадир етишмайди. Шу бонедан ҳам Саврларни тушуниш жуда қийин. Лекин бундайларининг ижобий томонлари жуда кўп. Масалан, улар аҳилликни жуда яхши кўрадилар, лекин баъзида атрофидагилар уларнинг жуда камгапликлари, вазминликларидан зерикадилар.

Мазкур бурж вакиллари одамларни жуда тез фарқлайдилар ва табиатига монанд келадиганлар билангина муроа қиладилар. Шу бонс атрофдагилар, уларни яқиндан билмаганлар бурж вакиллари ҳақида доим ҳам яхши фикрга эга эмаслар. Саврлар кам гапирадилар, ташқи томондан ўзларини жуда хотиржам қилиб кўрсатадилар ва уларнинг қачон хурсанд бўлишлари-ю қачон хафа бўлишларини ҳам билиш жуда қийин.

Саврлар бошқа бурж вакилларидан ўзларининг ўта чидамли ва сабрли эканликлари билан ҳам ажрალიб турадилар. Яқинлари томонидан қанчалик камситилмасин, бунга жавобан улар терс ўғирин-

либ кетмайдилар, аксинча, “балки ҳақиқатан ҳам шундайдирман”, дея ўзларидан шубҳаланиб қоладилар. Хуллас, ҳаётда курашиб яшаш керак, шуида ҳаёт ҳам сендан ўз неъматларини аямайди деган оптимистик фикр ҳам уларга завқ бағишлолмайди.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Жуда қайсар, лоқайд, худбин ҳислатлари Саврларнинг кучсизланиб қолишларига сабаб бўлиши мумкин. Яна уларнинг кўпчилигида эҳтиёткорлик йўқ.

Шахсий муносабатларда Саврлар бир-бирларини тушунолмайд қийналадилар.

Аёл саврлар кўн гапирлишни яхши кўрадилар ва эркаклар ўзларини тинглашга мажбур деб ҳисоблайдилар.

Эркак саврлар хушомадни жойинга қўядилар ва ҳамкорлари билан муносабатларида ўзларининг сифатлари ҳақида тўлибтошиб гапирлишдан ҳечам эринмайдилар.

Саврлар учун одамларнинг ўзлари ҳақидаги фикрлари мутлақо аҳамиятсиз. Шунинг учун уларга қилаётган ишлари учун бирор танбех берилмаган бўлса, ўша одамни учун душмандек ёки бўлмаса ўзининг муваффақиятсизликларини кўролмаётгандек қабул қиладилар. Бурж вакиллари фақат ва фақат унинг фазилатларини эътироф этадиган инсонларининг яхши инсон сифатида қабул қиладилар.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ. Улар Сунбула, Жадий, Саратон, Ҳут буржи вакиллари билан жуда кўп масалаларда ҳамфикрдирлар ва улар бир-бирлари билан жуда тез чиқишиб кета оладилар. Асад, Ақраб, Далв буржидагилар билан эса аксинча, улар бир-бирларини ҳеч қачон яхши тушуниб кета олмайдилар. Жавзо буржи вакиллари билан эса кўпинча жанжалли ҳолатларни келтириб чиқарадилар.

Буржлар ўргасидаги муносабатга янада аниқлик киритамиз:

Савр+Савр = яхши дўстдирлар, бу дўстликни муҳаббат ва оила масаласида ҳам давом эттириш мумкин.

Савр+Жавзо = фикрлари бир жойдан чиқса, бир-бирларининг наздида яхши инсон бўлиб қолаверадилар, аксинча бўлса...

Савр+Саратон = айрим масалалардагина бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар, аммо дўст бўлолмайдилар.

Савр+Асад = ўзаро суҳбат асносида ҳар иккала томон ҳам фақат ўзини ҳақ деб ҳисоблайди.

Савр+Сунбула = уларчалик бир-бирларини тўғри тушуна оладиган дўстлар кам учрайди.

Савр+Мезон = бир-бирларининг қилган ишларини маъқулласалар-да, аслида ич-ичдан қабул қилмайдилар.

Савр+Қавс = уларнинг ёнида доимо учинчи кимдир бўлиши керак.

Савр+Жадий = иккинчи томон доим биринчи томонни тушунишга ҳаракат қилади ва бу кўпинча яхши самара беради.

Савр+Далв = ўзаро дўстликни эмас, муҳаббатингина тан оладилар.

Савр+Хут = бир-бирларини яхши билганликларидан суҳбатлари доимо самимий кечади.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Саврлар бу борада жуда кучли ҳаётий тажрибага эгадирлар. Яхши кўрган инсонларига (ёки турмуш ўртоқларига) мақтов сўз айтиши ёки хушомад қилиши биллишмайди. Уларнинг кўпинчилиги дил изҳорларини бирорта совға-салом ҳадя қилиш орқали билдирадилар. Аёл Саврлар ҳам, эркак Саврлар ҳам муҳаббат бобида жуда сирлидирлар. Уларнинг барча меҳрибонликлари, муҳаббати, садоқати, вафоси, севгиси дилида яширин. Йўқ, улар бу туйғуларни ошкор қилишдан чўчимайдилар, балки тилда ифодаланган туйғунини самимий қабул қила олмайдилар. Оила улар учун энг муқаддас қошона. Ва Саврлар ўзларини фақат ўз оиласи, фарзандлари бағрида эканликларидagina жуда эркин, бахтли, бежавотир ҳис қиладилар ва доимо оилаларни томон интиладилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. “Тўғри, пул кўп нарсани ҳал қилмайди, лекин асабини тинчлаттиради”. Улар бу борада шундай ўйлайдилар. Савр буржи вакиллари пулни қадрлайдилар ва фаровон ҳаёт шу асосда қурилади деб ҳисоблайдилар. Шу боне улар орасида бадавлат кишилар жуда кўп учрайди. Савр буржи соҳиблари пул топши борасида қаттиқ меҳнат қиладилар. Ҳалол топилган пул барака келтиришини улар ўзларига шпор қилиб олганлар. Пул топши борасида ўзларининг бошқалардан ўзиб кетишларини ҳалолликлари ва тинимсиз меҳнатлари самарасидан

деб биладилар. Савр буржи инсонлари ўз пулларига қандай ҳукмронлик қилишни яхши биладилар. Оила қурганларидан сўнг ҳамма нарсани жой-жойига қўя оладилар. Пул олди-берди борасида улар билан бемалол ҳамкорлик қилиш мумкин, чунки Саврлар қалбан пок ва ҳалол инсонлар тоифасидандирлар.

КАСБ ТАНЛАШ. Саврлар замонасининг энг доно кишилари-дир. Улар ўзларининг бетакрор қобилият эгаси эканликлари билан бемалол фахрлансалар бўлади. Жуда кўп Саврлар фикрни лўнда баён эта олиш қобилиятига кўра, ТВ ва радио соҳасида ишласалар муваффақиятга эришадилар. Шунингдек, улар бетакрор овозга эгадирлар. Табиатан жуда бағрикенг, сабрли, чидамли Савр буржи вакилларининг кўпчилиги таълим соҳасида фаолият олиб борадилар. Улар орасида ижодкорлар ҳам жуда кўп. Ажабланарлиси, уларни ёзган асарлари орқали ҳам бемалол таниб олиш мумкин.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Улар тушларга ишонмайдилар ва ҳаётларида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ҳам тушларига йўймайдилар.

Савр буржи вакиллари тушларида ўзларини қўлларини чўзиб қаёққадир кетаётган ёки нимагадир талпинаётган ҳолатда кўрадилар. Бу тушнинг таъбирини ҳар хил талқин қилиш мумкин. Биринчидан, бундай тушнинг яхши таъбири — уларнинг келажакка, фаровон ҳаётга интилаётганликлари билан изоҳланса, иккинчи томондан буни доим уларга нимадир етишмайди-ю бу уларга қўлларини чўзиб турганликлари ҳолатида намоён бўлиши билан изоҳлаш ҳам мумкин.

БАХТ. *Бир пайтнинг ўзида ҳам бахтли, ҳам бахтсиз бўлиш мумкин, бу сенинг тушунчанга боғлиқ.*

ЭРКАК САВР БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Эркак бузоқ буржи вакиллари беозор, раҳмдил, марҳаматли инсонлар бўлиб, улар худди шу характерлари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Табиатан Худо уларга тенгсиз истеъдод ва сабр берган. Агар уларнинг атрофида ўзларини яхши тушунган ва доим қўллаб-қувватлайдиган кимдир бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай,

уларни танитай қолганингиз ҳеч гап эмас. Бу бурж вакилларида ҳам ўзларини намоеън эта олиш қобилияти бор. Фақат энг катта тўсиқ — улар ўзлари билан ўзлари келишолмай яшайдилар. Фарзанд тарбиясида болаларининг ўзларига эмас, аксинча, ҳаётда жуда катта муваффақиятларга эришган бирор инсонга ўхшашларини истайдилар ва уларни шу руҳда тарбия қиладилар. Бу борада уларнинг олдидаги энг катта тўсиқ — Саврлар фарзандларининг ўзларига ўхшаган одамови бўлишларидан жуда қўрқадилар.

Эркак бузоқ буржи вакиллари аёллардаги камгапликни ёқтирадилар. Шунингдек, аёллар ўзларининг ишларига аралашавермасликларини талаб қиладилар. Улар ҳақидаги яна бир сирни ошкор қилишимиз керак: бундай табиатли эркаклар кўпчилик аёлларнинг орзусидаги эркакдир.

АЁЛ САВР БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Аёллар ҳамдардлик, елкадош бўла олишлари билан ўз жуфтларининг меҳрларига сазовор бўладилар. Уларнинг асосий вақти ошхонада ўтади: аёлларнинг бу борадаги ҳаракатлари эрларига астойдил ёқишга бўлган ҳаракатлари десак ишонаверинг.

Агар эркаклар савр буржида туғилган аёлларни ўзларига умр йўлдоши сифатида танласалар, улар ўз ҳаётларида энг тўғри қарорни қабул қилган бўладилар. Чунки бундай аёллар жуда кучли, софдил ва меҳрибон эрларининг иш борасидаги тажрибаларини, маслаҳатларини доим қўллаб-қувватлайдилар.

Аёл Савр буржи вакиллари эркаклардаги эътиборни, ўзларига нисбатан ширинсўзликни қадрлашадн, чунки айнан шу нарса уларга етишмайдн. Йўқ, буни уларнинг муҳаббатга нолойиқлиги билан изоҳлаш нотўғри. Фақат уларга ҳаддан зиёд меҳр керак, холос.



**ЖАВЗО — ЭГИЗАКЛАР
БУРЖИ**
(22 май – 21 июн)



Уларнинг ҳаётдаги ишори: “Инсон бир нарсани қаттиқ хоҳлаидан олдин ўша нарсага эришган одам ҳозир қанчалик бахтли ёки бахтсиз эканлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўриши керак”.

Меркурий сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Ҳаво.

Бахтли рақами — 5.

Астрологик рамзи — эгизаклар.

Астрологик ранги — тўқ сариқ, булут рангини эслатувчи кўк ранг ҳамда бинафшаранг.

Ёқтирган ва унга ҳамшиша йўлдош бўлган тошлар — зумрад, сапфир (зангори ёки кўкиш ёқут), ақиқ.

Бир кунги тошйўнар бой савдогарнинг уйига бориб қолибди. Унинг барча бойликларини кўриб, шаҳарда бу савдогар қандай обрў-эътиборга эгалигини пайқабди. Тошйўнар савдогарга ҳивас қилиб, унга ўхшашиши орзу қилибди. Ушинда оддий тошйўнар бўлиб қолишига тўғри келмайди, деб ўйлабди.

Иттифоқо, унинг бу истаги вожеиб бўлиб, бирданига савдогарга айлашиб қолибди ва жуда кўп ҳашаматли буюмларга эга бўлибди ҳамда ҳеч қачон, ҳатто орзу ҳам қилмаган ҳукмронликка эришибди. Лекин энди бечораҳол кишилар унга бахиллик қила бошлашибди, энди унинг душмани тасаввур этганидан ҳам кўпроқ ортиб кетибди.

Кейин у атрофини хизматкорлар ва аскарлар қуришган юксак мартабали шахсни кўриб қолибди. Бу буюк ва қудратли киши қаришисида барча кишилар тиз чўкишарди. У бутун подшоликда энг обрўли ва ҳурматга сазовор инсон эди. Савдогарга айланган тошйўнар энди ана шу ҳукмдор киши сингари шунча хизматкор

ва кўриқчиларга эга бўлиши ҳамда энг кучли ҳокимиятга эришишини истаб қолибди.

Унинг нияти яна рўёбга чиқибди. У қаришида барча тиз чўкадиган, подшоликдаги энг юксак мартабали кишига айланибди. Лекин ўша ҳукмдор аини пайтда энг золим ва бадэжаҳл киши бўлганлиги боис уни шунча аскар кўриқларди. Бунинг устига қуёш тафти ҳукмдорни ўзини гоаят бебахт ва аҳамиятсиз сезишга мажбур қиларди. У кўкда чарақлаб турган қайноқ офтобга қараб: “У қанчалик буюк! Мен қуёш бўлишни истардим”, дебди.

Шундай истақни билдирган заҳоти у нурларини таратувчи қуёшга айланиб қолибди. Лекин кучли шамол туриб, ер юзи булутлар орасига яширишибди. “Мен шамол каби кучли бўлишни истайман” деган ўй хаёлидан ўтган заҳоти у шамолга айланибди.

Аммо дарахтларни илдизлари билан кўнорувчи ва бутун бошли қишлоқларни яқсон қилувчи ўша шамол ҳам қоя билан тўқнашган чоғда унга кучи етмабди. Баҳайбат қоя тош қилмир этмасдан шиддатли ҳаммага қаришлик кўрсатибди. “Бу тош эсуда муस्ताҳкам экан, — дебди шамол, — мен тош каби метши бўлишни истайман!”

Шунда у энг кучли шамолларга дош берган баҳайбат тошга айланибди. Энди ер юзида энг зўр кучга айланганидан кейин, ниҳоят, у ўзини бахтлиман деб билибди. Аммо шу пайт қандайдир жаранглаган товуш чиқаётганини эшитибди. Болганинг қояга урилиб, уни майда бўлақларга бўлаётгани маълум бўлибди. “Мендан-да кучли ким бўлиши мумкин?” ўйлабди тош. Баҳайбат харсангтош узра эса... тошийўнар турарди.

УМУМНИЙ ТАЪРИФ. Гувоҳи бўлганингиздек, жавзо буржи остида таваллуд топган инсонлар ҳаётда жуда кўп нарсаларни хоҳлашлари билан ўзига хос характерга эга инсонлар тонфасига кирадилар. Улар ҳаётлари давомида тез-тез ўзгаришлар қилиб туришни ва шу ишлари билан атрофидагиларни қойил қолдиришни яхши кўрадилар.

Жавзолар орасида иззатталаб, мақтанчоқ, давлатни кўз-кўз қиладиганлар кўплаб топилди. Улар — кайфиятнинг одами. Шунингдек, Жавзолар турли-туман, тўғрироғи, қарама-қарши

характердаги инсонлардир. Бир қарасангиз жуда ночор, қўлидан ҳеч иш келмайдиган ва баъзиларнинг раҳмини келтирадиган даражада намoн бўладилар. Бир қараганингизда эса улар жуда кучли инсон бўлиб кўринадилар.

Агар Жавзо буржи вакиллари болалигидан алоҳида эътибор ва масъулият билан тарбия қилинса, кейинчалик ўз кучига қаттиқ ишонадиган ва ҳар бир юмушга алоҳида эътибор билан ёндашадиган инсонлар бўлиб етишадилар.

Жавзолар характеридаги ўзига хос энг муҳим жиҳат — улар ўзларининг куч ва имкониятларига шубҳа билан қарашмайди. Ҳаётдан завқ олиб яшашни, унинг барча туҳфаларини ўз фойдаларига ҳал қилишни яхши биладилар.

Мазкур бурж вакилларига хос энг муҳим хусусиятлардан яна бири уларнинг давралардаги фаол иштирокидир. Суҳбат давомида асосий эътиборни ўзларига қаратмоқчи бўладилар, аммо атрофидагиларни тинглашга келганда уларда тоқат стишмайди.

Жавзолар жуда кучли, иродали, ғайратли, ақлли инсонлардир. Шу боис ҳам уларда ҳар доим янгидан янги ғоялар пайдо бўлади. “Мен ҳамма ишни уддалай оламан”, деган баҳо уларнинг қалбида янгидан-янги орзуларнинг туғилишига замин яратади. Табиатан жуда ўжар Жавзолар бирор масалада ноҳақ бўлсалар-да, ўзларининг ҳақ эканликларини жон-жаҳдлари билан исботлашга уринадилар. Ўзларига қанчалик юқори баҳо бермасинлар, қилаётган ишларидан ҳеч қачон қониқмайдилар. Шу боисдан ўзларини ҳамма соҳада синаб кўришга таваккалчилик қиладилар.

Жавзо буржи инсонлари уларга ўзини чин дўст сифатида намoн эта олганларга ўзларини бахшида қилиб юборишга тайёр турадилар.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Жавзолар ўзларининг ўй-фикрларини, хаёлларини бир жойга жамлай олмайдилар. Уларнинг қизиқиш ва хоҳиш-истаклари шу даражада кўпки, бу истакларини тўғри тақсимлай олмайдилар, қобилиятларини кераксиз ишларга сарф қиладилар ва бошлаган ишларини камдан-кам ҳоллардагина охиригача етказадилар.

Жавзоларни ақлий фаолният билан боғлиқ қизиқишлари тез чарчатади, шунинг учун улар вақти-вақти билан ўз ҳаётларини тўғри изга солиб олиш ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари керак бўлади. Жавзолар туну кун меҳнат қилиш ҳақида ўйлайдилар, аммо куннинг маълум бир қисмини дам олишга сарфлаш кераклигини ҳам ёдда тутишса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, жавзо буржи инсонлари ичларида тўпланиб қолган ёмон ўй-хаёллардан ўзларини халос этолмайдилар. Улар ўз яқинлари, севганлари ва оилаларига нисбатан раҳмдил бўлишлари керак. Сусткашлик Жавзоларни ғазаблантиради. Уларга ўзларининг сабр-тоқатларини яна бир синовдан ўтказиб кўришни маслаҳат берган бўларди.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Савр, Далв, Мезон, Асад буржи вакиллари билан доимо яхши муносабатда бўладилар, улар билан кўпинча фикрлари бир жойдан чиқади. Хут, Сунбула, Қавс буржи остида туғилганлар билан ҳар доим ҳам яхши муносабатда бўлавермайдилар, ораларида тез-тез жанжалли воқеалар содир бўлиб туради. Улар Ҳамал буржи вакиллари билан қалбан жуда яқиндирлар. Энг қизиғи эса улар фақат ва фақат ўз буржи вакиллариини дунёдаги энг донишманд одамлар деб ҳисоблайдилар.

Жавзо+Жавзо=уларнинг дўстлигига ҳақиқатан ҳавас қилса арзийди, чунки улар ҳар томонлама муносиб ҳамкорлардир.

Жавзо+Саратон=дунёқарашлари бутунлай бошқа-бошқа бўлганлигиданми, бир-бирларининг фикрларини тан олмайдилар.

Жавзо+Асад = бир-бирларининг фикрларини маъқуллаганларидагина риёладагидек дўст бўлиб кета оладилар.

Жавзо+Сунбула=ўрталаридаги жанжал фақатгина бир-бирларини тушунмаслик оқибатида келиб чиқади.

Жавзо+Мезон=бир-бирларини ҳурмат қиладилар, баъзи масалаларда эса фикрлари бир жойдан чиқади.

Жавзо+Ақраб=мутлақо бошқа-бошқа фикрдаги инсонлар эканликлариданми, бир-бирлари учун аҳамиятсиз.

Жавзо+Қавс=улар шунчаки танишлар, холос.

Жавзо+Жадий=бир-бирларига ҳурмат юзасидангина ён босадилар.

Жавзо+Далв=улар ўртасидаги муносабат муҳаббат билан жун топса, никоҳ омадли бўлади.

Жавзо+Хут= турфа феълли бўлганликлариданми, уларнинг ёнида албатта учинчи кимдир бўлиши керак.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Севги-муҳаббат уларнинг ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Айтиш мумкинки, бу туйғу жавзоларнинг ҳаётини, ўзларини бутунлай ўзгартириб юбора олади. Аёл жавзо буржи соҳибалари ҳам, эркак жавзо буржи соҳибалари ҳам севгига ташна, шу боне улар томонидан кўрсатилаётган меҳр жавобсиз қолмаслиги керак. Аёллар севгисига иккинчи томоннинг муносабати уларнинг орзу ва интилишларига жуфтнинг қўллаб-қувватланишида намоён бўлиши керак. Эркаклар эса ўз севганларини шу даражада идеал инсонга айлантириб юборадиларки, охир-оқибатда “мен унга муносиб эмасман”, деган ўй билан ўзларига азоб бериб юраверадилар.

Энг қизиғи, онла қургандан кейин ҳар иккала томоннинг, яъни аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам муҳаббат ҳақидаги фикрлари батамом ўзгариб кетади.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Жавзо вакиллари орасида бой-бадавлат одамлар кўп деб бўлмайди, ваҳоланки улар бошқаларда шундай тасаввур уйғотсалар-да, аслида бундай эмас. Жавзолар учун моддийлик ҳаётда унчалик муҳим эмас, гарчи улар ҳокимият томон интилсалар-да, гарчи давранинг “гули” бўлишни истасалар-да. Улар учун пулдан кўра имидж, обрў-мартаба муҳимроқ. Одамлар орасида ҳеч ким жавзо буржи вакилларичалик пуллар билан мулоқотни қойиллата олмайдилар. Қарз беришни ёмон кўрадилар, шунинг учун кўпинча яқинларидан, ҳатто турмуш ўртоқларидан ҳам ўзларида қанча сармоя борлигини сир тутадилар. Жавзолар ҳеч қачон пулсиз қолишмайди ва пуллар билан боғлиқ ҳар қандай шароитдан осонлик билан чиқиб кета оладилар. Улар бу борада шундай ўйлайдилар: *“Омад чиройли кийиниб, чўнтагида эсарақ-эсарақ пули борларга эмас, қалб кўри билан унга интилганларга кулиб боқади”.*

КАСБ ТАНЛАШ. Жавзолар ҳар томонлама лаёқатли бурж вакиллари бўлиб, худди шу жиҳатлари билан бошқалардан ажралиб

турадилар. Бурж соҳиблари жуда чаққон, хушмуомала, истесъдолли, дипломатик муносабатларда жуда зийрак ва сезгирдирлар. Бу — уларнинг мақтовга сазовор томонларидир. Мазкур фазилатлар Жавзоларнинг олдига ўз кучларини амалда намойиш этиш масъулиятини юклайди. Уларнинг одамлар билан дўст бўлиб кетишлари жуда осон ва ўз суҳбатдошларини ҳеч қачон зериктириб қўймайдилар ва хоҳлаган мавзуда мулоқот қилиб кетаверадилар. Жавзолар мустақилликни яхши кўрадилар ва бирор тadbирни ёлғиз ўзлари уюштирадилар. Қилаётган ишларидан қониқмасликлари сабабли касбларини тез-тез ўзгартриб турадилар. Олдиндан кўра олиш қобилияти уларга ҳар донм фойда олиб келади. Шунинг учун улар ҳар соҳага ҳеч иккиланмай аралашиб кетаверадилар ва қандай ишга қўл урмаслилар донмо уларга омад кулиб боқади. Жавзолардаги яна бир қобилият шуки, улар биринчи суҳбатдаёқ суҳбатдошининг ишончини қозона оладилар. Чунки жавзо буржида туғилган инсонлар инсон муносабатларининг билимдонидирлар ва бундан кўринадики, уларда яхши психологлар этишиб чиқади.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Туш — уларнинг ҳаётида алоҳида аҳамиятга эга. Кун давомида миъяларидан кетмаган бирор воқеа ёки ҳодисанинг тушдаги давоми уларни ҳаминша сергак торттиради. Ва улар ҳеч қачон кўрган тушларини ёмонликка йўймайдилар. Жавзолар кутилаётган бахт ёки омадни аллақачон тушларида кўрган бўладилар.

Бурж вакиллари тушларида асосан ўзларини ҳокимият эгаси сифатида кўрадилар. Баъзида тушларида бутун бошли армияга қўмондонлик қилаётган бўлсалар, баъзида мажлислар залида атрофларида одам тўплаб қора айланма курсида ястаниб бошқаларга буйруқ бераётгандек ҳолатда кўрадилар.

БАХТ. Яшаш мажбурият эмас, бироқ бахтли яшаш шарт.

ЭРКАК ЖАВЗО БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Юқорида таъкидланганидек, ўз-ўзини кўз-кўз қилиш, бошқалар томонидан донмий эътироф этилишга мойиллик туйғуси кўпроқ эркак жавзоларга хос. Шунингдек, улар янгиликка жуда ўч бўлишади. Уйда ёки бирор жойда сақланаётган қадрли эски буюм уларнинг ҳаётида

катта аҳамият касб этмайди. Эркак жавзолар ўзларини қанчалик қучли, иродали, ўзига ишонган деб фараз қилмасинлар улар барибир ҳаётда бир нарсадан жуда қўрқиб яшайдилар: йўқотишдан. Ёлғизлик уларни оғир аҳволга солиб қўйиши мумкин. Шунданми улар нафақат оилаларида, балки атрофидаги инсонларга ҳам доимо ширин муомалада бўладилар.

Жавзо буржида туғилган эркаклар *аёллардаги* фаросатни қадрлайдилар. Бу ҳам ўзларининг фойдасига. Яъни у тушқун кайфиятда уйга кириб келганида аёли унинг атрофида гирдиқапалак бўлишини, уни энг қучли эркак сифатида эътироф этиб мақташини ва у болалари учун ҳар томонлама ҳавас қилгулик ота эканлигини қайта-қайта эслатиб туриши керак.


АЁЛ ЖАВЗО БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Уларга бир сўз билан таъриф берса бўлади: улар ҳар томонлама етукдирлар. Орзуманд, оққўнгил, бағрикенг бундай аёллар ҳар қандай эркакнинг орзусидаги аёлдир. Энг муҳими, улар ўзларидаги барча яхши фазилатларни сиртдан намоён қила оладилар.

Ўзларини бирор масалада айбдор деб билсалар айбларини тан оладилар, фақат уларни яқинлари шу ҳолатида тушунишлари керак. Бундай хушфёъл аёллар ҳар қандай шароитда ҳам бир-бирларини тушуна оладиган инсонларнигина ҳақиқий инсон сифатида эътироф этадилар.

Аёл Жавзолар *эркаклардаги* фарзанд тарбиясига алоҳида, жиддий муносабатни қадрлайдилар. Улар турмуш ўртоқларининг орзусидаги аёл бўлишни қойиллатадилар, аммо эркаклар ҳам улар хоҳлаган эркак бўлишга ҳаракат қилишлари кераклигини зимдан уларга билдириб борадилар.



САРАТОН—
ҚИСҚИЧБАҚА БУРЖИ
(22 шон – 22 июл)



Уларнинг ҳаётдаги шiori: “Одамзод ҳеч қачон ўзига туюлган даражада бахтсиз бўлмайди, шунингдек, ўзи истаган даражада бахтли ҳам бўлолмайди”.

Ой сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унесури — Сув.

Бахтли рақами — 2.

Астрологик рамзи — қисқичбақа.

Астрологик ранги — оч бинафшаранг, қумушранг, тўқ сариқ ранг.

Ёқтирган ва унга ҳамшиша йўлдош бўлган тошлар — опал (безак буюмларга шилатиладиган минерал), биллур.

Дарҳақиқат, одам бахтли ёки бахтсиз бўлиши ўзи танлайди. Келинг, эътиборингизга қуйидаги воқеани баён қилиб берайлик.

Катта томоша бўлаётган саҳнага бир гитнозчи одамларни тўплайди-да, уларни сунъий равишда ухлатиб қўяди. Ва уларга хом ниёз беради. Уларга бу ниёз таъмини томоша насиб этган энг зўр мева деб уқтирилгандан сўнг, уйқудагиларнинг барчаси ниёзни лаззатланиб ялашади ва роҳатланганча чайнаб ейишади.

Шундан сўнг уларга яхши нишган шафтолидан тарқатишади ҳамда бунинг хом шөлгомлигини уқтиришади. Шафтолидан бир тишлам томиган одамлар ўша заҳоти юзлариши буриштириб, тупуриб ташлайдилар. Аслида эса ниёз билан шафтолига муносабат гитноз таъсири остида юзага келган эди.

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Саратон буржи остида туғилганлар ўзгача характер соҳибларидирлар. Уларнинг феъл-атвори атрофидагилар учун ҳамшиша жумбоқ бўлиб келган. Қалбидагини бошқаларга дoston қилишни унчалик ҳам хуш кўрмайдилар.

Табиатан жуда эҳтиёткор бўлганликларидан, саратонларни алдаб ёки чув тушириб бўлмайди. Сиз ижобий баҳологан воқеа-ҳодиса ёки бирор одам ҳақидаги фикрингизни улар асосли равишда йўққа чиқара оладилар ва аксинча, улар энг мудҳиш нарсаларнинг ҳам гўзал томонлари борлигини исботлаб бера оладилар. Бир сўз билан айтганда, қисқичбақалар аччиқдан ширин, шириндан аччиқ пайдо қиладилар ва ўз фикрларини ҳақли равишда асослаб ҳам бера оладилар.

Шахсий ҳаётларида ҳам бирор кўнгилсизлик юз берса бурж вакиллари бундан чуқур изтиробга тушмайдилар ва бўлаётган воқеани келажакдаги ҳаётлари учун сабоқ ёки яхшилик аломати сифатида қабул қилиб вазиятдан осонлик билан чиқиб кета оладилар. Аксинча ҳолатларда эса ҳаётларидаги энг қувончли куннинг ҳам бирор фалокат келтириши мумкинлиги ҳақидаги ўй уларга тинчлик бермайди.

Саратонлар табиатан жуда нозиктабдирлар. Ўзаро давра суҳбатларида айтилган бирор сўз ёки танбеҳни ҳам ўзларига оладилар, уларни ҳатто кўзқараши билан ҳам хафа қилиб қўйиш мумкин. Туйғулари беқарор бўлганлиги учун, бир кайфият ўзига тескари бўлган иккинчи бир кайфият билан тез-тез алмашиб туриши мумкин.

Мазкур бурж остида тугилганлар ишга тез ва ғайрат билан киришадилар, лекин ишдан тез совийдилар ҳам. Бир зайилдаги ишларни узоқ, давомли суръатда бажаришга мойил бўлмайдилар. Кўпинча бир қанча вазифаларни бирданига бажаришни бўйинларига оладилар. Лекин ҳар бир ишга иштиёқ билан тез киришганликлари сингари, бошлаган ишларидан тез қайтишлари ҳам мумкин. Саратон буржи инсонларида қатъий мақсад, чуқур фикр, ижодий фаолият бўлмаган тақдирда, унинг ўрнини юзакилик ва беқарорлик эгаллайди. Худди шу нарса уларни доимий хавотирга солади.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Саратонлар — сон-саноқсиз яхши фазилатга эга бўлган инсонлар тоифасидандирлар: улар одамларга ота-она даражасида ҳомийлик кўрсата оладилар. Бурж вакиллари ҳаммани, танг аҳволда қолган одамни ҳам тўғри

тушуниш баробарида уларга ёрдам қўлини чўзишга ҳамиша шай турадилар. Саратонлар шу даражада сабр-бардошлики, бу уларда барча салбий фазилатларни йўққа чиқаради. Аммо...

Улар қурбон бўлишдан, қандайдир қўрқинч ёки ваҳимадан доимо хавотирда яшайдилар. Болаликдаги бахтиёр дамларга қайтишни бошқалар каби хоҳламайдилар. Ҳар нарса ўз вақти-соати билан бўлиши керак деб ҳисоблайдилар ва бошқаларнинг ҳаётга бундай муносабатини тўғри қабул қила олмайдилар.

Улар бирор ишга қўл уришдан аввал албатта яхши кайфиятга эга бўлишлари керак ва бу албатта, улар қилаётган ишнинг самарасига ҳам боғлиқ бўлади.

Яна бир нарсани айтиб қўяйлик: ёлғончилик уларга фазилат бўлиб қолиши хавфи ҳам йўқ эмас.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Ҳаётлари давомида Савр, Ақраб, Сунбула, Ҳут буржида туғилган инсонлар билан доимо яхши муносабатда бўладилар, улар билан ҳамфикр ҳамдирлар. Мезон, Жадий, Ҳамал буржи вакиллари билан ҳеч қачон муросага келолмайдилар. Жавзолар билан қалби жуда яқиндирлар. Фақат Асадларгина ўзларининг куч ва имкониятлари билан Саратонларни ҳайратда қолдира оладилар. Жадий буржи вакиллариининг ўзига хос дунёга эга эканликлари уларнинг ҳавасини келтиради. Қавс буржидагиларни эркинликни яхши кўргани учун ҳам қадрлайдилар. Далв буржидагилар билан уларни ўзаро дўстлик ва ҳурмат боғлаб туради. Ҳутлар билан эса ўзаро дўстлик ва муҳаббат бобида яқиндирлар.

Саратон+Саратон = битта бурж вакиллари бўлганлиги боне фикран яқин эмасмиз, деб ҳисоблашади, лекин аслида бундай эмас.

Саратон+Асад = иккинчи томонни кучли инсонлар сифатида тан олади, лекин буни уларнинг ўзларига ҳеч қачон айтмайдилар.

Саратон+Сунбула = иккала томон ҳам бир-бирларига яқин дўст бўла оладилар.

Саратон+Мезон = ўзаро муносабатларнинг мустаҳкам эмаслигидан иккала томон ҳам қийналади.

Саратон+Ақраб = муҳаббат уларни янада яқинлаштиради, бахтли оила бўлиб яшай оладилар.

Саратон+Қавс = ўзаро дўстликни ҳар иккала томон ҳам қадрлайди.

Саратон+Жадий = ҳар иккала томон ҳам бир-бирлари ҳақида яхши фикрга эга эмаслар, аммо Саратонлар Жадийларнинг баъзи хатти-ҳаракатларига очиқдан-очиқ тан беришдан чўчимайдилар.

Саратон+Далв = фаолиятлари нуқтаи назардан олиб қаралдиган бўлса, дўстлик ва ҳамкорлик ҳар иккала томон учун ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга.

Саратон+Хут = Муносабатлар ҳамниша яхши, аммо маълум доира юзасидангина.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Саратонлар муҳаббат инсон ҳаётининг безағи бўлиши керак деб ҳисоблайдилар. Ва ўзлари ҳам бу туйғуга нисбатан шундай муносабатдадирлар.

Севгига садоқат туйғуси улар оилали бўлганларидан кейин ҳам давом этади. Инсон севиб турмуш қуриши, туғиладиган фарзандлар ҳам ўзаро муҳаббатнинг меваси бўлиши керак деб ҳисоблайдилар.

Бир инсонни севдингми, севгингда қатъий тур, муҳаббат ҳар қандай тўсиқни ҳал қилади. Худди шундай фикрдаги Саратонлар ўз муҳаббатларини доимо асрайдилар ва муҳаббатни йўқотиш улар учун ҳаётдаги энг азиз нарсани йўқотиш билан баробардир.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Саратон буржи остида туғилган инсонлар билан яшашнинг яна бир яхши томони сизнинг ҳаётингизда пул билан боғлиқ муаммолар жуда камдан-кам ҳоллардагина юзага келади. Уддабуронлик, тадбиркорлик хислатлари намоён бўлмаса-да, мазкур бурж остида кўпинча давлатманд одамлар дупёга келади. Зиқналик хислати хос уларга. Саратонларни зиёфатлар-у улфатлар билан учрашувларда камдан-кам ҳоллардагина учратишингиз мумкин, чунки улар бор давлатларини оиласининг, такрор айтаман, оиласининг фаровонлиги учун сарфлайдилар ҳамда ота-оналарига бахшида этишни ўзларининг бурчи деб ҳисоблайдилар.

КАСБ ТАҢЛАШ. Дунёнинг манаман деган бизнесменлари, иқтисодчилари, банк бошқарувчилари, қўйингки, катта-катта сармояга эга инсонлар рўйхатининг аввалида Саратон буржида туғилган инсонлар турадилар. Доимо хушмуомалалик, ишнинг кўзини билиш, муваффақиятни олдиндан кўра олиш қобилияти уларни омадга томон бошлайди. Қўлларида етарлича сармоя борми, улар ҳеч иккиланмай бошқа бирор катта ишга қўл ура оладилар.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Саратонлар тушларида асосан нотаниш одамлар билан мулоқот қиладиган ҳолатда кўрадилар ўзларини. Бу туш ҳам албатта, уларнинг фойдасига таъбир қилинади, яъни тушда нотаниш одамни кўриш янги ҳамкорлар, янги танишлар (агар қизлар ёки йигитлар шундай туш кўрсалар яқин кунларида ўзларига муносиб жуфтлик топшига умид қиладилар) орттириш, десмакки, бу ишнинг, айниқса, савдо соҳасида фаолият юритаётганлар учун айни муддао.

БАХТ. Бахт йиллар, ойлар, ҳафталар ва ҳаттоки кунлар ичида яширинган эмас, уни ҳар лаҳзада топиш мумкин.

ЭРКАК САРАТОН БУРЖИ СОҶИБЛАРИ. Мазкур бурж остида туғилган эркаклар ўзларининг ниҳоятда сирли томонлари билан аёллар эътиборини ўзларига жалб этадилар. Бундай эркакларнинг кўнглидан нима кечаётганини, ҳатто у билан туну кун бирга яшаб ҳам билиш қийин.

Саратонларнинг ташқи кўринишлари алдамчидир: улар доим қовоқлари осилган ҳолда кўринганлари ёки ҳамма билан жиддий муносабатда бўлганликлари билан жуда меҳрибон инсонлардир.

Саратон буржида туғилган эркаклар **аёлларининг** ўз оналарига ўхшашларини истайдилар. Аёлларида бирор камчилик сезсалар буни уларнинг юзларига айтмайдилар, аксинча, ҳар бир ишга ўз оналарининг қилган ишларини мисол қилиб келтирадилар. Шунингдек, улардан фарзандларига алоҳида тарбия беришни талаб қиладилар ва бунинг учун ўз оилаларида барча шароитни ҳам муҳайё қиладилар.

Эркак саратонлар аёлларининг ишлашларига тиш-тирноқлари билан қарши турадилар. Бунинг ўзига яраша сабаблари

бор: биринчидан, аёллар асосий вақтларини фарзандлари тарбиясига сарфлашларини исташса, иккинчи томондан эса бу улардаги рашк туйғусининг доим алаңга олиб туришидандир.

АЁЛ САРАТОН БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Улар жуда таъсирчандирлар. Баъзида саратон буржи аёлларини тушкун кайфиятда кўрсангиз, баъзида эса ўзларининг чиройли табассумлари сизни лол қолдиради. Жуда кўп ҳолатларда ўзларига нисбатан озгина эътиборсизликни ҳам салбий қабул қиладилар ва бунинг таъсирида тушкун кайфиятга тушиб қоладилар.

Аёл саратонларни бошқаларнинг қимматбаҳо совғаларидан кўра кўпроқ муносабати қизиқтиради ва бу улар учун жуда муҳим. Бундай аёллар эрларига муносабат билан ўз фарзандларига бўлган муносабатни бир вақтнинг ўзида қойилмақом қилиб уддалай оладилар.

Аёл саратонлар *эркаклардаги* ўз жуфтига самимий муносабатни қадрлайдилар. Шунинг учунми улар турмуш ўртоқларини дугоналарининг турмуш ўртоқлари билан тез-тез солиштириб турадилар ва шундай хулосага ксладилар: уларнинг ҳаётига дахлдор бўлган эр бошқа ҳеч кимда йўқ! Улар ҳақиқатан ҳам шундай ўйлайдилар ва бу иқрорларига ўзларини-да ишонтира оладилар.



АСАД — АРСЛОН
БҮРЖИ
(23 июл — 23 август)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Инсон ҳаётининг мазмуни мақсадга эришишида эмас, балки шу мақсад йўлидаги курашида намоён бўлади”.

Кўёш сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Олов.

Бахтли рақами — 1 ва 2.

Астрологик рамзи — арслон.

Астрологик ранги — қизил-албон, жигарранг, қора.

Ёқтирган ва уларга ҳамшира йўлдош бўлган тошлар — олмос, ёқут, қимматбаҳо ялтироқ тошлар.

Ҳаёт — биз учун улкан кураш майдонидир. У бизнинг сабримизни синайди, синовларида тоблайди. Агар унинг машаққатларига дош беролсак, биз учун умрнинг мазмуни янада бойийди: яна ва яна яшагимиз, ўзимизни улкан ишларга бахшида этгимиз келади. Аксинча бўлса-чи?

...Сиз бирор оғир ҳасталик ёки бошқа жиддий сабаб туфайли ўлимни бўйинга олган инсон қиёфасини кўз олдингизга келтира оласизми? Келтира оласиз! Ва унинг яна яшашини хоҳлайсиз, ўз ўлимни бўйинга олмаслигини истайсиз, тўғрими?

Келинг, сизга ҳаётининг бир воқеа ҳусусида сўзлаб берай.

Узоқ юришларда тирикчилик илжимсида юрган Н. исмли кишининг ҳаётдан умиди бутунлай сўнгаш эди. Камбағаллик, очлик, ҳақорату камситишлар уни бутунлай бездириб қўйганлигидан у ўзини ўлдирини ҳақидаги хаёлдан бирор дақиқа бўлсин тўхтамайдди. Бу ўй унинг миясини шу даражада забт этадики, ҳатто Н.нинг шириндан-шакар фарзандлари-ю ота-онаси, умуман, оиласи ҳам кўзига кўринмайди. Фақат ўлимгина ўзини бундай азоб-

уқубатлардан қушқариши ҳақидаги ўй эса бориб-бориб унга сира тинчлик бермай қўяди.

Шундай кунларнинг бирида Н.нинг ошхонада (у шу ерда овқат ташувчи бўлиб ишларди) томириши кесили учун атрофга алаи-жасаланг боқайтганини кузатиб турган ошхона хизматчиларидан бири унинг олдига келади ва Н.ни сўхбатга чорлайди.

Сўхбат асносида Н. ўзининг бошидан кечирган азобларни кўз ёши тўкиб гапириб берар экан, шеригидан ўзининг мақсадини бер-китади. Аммо хизматчи Н.нинг хаёлидан айни пайтда кечаётган ўйдан хабардор эди ва бўшашиб қолган Н.га қараб шундай дейди:

— Худо хоҳласа, бу ердан чиқиб кетсангиз нима ишлар қилмоқчисиз? Ҳаётингизни қандай давом эттирмоқчисиз? Оилангиз бағрига қайтиши сизга қандай куч бағишлаши мумкин?

Кетма-кет ёзилган саволлардан Н. карахт бўлиб қолади ва ўзини ўлдирishi ҳақидаги фикр уни бирдан тарк этади. Қизиқ, у нега шулар ҳақида аввалроқ ўйлаб кўрмаган? Ахир уни оиласи, фарзандлари қанчалик шитизор бўлиб кутаётган бўлиши мумкин-ку!

Ўшн, бундай воқеадан сўнг қаҳрамонимизнинг ҳаётида қандий бурилиши юз берган деб ўйлайсиз?

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Буржлар орасида қалбан энг чиройли ва энг яхши фазилатларни ўзларида жамлаган бурж вакиллари Асад — Арслонлардир. Уларга ҳам яхши яшашлари учун доимо нимадир стишмаслиги мумкин, аммо Асадлар бунин одатнй ҳол сифатида қабул қила оладилар ва бутун ҳаётларидан, ўтган ҳар бир кундан миннатдор бўлиб яшайдилар. Бу Асадларни доимо олға яшашга ундайди. Улар жуда жўшқин одамлардир.

Мазкур бурж вакиллари учун ёқимтойлик ва жозиба биринчи ўринда туради. Мабодо табиат уларни бундай гўзалликдан бебаҳра қолдирган бўлса, Асадлар ўзларининг ақлий қобилиятларини ишга соладилар. Агар бу ҳам иш бермаса, улар инсон психологиясини тўғри тушуна олиш ва таҳлил қилиш имкониятидан фойдаланадилар.

Бурж вакилларининг хулқ-атворида намоёншкорлик доимо сезилиб туради, яъни улар барча хатти-ҳаракатларини намоёншкорона бажаришни хуш кўрадилар. Улар доимо атрофида одамларни тўплаб ваъзхонлик қилишни, жамоага етакчилик қилишни сўтирадилар ва ўзларининг алоҳида кўзга ташланиб туришларини, бошқалар томонидан эътироф этилиб туришни истайдилар.

Асадлар қандай бўлмасин бирор бир мансаб эгаси бўлиш ҳақида тинмай бош қотирадилар. Ёлғон гапириш улар учун баъзида одатий ҳолга айланиб қолганга ўхшайди, чунки бориб-бориб гапирган гапларининг қайси бир ёлғон ёки қайси бири рост эканлигини уларнинг ўзлари ҳам фаҳмлай олмай қоладилар.

Ўрни келганда Асадларнинг фикрлаш доираси ниҳоятда кенг эканлигини ҳам эътироф этиб ўтиш керак. Баъзан инсонни ҳайратда қоладиган ишларга таваккал қилиб қўл урадилар ва ишчанлик қобилиятининг юқорилиги уларни доимо омад томон бошлайди.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Жуда шуҳратпарастдирлар, тилеғламаликни яхши кўрадилар ва буни уларнинг ўзлари ҳам яхшигина удалай оладилар. Асадлар доимо одамлар ўзлари ҳақида яхши гапларни гапиришларини истайдилар, аммо бунга қанчалик муносиб ёки йўқ — бу ҳақда ўйлаб ўтирмайдилар. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг ҳаёти юзаки, ёлғонга ўхшаб кетади. Асадлар ўзларини жуда катта кучга эга қилиб кўрсатсалар-да, аслида бундай эмас. Улар йўқотишлару, жудоликларга, руҳий азобларга ҳеч қачон маънан тайёр бўлмайдилар. Арзimas воқеа туфайли ҳам тушқунликка тушиб қолаверадилар. Табиатан худбин инсонлар бўлиб, доимо диққат-эътиборда бўлишни ўзлари учун шараф деб билишади.

Асадларнинг олдида бировни мақтаб бўлмайди, чунки бу уларнинг кайфиятини тезда тушириб юбориши мумкин. Мабодо улар билан аввал бирорта “аянчлироқ” воқеа юз берган бўлса, ўзаро суҳбат чоғида у шу воқеа ҳақида бўрттириб сўзлаб беради. Бу билан атрофидагиларда ўзларига нисбатан ҳамдардлик ва ачиниш ҳисларини пайдо қиладилар.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Савр, Далв, Ақраб буржи вакиллари билан мурасага келишлари жуда қийин. Жавзо, Мезон, Қавс, Ҳамал буржидагиларни у ёки бу фазилатларига қараб ҳурмат қиладилар ва шу бурж вакиллари билан осонгина муносабатга киришиб кета оладилар. Жадий буржи вакиллари билан эса мажбур ҳолатлардагина муомала қиладилар. Ақраб буржи вакиллари билан эса доимо шубҳаланиб муомалада бўладилар.

Буржлар ўртасидаги муносабатларга янада аниқлик киритамиз:

Асад+Асад = уларни фақат муҳаббатгина яқинлаштира олиши мумкин.

Асад+Сунбула = дўст бўла оладилар, аммо ўрталарида тез-тез тушунмовчилик ҳолатлари келиб чиқади.

Асад+Мезон = улар ўртасидаги дўстликка ҳавас қилса арзийди.

Асад+Ақраб = бир-бирларини яхши тушунадилар, аммо бу дўстлик дегани эмас.

Асад+Қавс = иккинчи томон билан доимо ҳазил-мутойнба қилиб гаплашадилар.

Асад+Жадий = ўзаро дўст бўлишни иккала томон ҳам унчалик муҳим эмас, деб ҳисоблайдилар.

Асад+Далв = муносабатлар кўпинча зиддиятли тус олади.

Асад+Ҳут = муносабатлар қониқарли эмас.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Бурж вакиллари қанчалик ўзларининг ҳамма ерда мавжуд бўлишларини истамасинлар, кимнидир севиб қолганларида бутунлай журъатсиз инсонга айланиб қоладилар. Асадлар муҳаббатга, муҳаббат уларнинг ўзларини тамоман ўзгартириб юбора олишига ишонадилар ва ҳақиқатан ҳам шундай бўлади. Аммо негадир ўз севган инсонлари билан оила қуришни кўпам хоҳламайдилар, чунки улар ўзларининг феъл-атворларини яхши билганликларидан, севганларига озор бериб қўйишни истамайдилар. Шу бондан ҳам бурж вакилларининг севгиси кўпинча пинҳона бўлади, бу ҳақда камдан-кам одамларга “ёриладилар”. Асадлар ҳақида гапирганда уларни севишга

қодир эмас, деган фикрларнинг билдирилиши ноўриндир, фақат улар бу борада ўзгалардан бошқачароқ фикрлайдилар. Асадлар ссвишдан яна шунинг учун ҳам кўрқишадикки, уларнинг рашки жуда ёмон. Асадлар умрларининг охиригача турмуш ўртоқларинин бошқалардан қизганиб яшайдилар.

Оилада эса бошқарувчилик бурж вакиллари томонда бўлади. Агар хотин асад буржида туғилган бўлса, у оилада турмуш ўртоғини бошқариш қобилиятига эга. Бу яхши маънода, албатта. Оиладаги сармойани харжлаб ишлатиш, оила ва унинг аъзолари учун бирор нарса харид қилиш, унинг кам-кўстини тўлдириш — буларнинг бари ҳақида Асадлар ўйлайдилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Тақдир асадларга жуда катта куч ва имконият берган, бу албатта, пул билан боғлиқ бўлган имкониятдир. Улар моддий фаровонликни ҳаётнинг устуни деб биладилар. Фақатгина гап-сўзлари билан эмас, балки ўзларининг ҳашаматли уй-жойи билан ҳам ўзларини кўз-кўз қилишни яхши кўрадилар. Асадлар пулларни қанчалик яхши кўрмасинлар, ўзларини давлатманд кўрсатиш учун бу бойликларни сарфлашга ҳасислик қилмайдилар. Улар пулларга қулларча муносабатда бўлмайдилар: *“Мен пулни топмайман, керак бўлса пулниг ўзи келиб мени топсин!”* — улар худди шундай фикрлайдилар. Бу бурж вакиллариининг моддий фаровонлиги қанчалик таъминланган бўлмасин, барибир, ўзларини доимо нимадир стншмайдигандек ҳис қилаверадилар. Бундан улар шундай хулосага келганларки, ҳаётда пул билан ҳал қилиб бўлмайдиган нарсалар кўп. Ҳатто оддийгина хотиржамликни ҳам пулга сотиб олиб бўлмайди. Шундай экан, одам ўз бахтини бошқа нарсалардан ҳам излаб кўриши керак.

КАСБ ТАНЛАШ. Улар табиатан етакчилик қилишга интилсалар-да аслида бунга ўзлари тайёр эмас ёки бу ишни ҳар доим ҳам уддалаб кета олмайдилар. Бошқаларга буйруқ беришни яхши кўрадилар-у, аммо ўзларига келганда... Улар шундай орзу қиладилар: чет эл машинаси, энг сўнгги русумдаги қимматбаҳо қўл телефони, раҳбарлик курсиси... Тўғри, бу нарсаларни жуда кўпчилик орзу қилади. Аммо Асадлардаги бу хоҳиш ҳаддан зиёд,

чунки туғилган буржи (арслон) каби яшашни ўзларининг бурчи деб ҳисоблашади. Мураккаб вазиятларда тўғри ва тез қарор қабул қила олиш, муваффақиятга эришиш йўлидаги қатъий ва дадил ҳаракат, танлаган йўлидан охиригигача бориш — худди шу фазилатлар асадларни юксакларга олиб чиқади. Асадлар қайси касбни танламасинлар, омад эшиклари улар учун ҳамisha очiqдир. Яна бир нарсани таъкидлаб қўяйлик: айна пайтда улар ўз манфаатдорликларини ҳам ёддан чиқармайдилар.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Кундалик юмушларини кўрган тушларига қараб белгилловчилар орасида Асадларнинг ҳам борлиги сизни ҳайрон қолдирмасин. Чунки улар қанчалик кучли ва ўзига ишонган бўлмасинлар, агар кечаси бирор-та ёмон туш таъсирида уйғониб кетган бўлсалар, бу албатта уларнинг кун давомидаги кайфиятларига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Агар улар сиз билан муҳим бир масала устида учрашув белгиланган бўлса-ю айtilган пайтда боришмаса, билингки, улар ўша кун кечаси ёмон туш кўрганлар.

Асадлар кўпинча тушларида ҳайвонларни кўп кўрадилар. Жамоага етакчилик қилиш ҳисси уларнинг миясини шу даражада эгаллаб олганки, ҳатто бу кечинма тушларига ҳам кўчган. Ҳайвонлар (аслида одамлар) билан олишув, уларни ярадор қилиш ёки бу “жанг”да ўзларининг ярадор бўлишлари ва ҳоказо турли-туман чалкаш воқеалар уларга ҳеч қачон тинчлик бермайди.

БАХТ. Ҳаётнинг умумий қонуни, бу — бахтли бўлтига интилиш ва уни илҳами борича кенгроқ амалга оширишидир.

ЭРКАК АСАД БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Файратли, чарчаш нималигини билмайдиган эркак Асадлар кўпчилик аёлларнинг орзусидаги эрдирлар. Дўстлик бобида садоқат кўрсатиши, қўлидан келган ёрдамни аямасликлари мумкин, лекин бу ҳар донм ҳам эмас. Чунки одамлар уларни ўзларига яхшилик қилгани учун мурувват кўрсатишларини хоҳламайдилар. Асад эркаклар самимийликни қадрлайдилар ва буни бошқалардан ўзгачароқ тушунганлари учунми камдан-кам одамларни ат-

рофларига тўплайдилар. Қўли очиқ, сахий, муруватли асадлар учун энг муҳими ҳаётда ўзлари тушунган ва ўзлари хоҳлаган бахтли ҳаётга эришишдир. Эркак асадлар *аёллардаги* ибo, ҳаё, назокатни қадрлайдилар. Қанчалик илмли ёки яхши бир касб-нинг бошини тутган бўлмасин, турмуш ўртоқларнинг ишларига рухсат бермайдилар. Агар кимгадир бу бахт насиб этган бўлса, билингки, унинг олдига қатъий шарт ва талаблар қўйилган бўлади. Дарвоқе, аёлларимизга эслатиб қўйишимиз керак: асад буржида туғилган эркаклар аёллар билан дўст бўлишни, улар билан иттифоқликда бирор иш қилишни умуман ёқтирмайдилар.

АЁЛ АСАД БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Бу бурж остида туғилган аёллар ҳақида қатъий шундай бир гапни айтиш мумкин: улар энг яхши онадирлар. Бундай аёллар оналик туйғусини ҳар нарсадан устун қўядилар. Фарзандларининг бахтли келажаги учун қўлларидан келган барча ишни қилишга ҳамisha шайдирлар. Агар фарзандларида бирор бир нарсага лаёқат борлигини сезсалар ёки кимдир — фарзандининг ўқитувчисими ёки бирор яқиними эътироф этадиган бўлса, улар бу истеъдодни рўёбга чиқариш учун туну кун тинмай ишлашга доимо шайдирлар. Улар ўз фарзандларини доимо жамиятнинг етакчи бўғинларида кўришни истайдилар, бунда фарзандларининг муваффақиятга эришишлари учун астойдил ҳаракат қиладилар.

Аёл асад буржи вакиллари *эркаклардаги* мардликни қадрлайдилар. Турмуш ўртоқлари билан қачон қандай воқеа юз бермасин, улардан фақат бир нарсани талаб қиладилар, у ҳам бўлса ростгўйликдир. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин — уларга айни шу керак ва улар алданиб бахтли яшагандан кўра, ҳақиқатни афзал деб биладилар.



СУНБУЛА — ПАРИЗОД
БУРЖИ
(23 август – 23 сентябр)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Ҳеч қачон ўлмайдигандек дунё учун, эртага ўладигандек охират учун яша”.

Меркурий сайёраси ҳукмронлиги остида.

Уисури — Ер.

Бахтли рақами — 5.

Астрологик рамзи — бошоқ.

Астрологик ранги — оқ, оч кўк ранг, яшил.

Ёқтирган ва уларга ҳамиша йўлдош бўлган тошлар — ақиқ, яшма (рангдор тош), зумрад.

Индан ҳориб-чарчаб қайтаётган қизнинг йўлини қўлида кир-чир боласини кўтариб олган лўли аёл тўхтамади ва шундай дейди:

— Агар қулогингдаги зирагингни ечиб бермасанг, уч кундан кейин ўласан. Менга шундай хабар келган...

Қиз унинг гапларидан бироз каловланиб туради. Буни ўзича тушуинган лўли қўлларини қизнинг қулогига олиб бораётганда у ўзига келади.

— Вой, шма қиляписиз? Олинг қўлингизини...

Қиз шундай дея тез-тез юриб кетади. Уйига бир аҳволда кириб келади. Кечки овқатини ҳам “шитаҳам йўқ”, дея смайди.

У ўтган уч кун мобайнида бутунлай озиб-тўзиб кетади. Бўлиб ўтган воқеани ҳам ҳеч кимга билдирмайди (қиз ўғай она қўлида тарбияланган бўлиб, оилада унинг бор-йўқлиги ҳам билинмас, мабодо ўлиб қолсам ҳам, ҳеч ким мен учун куймайди, деган оғир азобда яшайди ва ҳатто онасидан ёдгор бўлиб қолган битта-ю битта зирагини ўша хотинга бермаганидан афеуеланади).

Ниҳоят, ўша кун ҳам етиб келади. Қиз оёғи тортиб-тортимай шига отланади. Йўлдаги ҳар бир нарса унга ўлимни стақлаб келаетгандек туюлаверади. Йўлда икки марта қоқилиб тушади,

чорраҳадан ўтаётганда ҳам машиналарнинг қаттиқ сигналидан чўшиб ўзига келади. Автобусда ҳам одамлар унинг оёғини бир неча марта босиб олаверади. Аслида, бундай ҳолат кунда-кунора такрорланар, қиз эса бунга деярли аҳамият бермасди. Табиийки, қизнинг бутун фикру зикри ўзининг бугун қандай қилиб ўлим топшида эди.

...Ниҳоят, у шихонасига кираверишидаги дарвоза ёнида беҳуш бўлиб ерга йиқилади. Касалхонада ўзига келган қиз нуқул бир гапни такрорлайди: “мен қачон ўлдим, мен қандай ўлдим...”

Шундан кейин қиз қаттиқ стресс ҳолатига тушиб қолади, у ҳатто ўзининг тирик эканлигига ҳам ишонмасди...

УМУМНЇ ТАЪРИФ. Ўз олдларига қўйган мақсадларига машаққат билан эришишдан чўчиماйдиган сунбула буржи вакиллари аслида мулоқотга ҳадеб киришиб кетавермайдиган, камгал, такаббур одамлардир. Кам гапирсалар-да наснҳат қилишни жуда яхши кўрадилар. Уларга нисбатан аслида мавжуд бўлмаган адолатсизликдан мудом азият чекиб яшайдилар. Шу бонс Сунбулаларининг хатти-ҳаракатларида доимо одамларга нисбатан ишончсизлик ва эҳтиёткорлик сезилиб туради. Табиатан жуда қайсар феъяли. ўз билганидан қолмайдиган, иззат-талаб, ўзига қаттиқ ишонадиган мазкур бурж вакиллари бирор бир ишни қатъийлик билан бошлаб охирига стказа оладилар ҳам. Улар жуда ишонувчан бўлиб, ҳар қандай шаронтда ҳам юқори кўрсаткичга эришишга интиладилар ва бу ишни бошқаларининг ёрдамсиз, ёлғиз ўзлари бажаришни маъқул деб биладилар.

Тез-тез аффе́кт ҳолатларига тушиб турадиган Сунбулаларининг хулқ-атворидаги ҳақиқатгўйлик — ранжиш, тез хафа бўлиш, гумонспраш, рашк каби турли хислатлар биргаликда намоён бўлади. Улар аффе́кт ҳолатига тушсалар ҳам буни дарров юзага чиқаришмайди, ичларига сақлаб қўядилар ва бу борада бурж вакилларининг фикрини тезда билиб олиш қийин.

Шу билан бирга Сунбулалар ўз яқинларига жуда меҳрибон инсонлардир. Ҳақ бўлиш-бўлмасликларидан қатъи назар, ўзгалар билан талашиб-тортишишни, бошқаларни камчиликлари учун

ҳақорат қилишни ўзларига номуносиб деб биладилар. Мазкур бурж остида туғилган инсонларга ҳам бошқалар қаторида мақтов жуда ёқади, лекин танқидга умуман тоблари йўқ.

Сунбулалар ҳамма вақт танлашади: ейишда, ичишда, кийинишда ва ҳатто севгида... Тўсатдан мињларига келиб қолган фикрдан узоқ вақт хурсанд бўлиб юрадилар. Ваҳоланки, уларнинг айтган ҳар бир гапи ҳақиқатга анча яқин бўлади ва уни кўпчилик қабул қилади. Масалан, бурж вакиллари бахтга ҳам, бахтсизликка ҳам одамнинг ўзи сабабчи бўлади, деб ҳисоблайдилар ва ўзларининг бу фикрларини жуда моҳирлик билан изоҳлаб ҳам бера оладилар. Улар одамларнинг ожизликлари устидан куладилар. Бу Сунбулаларнинг бераҳмликларидан эмас, балки иритилган, ҳаракат қилган одам ўз мақсадига эришишига қаттиқ ишонганликларидандир.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Сунбулалар учун майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ. Бундай инсонлар билан муносабатларга жиддий қаралмаса, иккинчи томонга қийин бўлиши турган гап. Улар ўзларини намоён қилиш учун старлича куч ва имкониятларга эгадирлар, лекин Сунбулалар ўзларига ҳаддан ташқари бино қўйганликлари сабабидан бу имкониятларидан тўла фойдалана олмайдилар.

Сунбулалар одамлар билан муносабатга киришганларида доимо улар ҳақида танқидий фикр билдирадилар, бошқаларнинг яхши томонларидан кўра кўпроқ ёмон томонларини излайдилар. Одамлар ҳақида жуда тез хулоса чиқарадилар, кейинчалик эса чиқарган хулосаларининг нотўғри эканлигидан анча вақтгача ўзларини койиб юрадилар.

Сунбулалар ҳар бир ишга зўр иштиёқ билан киришадилар, ammo асосий куч-қувватларини арзимаган нарсаларга сарфлайдилар. Шунинг учун улар асосий эътиборни атрофидагиларга эмас, ўз оиласи ва асосий ишларига қаратишлари керак.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ. Савр, Ақраб, Саратон буржи вакиллари билан мулоқотлари жуда қийин кечади. Сунбула ва Асад буржи кишилари билан осонгина тил топишиб кета оладилар. Мезон буржида туғилганлар билан баъзи-баъзида муаммоли вазиятлар келиб чиқади.

Сунбула буржидагилар билан осонгина тил топишадилар ва бир-бирларини осонгина тушунадилар. Улар кўпчилик бурж вакиллари билан жуда яхши муносабатга киришиб кета олмайдилар, чунки. Сунбулалар турфа характерга эга инсонлардир, ҳаётга ҳам бошқалардан кўра ўзгача назар билан қарайдилар.

Сунбула+Сунбула = улар ўртасида мустаҳкам муносабатлар қарор топиши мумкин.

Сунбула+Мезон = дўстона муносабатлари ҳар доим ҳар хил.

Сунбула+Ақраб = келишилган ҳолда бирор иш қилолмайдилар.

Сунбула+Қавс = муносабатлар ҳар доим яхши, улар бир-бирларини фақат шунчаки таниш сифатида ҳурмат қиладилар. Сунбула+Жадий = иккала томоннинг ўзаро дўстлиги ва қалбан яқинлигига ҳавас қилса арзийди, никоҳ муносабатлари ҳам омадли бўлади.

Сунбула+Далв = уларнинг эркинлиги ҳар қандай дўстона муносабатга чек қўйиши мумкин.

Сунбула+Хут = иккала бурж вакиллари ҳам доимо бир-бирларидан норози бўлиб юрадилар.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Муҳаббат сунбулаларнинг ҳаётида кескин бурниш ясай олади: баъзида уларнинг қудратига қудрат қўшса, баъзида савдойи қилиб қўяди. Бундай пайтларда бурж вакиллариининг бир неча йиллар давомида ичларида беркиниб ётган лаёқатлари юзага чиқиб қолади, улар ҳаётдан мамнун, режалаштирган ишларини ҳам бир зумда бажариб ташлайверишади. Сунбулаларнинг муҳаббатлари шу даражада олов бўлиб аланга оладики, бутун фикру зикрлари шу хаёл билан банд бўлади. Бу, айниқса, аёл сунбулларда янаям яққол кўринади. Бир сўз билан айтганда, Сунбулалар кимнидир севиб қолганликларини бир қарашдаёқ фаҳмлаш мумкин, ҳатто уларнинг ўзлари ҳам бунни яширишни истамайдилар, бунни ҳаммага жар солиб намоён қилгилари келади. Агар иккинчи томондан уларнинг севгисига кутилгандек жавоб билдирилмаса, тамом деяверинг.

Аммо шунини ҳам айтиб қўйликки, Сунбулаларнинг аланга каби пайдо бўлган севгиси шунчалик тез сўниб қолиши ҳам

мумкин. Бундан узоқ тушкунликка тушиб қолмайдилар. Ва кўпроқ турмуш қурганларидан кейингина севиб қоладилар. Оила улар учун жуда азиз. Сунбулалар турмуш ўртоқлари учун севимли бўлишни, ўзлари ҳам улар учун ғамхўр бўлишни истайдилар. Ва иккаласидан бири сунбула буржида туғилган оилаларнинг ҳаётига кўпчиликнинг ҳаваси келади.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Одамлардаги иқтисодчилик хусусиятини юқори баҳолайдилар. Уларнинг ўзлари ҳам табиатан туғма иқтисодчилардир. Қарз олиш ёки қарз беришни ҳам жуда ёмон кўрадилар, фақатгина ўзлари жуда зарур деб ҳисоблаган ёки беришга мажбур деб билган одамларгагина қарз берадилар. Ўжар феъллари пул билан муносабатларида янада яққолроқ намоён бўлади, улар бошқалар олдида доим ўзларини қарздор деб билмайдилар. Пулга снгил-елпи муносабатда ҳам бўлмайдилар, бойликни осонгина топишга ҳам интилмайдилар. Сунбулалар раҳбар бўлган жойда улар билан бирга ишлаш осон кечмайди, чунки бурж вакиллари ҳеч қачон катта пул ваъда қилмайдилар. Бу уларнинг хасислигидан эмас, аксинча, ходимнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартиришдан иборатдир.

Сунбулалар ўз олдиларига пул билан боғлиқ бирор мақсадни кўйдиларми, тамом — шу мақсадга эришмагунча кўймайдилар. Камдан-кам ҳоллардагина шерикчиликда иш қиладилар, чунки бошқаларнинг қилаётган ишларидан ҳеч қачон уларнинг кўнгли тўлмайди.

КАСБ ТАНЛАШ. Уларнинг бу борадаги қатъий қоидалари мавжуд: ҳаётда ҳеч нарса текинга берилмайди, агар одам яхши яшамоқчи бўлса, шунга лойиқ меҳнат қилишни билишни керак. Бир қарашда ўйлаб кўришга арзирли фикр, тўғрими?

Болалигиданоқ улар турли касбни эғаллашни хоҳлаб қоладилар, яъни йилдан-йилга уларнинг касб танлови ҳам ўзгариб боради. Лекин уларга муваффақият олиб келадиган ва ҳаётда ўз ўринларини топишда ёрдам берадиган касблар ҳам борки, биз уларга бу борада зарур маслаҳатлар бера оламиз. Сунбула буржи вакиллари ҳамма соҳада етакчилик қилиб кета оладилар, шунинг учун қаерда ва қандай жамоа билан ишлашларидан қатъи

назар уларга ҳамиша омад эшиклари очиқ туради. Шунингдек, бурж эгалари энг яхши, зарур ва қийин вазиятларда бемалол ишонини бўлган ходимлар ҳамдир. Улар ўзларига нисбатан талабчанликни ҳеч қачон йўқотмайдилар, хизмат вазифаларидаги масъулиятни ҳам алоҳида иштиёқ билан бажарадилар.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Асаблари тинч одамгина хотиржам ухлайди. Хотиржам ухложган одам ишида ҳам, оиласида ҳам муаммоларга дуч келмайди. Мана шу хотиржамликни тушга ҳам кўчириши керак. Худди шундай фикрдаги Сунбулалар жуда хотиржам ухлайдилар, чунки улар ҳаётда ҳам хотиржам инсонлардир. Агар улар кечаси алаҳсираб ухложмай чиқсалар, буни ҳеч қачон ёмон томонга бурмайдилар, буни одатий ҳол — чарчаганликка йўядилар.

***БАХТ.** Бахтини ҳис қила олин туйғуси одамларда ишонч уйғотади, ақлни тинчлантиради ва қалбни шубҳа, таъсир, беҳаловатлик ва қўрқувдан халос этади.*

ЭРКАК СУНБУЛА БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Улар ўзлари учун қандай ҳаётни маъқул деб билсалар, шундай яшайдилар. Кўпинча бировларнинг насиҳатлари-ю маслаҳатларини бош эгиб маъқулласалар-да, аммо ўз билганларича иш қиладилар. Бу бурж вакилларига фақат ва фақат меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлиши керак. Улар кимнидир қаттиқ севиб қолган тақдирда ҳам, буни ичларига ютиб юраверадилар, токи севаган инсонларига нисбатан кўнгилларида қатъий ишонч ва кўнгил тўқлигини ҳис қилмагунларича. Бурж вакиллари учун ишонч ҳамма нарсадан устун туради ва бу туйғунини улар бутун умрлари давомида ўзларига дастак қилиб оладилар. Ишончсизлик оқибатида жуда кўп нарсаларга ўзларига қанчалик қийин бўлмасин, қўл силтаб кета оладилар.

Эркак сунбулалар *аёллардиги* ҳаё ва ибто фазилатларини қадрлайдилар, керак бўлса уларга шундай бўлиши лозимлигини қайта-қайта такрорлашдан чарчамайдилар. Улар қиз фарзандларинини шундай тарбиялашни ўз аёлларидан талаб қиладилар.

Ота сунбулалар доимо ўз фарзандларини билан фахрланиб юришини дил-дилдан хоҳлайдилар.

АЁЛ СУНБУЛА БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Аёл сунбулалар жуда дилрабо ва жуда жозибадордирлар. Улар ноз-карашмани жойига қўядилар. Аммо ўзларининг уятчанликларидан, тортинчоқликларидан доимо қийналадилар. Улар фақат ўзларига яқин олган дўстлари билангина очилиб-сочилиб гаплашиб кета оладилар.

Сунбула буржи аёллари учун ҳамма нарса зўр бўлиши керак. Улар ўртамиёна нарсаларни хушламайдилар ҳамда кўримсиз, киши эътиборидан четда қолган жойларга сиғмайдилар. Шунингдек, мазкур бурж остида туғилган аёллар эркакларга ўзларини ожиза қилиб кўрсатмайдилар. Оилани ва ўзларини ҳар томонлама таъминлаб қўйиш эркакларнинг бурчи деб биладилар. Сунбулаларга эркаклар томонидан кўрсатилаётган ҳар қандай эътибор муҳаббат асосига қурилган бўлиши керак. Токи эркаклар уларни аёл, фарзандларининг онаси ва ёки ҳаммиша кўмакка муҳтож эканликлари учун ғамхўрлик ёки муҳаббат кўрсатмасинлар. Бурж вакиллари ўзларини худди шундай тушунган *эркакларни* ниҳоятда қадрлайдилар.



**МЕЗОН — ТАРОЗИ
БУРЖИ**
(23 сентябр – 23 октябр)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Агар биз ўз мақсадимизга эга бўлсак, фикримизни азоб-уқубатлардан қутулишига эмас, роҳат-фароғатга эришишига эсаллаймиз”.

Венера сайёраси ҳукмронлиги остида.

Уисури — Ҳаво.

Бахтли рақами — 6.

Астрологик рамзи — тарози.

Астрологик ранги — тўқ кўк ранг, тўқ қизил, денгиз тўлқини-нинг рангини эслатувчи мовийранг.

Ёқтирган ва уларга ҳашиша йўлдош бўлган тошлар — зумрад, зангори ёки кўкиши ёқут рангли тош, марбарид.

Унинг онига шундай фикрни бутунлай сингдириб юборишган эди: бирор нарсага эришмоғинг учун албатта катта қийинчиликларни бошдан кечиришиг шарт! Ва унинг елкасига кўп юк ортилган эди: тишмай ўқиши, кам-кўсти учун кетадиган сарф-харажатни ўзи ишлаб топиши, бу орада оилага ҳам ёрдам бериб туриши, ўқишига пулсиз кириши... Ва албатта ўша гап ҳар қуни қайта-қайта такрорланарди: одам қийинчилик кўриши керак, аке ҳолда...

Аке ҳолда нима бўлишини уларнинг ўзлари ҳам аниқ билшмасди.

Бола мактабда аъло баҳоларга ўқир, имтиҳонлардан ҳам ҳеч бир қийинчиликларсиз ўтар, пул топишига ҳам, оиланинг аҳволини сингиллашишига ҳам бемалол улгурар, аммо бу ишларини унча катта бўлмаган қийинчиликларсиз бажаргани учунми олдинда уни ойдин ҳаёт кутаётганига кўзи етмасди. Чунки у ота-онасининг бот-бот таъкидланаётган бемаъни “фалсафа”си

қурбонига айланиб қолган эди. Мақсадлари сари қадам ташлаётган болага ота-онасининг “бу йўлда анча машаққат чекиши керак”, деган яна ўша аҳмоқона гапи йўл бермас эди.

Ва у бора-бора ўз олдига каттароқ мақсад қўйишига ҳам ботинолмай қолди, чунки бола ўша катта машаққатлар уни эзиб ташлашидан жуда қўрқадиган бўлиб қолди. Охир-оқибатда эса ота-онасидан “мерос” қолган “вазмингина ҳаёт” қаърига сингиб кетди...

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Табиатан жуда очиққўнгил бўлган мезон буржи инсонлари биринчи суҳбатдаёқ ҳамроҳида ўзлари ҳақида ёқимли таассурот пайдо қила оладилар. Байрам тадбирларини, оилавий тантаналарни, туғилган кун саналарини нишонлашни яхши кўрадиган мазкур бурж вакиллари ўша давранинг ўзидаёқ одамлар эътиборини ўзларига жалб эта оладилар ва ўзларига нисбатан қизиқиш пайдо ҳам қиладилар.

Агар бирор кишидан ўзлари учун манфаат зарур бўлса, бундай одамлар билан муомалани жойига қўядилар.

Мезон буржи инсонларининг кўпчилигида олдиндан кўра бишиш ва ҳис қила олиш қобилияти бор.

Барча бошлаган ишларини қийинчилик билан бўлса-да ниҳоясига етказа оладилар. Уларнинг тасаввур доираси шу қадар кенги, бу фазилат Мезонларнинг оилада, ишда, умуман ҳар қандай фаолиятдаги муваффақиятини таъминлаб беради. Шунинг баробарида жисмоний жиҳатдан уларни кучли инсонлар тоифасига киритиб бўлмайди, ҳаминша оғир, мажбурий меҳнатдан ўзларини йироқ тутадилар.

Мезон буржи инсонларини руҳан кучли деб бўлмайди, чунки улар кичкина бир муаммони ҳам енгил қабул қилиб кетавермайдилар. Айниқса, яқинларининг бошига тушган бирор фалокат ҳам уларни қаттиқ изтиробга солиши мумкин.

Мезон буржи инсонларидаги яна бир ўзига хос хусусият — ўртадаги қандайдир тушунмовчилик туфайли келиб чиққан хафагарчиликдан ҳам улар қаттиқ сиқилдилар ва ҳаминша айбни ўзларидан қидирадилар ва топадилар ҳам. Иккинчи томонда ҳам хато борли-

гини билганлари ҳолда уларни тушунадилар ва келиб чиққан муаммоли ҳолатга кўпинча ўзларини айбдор санайдилар. Шунинг учун мезон инсонларда кимдандир қаттиқ ранжиш ёки кўнгил қолиши ҳолатлари бўлмайди, орадаги хафагарчилликни ҳам тезда унутиб юборади ва аввалги муносабатни ҳам қайтадан тиклайди.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Табиатан жиддий бўлган инсонлар Мезонларни унчалик ҳам хуш кўрмайдилар. Аслида улар ҳам бундай инсонларнинг алоҳида эҳтиромига муҳтож эмаслар. Давраларда ўзларини қанчалик кўз-кўз қилишмасини, аслида ёмон назардан, тўғрироғи, кўз тегиб қолишидан қўрқиб турадилар. Шунинг учун уларнинг ёнида кўпинча ёмон назарни “қирқувчи воепталар” (тумор, туз ёки аччиқ қалампирдан тайёрланадиган бирор матоҳ) бўлади.

Уларнинг мияларига ақлли фикрлар тез-тез келиб туради ва Мезонлар ўз ғояларини амалга ошириш учун катта-катта орзулар қилади, аммо буларнинг бари орзулигича қолиб кетаверади. Ва кейинчалик бундан уларнинг ўзлари ҳам афсусланиб юрадилар.

Мезонлар орасида жуда кўп гапирадиган инсонлар ҳам бор. Ёнидаги ҳамроҳи учун унинг айтаётган гапи қанчалик муҳим ёки йўқ — бу улар учун алоҳида аҳамиятга эга эмас. Жуда кўп ваъда берадиган ва ваъдасидан тонадиган инсонларнинг кўпчилигини ҳам мезон буржида туғилган инсонлар ташкил қиладилар.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Мезон+Мезон = ўхшаш характер эгалари эканликлари учун ҳам тезда тил топшиб кетадилар.

Мезон +Ақраб = муносабатлари қониқарли деб бўлмайди, чунки ҳар икки томон ҳам ўзича ҳақ.

Мезон+Қавс = ўртада кучли севги пайдо бўладиган бўлса, никоҳ муваффақиятли бўлади.

Мезон+Жадий = биринчи томоннинг кўп гапирлигини инobatга олмаса, иккинчи томон Мезонларни самимий инсонлар сифатида қабул қиладилар.

Мезон+Далв = тез-тез жанжалли ҳолатлар юзага келса-да тезда тарқаб кетади, чунки ҳар иккала томон ҳам бир-бирисиз туролмайд.

Мезон+Ҳут = дўстлик ва ҳамкорлик яхши натижа беради.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Гўзаллик шайдолари бўлган Мезонлар энг аввало чиройни севади. Иккинчи мартаям чиройни, учинчи маротабаям чиройни, тўртинчи мартаям... уларнинг бунчалик кўп севишининг яна бир муҳим сабаби ҳам бор: чунки чиройлидан-чиройли кўп-да! Тўхтанг-тўхтанг, улар ҳақида бунчалик тез хулоса чиқаришга шошилманг. Мезон буржи инсонларнинг ҳам муҳаббат ҳақида бошқаларда такрорланмайдиган ўзига хос фикрлари бор. Масалан, улар ишонмаган одамни севиб бўлмайд, деб ўйлайдилар. Асл сабабни энди тушунгандирсиз? Муҳаббатга садоқат ҳақида гап кетганда эса улар сизни қойил қолдирадиган даражадаги гапни айтадилар. Эмишкни, муҳаббат ҳақиқий бўлиши учун унга садоқат зарур. Ўз навбатида эса бундай садоқатни одам ўзининг фикрида ва ҳар бир хатти-ҳаракатида намоён қила олиши керак!

Мезонлар оила қурганларидан кейин бутунлай ўзгарадилар. Нафақат турмуш ўртоқларига садоқат кўрсатадилар, балки бутун оиласига, фарзандларига ўзларини бахшида қила оладилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Мезонлар барча бурж вакиллари орасида энг тадбиркор ва меҳнатсевар инсонлар эканликлари билан ажралиб турадилар. Улар ишнинг кўзини биладилар ва асосий куч-қувватларини кундалик майда-чуйда ташвишларга сарфламайдилар. Бир қарасангиз жуда сахий, бир қарасангиз эса бир тийин устидан ёқавайрон бўлгунча талашадилар. Бунинг сабаби эса уларнинг кайфияти билан боғлиқдир. Улар ўзларига яқин ва севимли бўлган кишилар учун сарф-ҳаражатни аямайдилар, қарз ҳам берадилар. Қарзни қайтариш ҳақидаги гапни дастлаб эшитмайдилар, вақт ўтиб эса айтган гапларидан пушаймон ейдилар.

Улар ўзларининг қанча кўп пул топишлари билан эмас, балки ўзига хос фикр эгалари эканликлари билан ажралиб туришни истайдилар, аммо ҳар доим ҳам бунга муваффақ бўлавермайдилар.

КАСБ ТАНЛАШ. Сабр қилиш ва атрофдагиларни тушуниш мезон буржи вакиллари учун бироз мураккаб эканлигини инобатга оладиган бўлсак, уларга мураббийлик касбини танлашни маслаҳат бермаган бўлардик. Мезонлар табиатан иродали инсонлар эмас, бировнинг фикрини тоқат билан эшита олмайдилар. Аммо бу ҳолат ўзларининг фойдасига ҳал этилаётган бўлса, уларнинг далиллаш санъатига тан бермасликнинг иложи йўқ. Бундай инсонларга ишни тез бажариш талаб қилинадиган касбларни танлашни маслаҳат берган бўлардик. Айрим фазилатларини ҳисобга олиб эса мезон буржи вакилларида ажойиб ташкилотчилар, дизайнёрлар, саёҳатчилар чиқини мумкин.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Мезонларнинг тушга муносабатлари ҳақида аниқ бир гапни айтиш қийин. Улар жуда кўп хавотирга тушишлари сабабини кўраётган тушларида деб билдилар. Демак, тушга ишонадилар. Қандайдир шарпа ёки овозлар уларни тез-тез безовта қилиб туради. Бу эса кўпинча оғир иш қулардаги толиқишдан бўлади. Аммо ҳар нарсани кўнгилларига яқин олувчи мезон буржи вакилларига тушларида, айниқса, атрофидаги бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бироз бўлса-да ёсфарқ бўлишларини маслаҳат берган бўлардик. Ҳаёт гўзал ва унинг гўзалликларидан баҳраманд бўлиш, ҳис қилиш ва уларнинг тушда намоён бўлишига ҳам эришни керак.

БАХТ. Инсоннинг ҳақиқий бахтини белгилаши мумкин бўлган икки истак бор: бири — одамларга наф келтириши ва яна бири эса хотиржам виждон билан яшашдир.

ЭРКАК МЕЗОН БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Биз кўпинча маданиятли кишилар деб ҳавас билан қарайдиган инсонлар орасида мезон буржида туғилган эркаклар жуда кўпчилиكنи ташкил қилади. Тўғри, улар шон-шухрат чўққисини забт этишга чиранмайдилар, аммо ўзлари ва онласи учун тўқис, фаровон ҳаётни таъминлаб бера оладилар. Жуда ақлли, ишнинг кўзини билдилар, аммо бирор ишни таваккал қилиб бошлолмайдилар. Сабаби, ўз кучларига ишонмайдилар.

Мезон буржи остида туғилган эркаклар *айллардаги* аниқ бир фазилатни танлаб ёқтирмайдилар. Бу инсонлар ўзларининг ру-


ҳий томондан кучли эмасликларини биладилар, шунинг учун турмуш ўртоқлари уларнинг кечинмалари, ўй-фикрларидан ҳаминша огоҳ бўлиб туриши, уларни нимагадир илҳомлантириши, хуллас, ҳар қандай шароитда суяна оладиган кучли аёл бўлиши керак. Ва айтиш жоизки, буржлар орасида ҳеч қайси бири мезонларчалик аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсата олмайди.

АЁЛ МЕЗОН БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Ҳар бир сўзида ҳикмат уфуриб турадиган мезон буржи аёллари жуда кўпчилик эркакларнинг орзусидаги аёлдир. Улар билан бир марта гаплашган одам яна қайта гаплашсам, дейди. Чунки мезон буржи аёллари жуда яхши маслаҳатгўй, одамнинг дардига дармон бўла олишлари билан ҳам киши эътиборини ўзларига жалб қиладилар. Мазкур бурж остида туғилган аёллар бошқаларда ўзларининг ҳаёти, оиласи ҳақида шундай тасаввур пайдо қила оладиларки, уларнинг сўзларини тинглаб хаёлингизда идеал оилани тасаввур қиласиз. Ҳа, оиладаги муаммоларни, бошидан кечириётган қийинчиликларни, ҳатто энг яқин инсонига ҳам билдирмайдиган бундай бардошли аёллар жуда кам учрайди. Худди шу жиҳатлари билан улар ҳаминша эрларининг ҳурматиغا, муҳаббатига сазовор бўладилар ва, айтиш жоизки, улар бунга лойиқдирлар.

Мезон буржи аёллари учун *эркакларнинг* ўзларига нисбатан эътиборли бўлишлари қатта мукофотдир.



АҚРАБ — ЧАЁН БУРЖИ
(23 октябр – 22 ноябр)



Уларнинг ҳаётдаги ишори: “Қуёнига қараб юрсанг, сояниг ор-тишига чекинади, тик келганишда эса у чор-ночор оёгинг остига тиз чўқади. Алҳол, орқага қараб юрмаки, шу заҳоти соянигинг қулига айланиб унинг изидан эргашасан”.

Марс ва Плутон сайёралари ҳукмронлиги остида.

Унсури — Сув.

Бахтли рақами — 9 ва у билан боғлиқ барча рақамлар.

Астрологик рамзи — ақраб ва бургут.

Астрологик ранги — тўқ қизил ва унга йўлдош бўлган барча ранглар, олов ранг.

Ёқтирган ва уларга ҳамшиша йўлдош бўлган тошлар — тоназ (қимматбаҳо ялтироқ тош), қаҳрабо, биллур.

Бир одам қутурган туядан халос бўлмақ учун эсар устига эгилган икки шохга осилиб, эсар ёқасига оёқ қўяди, лекин оёғи остидаги шидан тўртта илон бош чиқариб тургани кўзига чалинади, эсарнинг остига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини очиб, унинг тушишини кутиб турганлигини кўради, юқорига қараб эса, оқ ва қора сичқонлар у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемираётганликларини кўради. Бу аҳволдан қутулиш йўлини ўйлаб турганида ундан нарироқда бир асалари уясига кўзи тушади, бармоғини болга ботириб ялай кетади, болнинг ширинлиги унинг бошини шу даригада айлантирадики, патияжада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади, оёқларини тўртта илоннинг бошига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни албатта кемираб синдиришлари, шохлар синса у аждаҳо домига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси кучли ақл нурини тўсиб қўяди, оз фурсат ўтмай, у эсарга қулаб ҳалок бўлади.

УМУМИЙ ТАЪРИФ (Юқорида келтирилган ҳикоя ақраб буржи вакилларига нисбат тарзида келтирилмади. Аксинча, худди шундай одамларга ақраб буржи инсонларининг муносабати орқали улар ҳақидаги тасаввуримизни бир қадар бойитади).

Ўзини босиқлик билан назорат қила олиш, ютуқ ва камчиликларини тўғри баҳолаш фазилатлари билан ажралиб турадиган ақраб буржи вакиллари айни пайтда ўз қадр-қимматини ҳам жуда юқори қўядилар. Баъзида улар билан боғлиқ шундай ҳолатлар юзага келадики, ҳатто уларни танимай қолишингиз мумкин. Улар ташқи кўринишлари билан ҳам, гапирган гаплари билан ҳам бошқаларда ўзларига нисбатан раҳм-шафқат туйғуси пайдо қилишни истамайдилар. Қанчалик ташвишлари кўп бўлмасин, бировга, ҳатто энг яқин дўстларига ҳам бу ҳақда билдирмайдилар. Ҳамма нарсани ичларига ютадилар. Улар шу даражада тўғри одамларки, хушомадни, ишларини битказиш учун бировга ялтоқланишни ўзларига ор деб биладилар. Ҳамкорларидан кимдир уларга нисбатан адолатсизлик ёки хиёнат қилаётганини сезиб қолсалар, ҳеч иккиланмай ундан воз кечадилар ва бу қанчалик оғир йўқотиш бўлмасин қилган ишларидан афсус чекмайдилар. Ақраблар манфаатлари йўлида ўзидан ожиз ёки кучсиз бўлганлар билан баҳслашиб ўтирмайдилар. Улар учун манфаат биринчи ўринда турмайди. Одам ҳар донм ҳалол бўлиши керак: қилаётган ишига нисбатан ҳам, гапирётган гапига-ю одамлар билан муносабатда ҳам... агар сиз шундай инсонни учратсангиз, билингки, у ақраб буржи остида туғилган бўлиб чиқади.

Мазкур бурж остида туғилганлар атрофидагилардан ҳам ўзларига нисбатан ҳалол муносабатни кутадилар, агар шундай бўлиб чиқмаса, қаттиқ изтиробга тушиб қоладилар.

Мард, айтган сўздан қайтмайдиган, берган ваъдасининг устидан ҳамиша чиқадиган ақраб буржи вакиллари худди шундай фазилат эгалари бўлганлари учун ҳам одамлар ниҳоятда қадрлайдилар. Улар бор даврада кўпинча сукунат ҳукмрон бўлади. Инсон психологиясини яхши тушунадиган одамлар ақраб буржида туғилган инсонлар билан дўст тутинишни орзу қиладилар, чунки улар садоқат бобида тенгсиздирлар. Уларни ҳамиша

тўғри тушунадиган одамга кўпда эҳтиёж сезганлари сабаблими, ўзлари билан ҳамфикр инсонларни жуда қадрлайдилар.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Ақраблар ўз олдиларига қўйган бирор мақсад йўлида қанчалик машаққат чекишган, жисмонан қийналишган бўлишмасин, агар ўша мақсадларига эриша олмасалар бунинг учун афсусланмайдилар. Уларда аниқ мақсад ҳаминша бўлади, аммо негадир шошилмайдилар. Кўпда омадсиз эканликлари ҳам улар учун катта фожна эмас.

Ақраблар охиригача агар буни ўзлари хоҳламасалар яхши дўст бўла олмайдилар. Бунинг сабаби шундаки, улар ўзларини гўёки душманлардан ҳимоя қилаётгандек бўладилар ва доимо одамлардан хавфснраб юрадилар.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Ақраб+Ақраб = муносабатлар узоқ давом этмайди, чунки нигоҳлар алдаётганини ҳар иккала томон ҳам жуда яхши билади.

Ақраб+Қавс = ҳар иккала бурж вакили ҳам жиззаки эканликлариданми, бир-бирларини нима учун қабул қила олмасликларини тушуна олмайдилар.

Ақраб+Ҳадий = иккинчи томоннинг вазминлиги ўртадаги муносабатни ҳаминша сақлаб туради, аммо бу узоқ давом этмаслиги ҳам мумкин.

Ақраб+Ҳут = ҳаминша бир-бирларидан норози бўлиб юрадилар, аслида эса бир-бирлари учун ниҳоятда керакли инсонлардир.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Ақраблар қанчалик жаҳлдор ва қаттиққўл бўлишмасин, севиб қолганларида мутлақо бошқача инсонга айланадилар. Аммо эрklarини қўлдан бой бермайдилар, яъни улар ўз эркинликларини ҳамма нарсадан устун қўядилар. Севги улар учун бир-бирларини тушунини ва ўзаро ҳурмат дегани. Чунки бундай муносабатларсиз севги узоқ давом этмайди, деб ҳисоблайдилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Бизнес, молни билан боғлиқ фаолияти уларга ҳаминша омад олиб келади. Бу, албатта, уларнинг шерикчиликдаги ҳалоллиги билан боғлиқ десак муболаға бўлмайди. Ақраблар бир тийинсиз юришлари мумкин, аммо буни ҳеч қачон

ҳеч ким сезмайди. Улар пул топиш борасида шу даражада хотиржамки, бунини уларнинг ишнинг кўзини билиши билан изоҳласа бўлади. Моддий фаровонлик уларга оилаларининг хотиржамлиги ва тўқислиги учун керак. Шунинг учун Ақраблар катта бизнесмен бўлиш ҳақида орзу қилмайдилар, аммо уларнинг аксарияти моддий томондан анча бақувватдирлар. Бор сармояларини имкониятлари ва муваффақиятларини кенгайтириш йўлида сарфлайдилар. Улардан қарз сўраш осон эмас, чунки улар аксарият ҳолларда бу илтимосни рад этадилар. Агар қарз берсалар, айтилган муддатда қўлига ўша пул қайтиб келиши керак. Агар улардан яна қарз сўраш ниятингиз бўлса ақрабларнинг ишончига киришингиз керак бўлади. Улар моддий жиҳатдан барқарор ва пухталиқ таъминланган тақдирдагина ҳомийлик ёки катта миқдорда хайрия қилишлари мумкин.

КАСБ ТАНЛАШ. Ақраблар ҳар қандай касбда етакчилик қиладилар. Улар жуда уддабурон, замон билан ҳамнафас ва қандай касб ёки ҳунар уларга муваффақият олиб келишини жуда яхши биладилар. Ақраблар бошқалар билан рақобатлашиш ва шунинг ортидан обрў орттиришни ўзларига эп билмайдилар ва шунинг учун ҳам ўзлари янги иш бошлаб ўша ишларига бошчилик қиладилар. Улар чўққига кўтарилишни жуда кеч бошлайдилар, аммо қойилмақом қилиб уддалайдилар. Хуллас, ҳамма ишда фаолият олиб боришга ласқатли бўлган ақраб буржи вакиллари жамоаларида ўзларининг алоҳида ижобий характерга эгаликлари билан ҳурматга сазовор инсонлар қаторида турадилар.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Одамларга кўпинча ишончсизлик назари ёки хавфсираб қарашлари туфайли кўнинча тушларида бегона одамларни кўрадилар. Шундай туш кўрган кунлари ишда ёки онлавий ҳаётларида қандайдир ўзгариш бўлади, деб кутганлари учун ўша ҳолат албатта юз берди. Ақраблар ўз тушларида кўрган ўша бегона одамлар уларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборишига ишонадилар. Бу эса албатта, улар кўрган тушнинг қай тарзда кечганига боғлиқдир. “Ихлос — халос”, деган ақидаани Ақраблар доимо ўз тушларига нисбатан татиқ этадилар.

БАХТ. Олий бахт кўнгилга масъулият юклайди.


ЭРКАК АҚРАБ БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Аслида кўпчилик аёллар эркакларда ақраб буржи эркакларига хос фазилатларни кўришни истайдилар. Аммо бу гапиршигагина осон. Чунки ақраб эркаклар жуда талабчан, қаттиққўл, жаҳли тез ва ҳис-туйғуларини ҳеч қачон сиртдан намоён қилмайдилар. Улар ўз аёлларини, оилаларини дилдан севадилар, уларга меҳрибонлик кўрсатиш ва ҳимоя қилишни ўзларининг бурчи деб биладилар. Ўз навбатида эса аёли ҳам ўз вазифасини яхши тушуниб етмоғи ва қойилмақом қилиб уддаламоғи керак.

Ақраб буржи эркакларни ўз сирларини ҳаммадан беркитишлари мумкин, аммо улардан сир беркитиб бўлмайди.

Ақраб буржида туғилган эркаклар қандай мавқеда бўлишидан қатъи назар эркакни ҳурмат қилган ва ҳамниша улардан ўзини бир поғона паст тутган *аёллари*ни ҳурматга сазовор аёллар деб ҳисоблайдилар. Уларнинг рўзгорлари ҳамниша бут бўлади. Фарзандларини ўзгача қалб соҳиблари қилиб тарбиялайдилар. Улар фарзандларига бир гапни бот-бот такрорлашдан ҳечам чарчамайдилар: қандай ҳолат бўлмасин менга ҳеч қачон ёлғон гапирма.

АЁЛ АҚРАБ БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Фурури жуда баланд ақраб буржи аёллари табиатан ҳам жуда босиқ, ҳар бир гапни ўйлаб гапирадиганлар тоифасидандирлар. Атрофидагилар уларга ҳамниша ўйлаб муомала қиладилар. Уларга ҳар қандай гапни гапирши мумкин эмас. Жуда мулоҳазали эканликларидан жуда камдан-кам ҳоллардагина муаммоли вазиятларга дуч келадилар.

Улар эркаклардаги мардликни қадрлайдилар. Аммо уларнинг ишларига ҳадеб аралашаврадиган одамларни жинлари суймайди. Чунки улар ўзларининг дунёлари билан яшайдилар. Бу ҳақда бошқалар билиши шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Эркаклар томонидан уларга нисбатан билдирилган ишонченликни ҳазм қила олмайдилар. Турмуш ўртоқлари ақраб буржида туғилган эркаклар бемалол хотиржам бўлишлари мумкин, чунки аёллари уларни ҳеч кимга тенг кўрмайдилар. Муҳаббатларини ошкора намоён этмасалар-да, доимо сизнинг кўнглингизни овлаш, сизга яхшилик қилиш ҳақида ўйлайдилар.



ҚАВС — ҰҚОТАР
БУРЖИ
(23 ноябр – 21 декабр)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Вақт бизнинг изтиробларимиз, дард ва аламларимизни қайта ва яна қайта ёдга солиб туриши учун ҳам ортга қайтмайди. Шундай экан, яшашга шошилиши керак!”.

Плутон сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Олов.

Бахтли рақами — 3.

Астрологик рамзи — Юнон афсонларида тасвирланадиган ярми одам, ярми махлуқ бўлган эсонзот.

Астрологик ранги — кўк, яшил, бинафшаранг, тўқ қизил (аргубон).

Ёқтирган ва уларга ҳашиша йўлдош бўлган тош — ақиқ.

Армон, изҳор қилинмаган муҳаббат... етолмаган манзиллар, ўйналмай қолган роллар... Уларнинг иккинчи номи Вақт. Мен умр бўйи вақтнинг орқасидан қувдим. Уни ўзимга бўйсулдирмоқчи бўлдим. Лекин у мени юшиб юборди, мағлуб этди, оқибатда янчди. Умримнинг ўлчови менинг изимда бўлганида эди... баъзи бир даҳзаларни қанчалик кўп чўзсам, бошиқа дамларни кўзимни чирт юмиб қулоқларимни беркитганчи ўшанчалик тез яшаб ўтардим.

Онам армон бўлиб қолмаслиги учун у кишининг олдида кўпроқ бўлишим керак эди. Аёлимга кўнглимни ёриб менинг ҳаётимга у қанчалик керак эканлигини айтолмаганим армон...

Раънонинг сўнги кунлари эди. Кўчага чиқолмасди. Ишига кетайтганимда у музқаймоқ егиси келаятганини айтди. Қайтаётганимда олиб келман деб ваъда бердим. Куним дубляж ва суратга олиш майдончасида ўтди. Қоронги тушганда толиқиб уйга қайтдим. Эшикдан кириб келганимда у менинг қўлларимда ҳеч

нараса йўқлигини кўрди. Вақт ўтган сари бу яра юрагимни кемириб ташлаяпти. Сизга бу оддий ҳолдек туюлиши мумкин, лекин ҳаёт ўзининг шафқатсиз қиёфасини мана шу изтиробларда ҳам кўрсатади.

(Актёр Ҳожиакбар Нурматов билан бўлган суҳбатдан).

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Одамшаванда, давраларнинг гули бўлган қавс буржи вакиллари талай ижобий характерга эга инсонлар тонфасидандирлар. Уларнинг яшашга, ҳаётга бўлган ништиёқлари шу қадар баландки, улардаги кўтаринки кайфиятнинг кўрган заҳоти ҳар қандай одам кундалик таъвишлардан ўзини бироз бўлса-да чалғиғандек ҳис этади. Қавслар ҳамниша ҳаракатчан, дилкаш ва самимийдирлар. Жамоа ичида юришини, уларга йўлбошчилик қилишини, шовқин-суронли ҳаётни хуш кўрадилар.

Ўзларидаги фазилатлар эътироф этилишига мойиллик кучли бўлганлигиданми, кўпинча уни очиқдан-очиқ намоён қилишга интиладилар. Қавслар ҳамниша одамларга муҳтождирлар.

Мазкур бурж остида туғилган инсонлар бир вақтнинг ўзида жуда кўп ишга қўл урадилар, ажабки, уларнинг кўпчилигини бир вақтда олиб бориш уларга катта қийинчилик туғдирмайди. Ўзгаришларга, таассуротларга чанқоқ қавс буржи вакиллари ҳаётлари давомида жуда катта-катта ишларга таваккалчилик билан қўл урадилар. Бу эса ўз навбатида уларнинг оптимистик характердаги инсонлар эканлигини кўрсатади. Улар бўлажак ишларни олдиндан ўйлаб ўтиришни ёқтирмайдилар.

Қавслар миждов инсонлар эмас, улар тез ганиради, тез ишлайди, тез ҳал қилади ва ҳоказо. Шунинг учунми уларда ўзига нисбатан ишонч ҳисси ниҳоятда кучли. Ҳаракатсиз мулоқот юритишдан кўра, ишни тез бажариш ва фаол ҳаракатни ёқтирадилар.

Мазкур бурж остида туғилган инсонлар қанчалик кучли, оптимист бўлишмасин, кўнгиллари жуда нозик бўлади. Уларни хафа қилиш жуда осон. Сир яширишни билмаганликлариданми кўпинча бошларига ғавго орттириб юрадилар. Аммо бундай кўнгилсизлик-

лардан узоқ вақт азоб чекиб юрмайдилар, аксинча дарров кечирим сўраб, ўзларига бўлган ишончни қайтадан тиклаб оладилар.

Қавслар шундай гўзал қалб соҳибларидирки, ҳамиша кимгадир яхшилик қилиш ҳақида ўйлайдилар. Яқинлари олдидаги масъулиятни ҳамиша ҳис қилиб турадилар. Қилган ишларидан афсусланмаслик тадоригини олдиндан кўрадилар. Улар учун энг катта бойлик қалб гўзаллигидир.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Қанчалик кўтаринки кайфиятга эга бўлмасинлар, қилаётган ишларида бирор бир муваффақиятсизликка дуч келишса, газабларини босолмай қоладилар. Кўп ҳолатларда мажбуриятларига юзаки қарайдилар. Қаттиқ тартиб-интизомга эса мутлақо тоқатлари йўқ. Кўпда улар одамларнинг ташқи қиёфаларига қараб баҳо берадилар. Қавслар ҳамиша ишониб бўладиган дўстлар эмас, чунки улар сир яширолмайдилар. Тўғри, уларнинг кўнглида бирор ғаразли ниятлари бўлмаслиги мумкин, аммо бошқаларни ҳам ўзлари каби билишлари уларга муаммо олиб келади.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Қавс+Қавс = иккала томон ҳам матонатли характерга эга ва кимгадир ён беришга ўрганмаган. Аммо улар бир-бирлари билан яқин дўст бўлиб кета оладилар.

Қавс+Жадий = ўрталаридаги дўстликка ҳавас қилса арзийди.

Қавс+Далв = чуқур ва узоқ давом этадиган муносабатлар бўлмайди, иш юзасидан ва дўстона муносабатларнинг истиқболни эса яхши.

Қавс+Хут = қизиқишлари бир хил бўлганлигиданми, бир-бирларининг наздида зерикарли одамлар.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Қавслар учун муҳаббат, бу — санъат. Улар севишдан кўра севилишни муҳим деб ҳисоблайдилар ва севиб қолишдан доимо кўрқиб яшайдилар. Бунинг сабаби шундаки, кимнидир қаттиқ севиб қолган Қавслар таркидунёчи бўлиб қоладилар. Доимий хушчақчақ кайфиятлари ўрнини мутлақо бошқаси эгаллайди. Доимо шу ҳақда ўйлайдиган бўлиб

қоладилар. Бу ҳам яхшилик аломати. Қавслар ҳаётларида учрайдиган ёки учраши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсизликлардан кейин муҳаббатларидан паноҳ излайдилар. Бу, албатта, уларнинг муҳаббатлари ҳақидаги аниқ хулосани бера олади.

Қалбан жуда гўзал қавс буржи соҳиблари оила аъзоларининг бир-бирларига муҳаббатли бўлишлари учун ҳамниша ўзлари ташаббус кўрсатадилар. Туғилган кунларни бирга нишонлайдилар ва туғилган кун эгасини ҳаммадан биринчи бўлиб табриклайдилар. Қавслар ҳамниша оиланинг энг севимли инсонлари бўлиб қоладилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Қавслар ҳам ҳамма қатори моддий бойликларга лоқайд эмас. Улар тезда одамнинг ишончига кира олиш ва ҳамниша ўзлари ҳақида ҳамниша яхши таассурот қолдира олганликлари учун ҳам ҳар қандай бизнес фаолиятида муваффақиятга эришадилар. Пулларни қанчалик қийинчилик билан топмасинлар, унинг сарфига келганда жуда сажийдирлар. Бошқа бир одамнинг кайфиятини пул билан боғлиқ бирор нарса кўтаришини билдиларми тамом — унга ёрдам қўлини чўзишга ҳамниша тайёрдир. Шунинг баробарида улар жуда тежамкор ҳамдирлар. Олди-берди борасида дангал бўлганлари учун ҳам бошқалар улар билан шерикчилик қилишга интиладилар. Қолаверса, улардаги хушмуомалалик ҳам бизнес борасидаги мураккаб ишларнинг осонгина битишига ёрдам беради.

Қавслар ҳеч қачон тайёр ошга шерик бўлмайдилар. Бошқаларнинг бундай ҳаракатини ҳам тақққлайдилар. Ҳамниша кўтаринки кайфият ва ҳаракатчанлик уларни қаламба-қадам омад сари бошлайди. Қавслар баъзида пулни шу даражада кўп сарфлайдиларки, сизда улар бу аҳволда яқин орада қашшоқликка юз буради деган тасаввур пайдо бўлади. Аммо ҳеч қачон бундай бўлмайди, чунки Қавслар ҳеч қачон ҳаракатдан тўхтамайдилар. Жуда майда имкониятдан ҳам фойдаланиб қолишга интиладилар.

КАСБ ТАНЛАШ. Қавслар жуда билимдон одамлардир. Гуманитар соҳада ҳам, аниқ соҳаларда ҳам фидоийлик билан ишлайдилар. Ҳаракатчанликлари билан тезда раҳбарият эътибо-

рига тушадилар. Қавслар сайёҳлик бизнеси, экспорт-импорт ва халқаро ҳуқуқ борасидаги фаолиятларида муваффақиятга эришадилар.

Қавслардаги яна бир яхши фазилат улар ҳамиша ўрганишга иштиёқманддирлар. Бир касб доирасидаги фаолият уларни ҳеч қачон қониқтирмайди, шу боис ҳам ишхоналаридаги ўзларига мутлақо дахли бўлмаган ишларни ҳам тез ўрганадилар. Қавслар универсал бўлганликлари учун ҳам бундай ходимларга ҳар қандай юқори ташкилот ёки муассасанинг эшиги ҳаминша очик бўлади. Агар уларга хизмат жойида яхши эътибор ва яхши шартлар яратиб берилган бўлса, улар бир жойида узоқ муддат фидойилик билан меҳнат қилиши мумкин.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Сиз яқин дугонангиз ёки ўртоғингиздан ухлаб ётган жойида бақириб кулган одам ҳақида эшитганмииз? Бундай ҳолат ҳақида кўпчилигимиз эшитганмиз. Худди шундай кишилар айнан қавс буржида туғилган инсонлардир. Улар, ҳатто ўзларини тушларида ҳам бахтиёр кўра оладилар, ҳатто ссвимли қўшиқларини хиргойи ҳам қиладилар. Агар сизнинг олдингизда кимдир ухлаб ётган жойида кулса ёки қўшиқ айтадиган бўлса, уларни уйғотишга шошилманг, чунки улар сизнинг бу ҳаракатингиздан хафа бўлиб қолишлари мумкин.

БАХТ. Бахтли бўлишни истайсанми? Марҳамат, ундан аввал машаққат чекишни ўрган.

ЭРКАК ҚАВС БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Қавс буржида туғилган эркаклар дилкаш ва самимий инсон бўлганлар учун ҳам аёллар эътиборини тезда ўзларига жалб этадилар. Ўйлаганларини шартта тилларига чиқарадилар. Бундан ўша одамнинг хафа бўлиб қолиши ҳақида ўйламайдилар, чунки уларнинг ўзлари шундай инсонларда.

Қавс эркакларни одамларга нисбатан ғаразли нияти бўлмагани учун ҳам ҳаммага ишониб кетаврадилар. Ва кўпинча бундан ўзлари азият чекадилар. Оилада ўғил фарзандларига нисбатан жуда талабчан, қиз фарзандларига нисбатан эса жуда меҳрибондирлар.

Қавс буржида туғилган эркаклар *аёллардаги* камгапликни фазилат деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, ўзларининг ишлари, ҳатто мақсадлари ҳақида ҳам ўз аёлларига гапиршни маъқул кўрмайдилар. Бу аёлларнинг иши эмас деб ҳисоблайдиган Қавс эркаклар агар турмуш ўртоқларига ўзларининг қилаётган ишлари ҳақида сўзлаб берса улар менга ақл ўргатади ёки қилаётган ишимдан бирорта айб топади, деган мақсадда ҳам худди шундай йўл тутадилар.

Аммо буни Қавс буржида туғилган эркакларнинг аёлларга нисбатан меҳрсизликлари оқибати эмас, аксинча, ўз муаммоларига уларни шерик қилишни нотамаганликларида деб ҳам тушуниш мақсадга мувофиқдир.

АЁЛ ҚАВС БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Уйда ўтиришни унчалик хуш кўрмайдиган қавс буржи аёллари онлавиий турмушга жуда қийинчилик билан мослашадилар. Улар ўзларини кўп нарсаларни қилишга мажбур эмасман деб ҳисоблайдилар. Қавс буржида туғилган аёллар биринчи навбатда эрлари томондан инсон сифатида тан олинмиши керак. Майда икир-чикирлар, аёллар ўртасидаги ғийбат гап-сўзлар уларни шунчалар бездириб юборадики, баъзида ҳеч ким бўлмаган жойларга қочиб кетиш нотаги пайдо бўлади.


Табнати, санъат ва алабиётни жуда севадиган қавс буржи аёлларининг қалб кечинмалари қандай эканлиги сизга қоронғу эмас. Улар, ҳатто овқат тайёрлаш, уй йиғиштириш, хуллас, аёллар бажариши лозим бўлган кундалик ишларни бажараётиб ҳам ўтаётган ҳар бир сонияси учун ачинадилар.

Маънан ҳимояга муҳтож бўлмаган қавс буржида туғилган аёллар *эркакларнинг* худди шу фазилатларга эга аёлни қўллаб-қувватлаши, уни ҳимоя қилишга бўлган хатти-ҳаракатларини қаҳрамонлик деб эътироф этадилар. Бундай эркакларни жон-жон деб турмуш ўртоқликка қабул қиладилар.

Қавс буржида туғилган аёллар ўз фарзандларининг наздида дунёдаги энг яхши аёллардир.



**ЖАДИЙ — ТОҒ ЭЧКИСИ
БУРЖИ**
(22 декабр – 20 январ)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Бизнинг қўлимиздан, ўзимиздан кетиб қолган нарса ҳеч қачон ўзимизники бўлмаган”.

Сатурн сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унесури — Ер.

Бахтли рақами — 4 ва 11.

Астрологик рамзи — эчки.

Астрологик ранги — қора, тўқ жигарранг, кулранг, кўк, тўқ сариқ.

Ёқтирган ва уларга ҳалшиша йўлдош бўлган тошлар — фируза, оникс (ақиқнинг йўл-йўл, тарам-тарам тури), биллур.

Олимдан отаси сўради:

— Дунёга келиб нима топдинг?

Олимдан дўсти сўради:

— Дунёга келиб нима топдинг?

Олимдан ўгли сўради:

— Дунёга келиб нима топдингиз?..

Қарангки, отанинг сўроғида хавотир, дўстинг сўроғида қиёс, ўғилнинг сўроғида эса... ТАЛАБ бор эди.

* * *

Онам менга қадр нималигини ўргатди, турмуш ўртоғим меҳр, қизим эса... жабр.

Ҳайратга соладигани шундаки, жабр нималигини ўргатгани менга ҳаммасидан азизроқ.

УМУМҲИЙ ТАЪРИФ. Мазкур бурж вакиллари ҳақида гап кетганда ҳар доим битта эътирофни таъкидлаш керак бўлади: улар жуда ақллидирлар. Худди шу жиҳатлари билан Жадийлар

ҳар доим ҳурмат ва эътибор қозонадилар. Уларнинг дунёқарашлари, одамларга ва ҳаётга бўлган муносабатлари ҳам бошқача. Қанчалик камгап бўлиб кўринмасинлар, дилдан гаплашсангиз сизни ҳайратда қолдирадиган даражадаги гап-сўзлари билан ўзларига маҳлиё қилиб оладилар. Ҳеч қайси бурж вакиллари Жадийларчалик сабрли ва иродали эмас. Бу қайси маънодаки, улар олдиларидаги тўсиқларни мардонавор енгиб ўтадилар. Энг катта хавф ҳам Жадийларни гангитиб қўёлмайди.

Энди юқорида келтирилган иккита ҳолатга эътиборингизни қаратсак. Бу жадий буржи остида туғилган фарзандларга хос. Улар ўзларининг фарзандлик бурчини шу қадар теран англайдиларки, агар ҳаётлари давомида бирор бир муваффақиятга эришсалар, шу муваффақиятларининг гаровини — уларга ота-оналари томонидан берилган тарбия маҳсули деб биладилар. Жадий буржида туғилган инсонлар ҳаминша ота-оналарига қандайдир яхшилик қилиш ҳақида ўйлайдилар. Агар бунинг уддасидан чиқолмасалар қаттиқ изтиробга тушиб қоладилар.

Жадий буржи остида туғилган инсонларга хос яна муҳим хусусиятлардан бири уларнинг қадрият ва анъаналарга садоқат билан муносабатда бўлишларидир. Улар ўзларининг аждодлари ҳақида ҳаминша тўлқинланиб гапирадилар. Ва ўз фарзандларини ҳам бунга даъват этадилар.

Жадийлар мақсадни ўз олдиларига шу қадар қатъий қилиб қўядиларки, бу борада уларга майда ташвишлар халақит беришидан доим ўзларини ҳимоя қиладилар. Рашк, эҳтирос, дангасалик, қизиққонлик каби психологик ҳолатлар уларга заррача бўлсин ўз таъсирини кўрсатмайди.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Улар, мен ҳамма ишни қила оламан, деб ўйлайдилар. Кўп нарса қўлимдан келади деган фикрда бўлганлари учун ҳам бошқаларга бўйсунини истамайдилар. Тўғри, табиат уларга тенгсиз истеъдод ва ғайрат ато қилган, аммо бу билан мақтаниб юриш шарт эмас.

Шунингдек, жадий инсонларнинг кўпчилигида жиддийлик етишмайди. Улар ваъда устига ваъда бераверадилар, аммо кўпинча сўзларининг устидан чиқмайдилар. Жуда кўп одамлар

ҳақида тез хулосага келадилар, аммо кейинчалик чиқарган хулосаларни нотўғри бўлиб чиқади.

Тилларига келган гапни гапириб юборадилар, аммо аслида бундай ўйламаган бўладилар. Шунинг учун ҳам атрофидагиларга озор бериб қўйганлари учун ўзларидан хафа бўлиб юрадилар, аммо жуда қийинчилик билан кечирим сўрайдилар.

Жадийлардаги яна бир салбий характер шуки, улар ҳаминша тарозининг икки палласига қараб иш кўрадилар. Бир палла ҳеч қачон тош бўлиб кетиши керак эмас.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Жадий+Жадий = ҳиссиётлари жуда кучли бўлган ҳар иккала томон ҳам бир-бирларини тўлдириб турадилар.

Жадий+Далв = тушунмовчилик юзага келиши мумкин, аммо бу улар ўртасидаги муносабатга тўсиқ бўлолмайди.

Жадий+Ҳут = улар бир-бирларидаги айрим жиҳатларни қабул қилолмасалар-да, ҳар иккала томон ҳам йқинчи томонни кучли инсонлар сифатида тап оладилар.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Муҳаббат ҳам, оила ҳам уларнинг ҳаётида энг муҳим аҳамиятга эга. Қадриятларга чексиз ҳурмат ҳисси билан тарбияланган жадий буржи инсонлари ҳар қандай қийин вазиятларда кўмакни теваракдан эмас, ўз яқинларидан кутадилар.

Жадий буржи инсонлари табиатан шу қадар эҳтиёткордирки, бир кўришдаги севги уларнинг анча наридан четлаб ўтади. Уларнинг севгилари ҳам пухта. Жадийлар ўз ҳис-туйғуларини бемалол бошқара олганликлари учун ҳам ўйламай-нетмай турмуш қуравермайдилар. Аёл жадий буржи вакилларини ҳам, эркак жадий буржи вакилларини ҳам ўз турмуш-ўртоқлари маънан қониқтира олиши керак. Ва жамиятда бирор мавқега эга бўлмаган инсонни ҳеч қачон севиб қолмайдилар. Бунда биринчи томондан манфаат ётган бўлса, иккинчи томондан жамиятда бирор мавқега эга бўлган инсон албатта, ҳаминша катта мақсадлар томон интилиб яшайди, деган фикрда бўладилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Жадийлар молния ва пул борасида ҳаминша сирлидирлар. Дастлаб уларни оддийгина турмуш-

тарзи ҳам қониқтириши мумкин, ammo жамиятдаги мавқеи ошиб бориши билан улар ҳам тўқин-сочин ҳаётни нистаб қоладилар ва бунга эришиш учун шундай фаол ҳаракат бошлайдиларки, гўё улар ўзлари учун омад эшиклари энди очилди, деб ҳисоблайдилар.

Жадийлар ҳаддан зиёд тежамкор одамлардир. Ҳийи-кулги ва шахсий эҳтиёжлар, зиёфатлар учун кам пул сарфлайдилар. Ҳатто, беҳисоб бойликка эга бўлганларида ҳам пулни тежаб ишлатадилар. Жадийлар орасида бой инсонларни учратиш жуда қийин, чунки улар бойликларини кўз-кўз қилмайдилар. Улардаги энг яхши фазилат эса жадий буржи инсонлари ҳисобларидаги сармояларни фарзандларининг таълим-тарбиясига сарф қилишини маъқул деб биладилар. Улар бойликлари билан эмас, яхши тарбия берган фарзандлари билан ғурурланадилар.

Жадийлар пул топишга астойдил киришадилар, чунки бу уларнинг имкониятлари ва мақсадларини амалга ошириш учун ҳам ниҳоятда зарурдир.

КАСБТАНЛАШ. Жадийларда табиатан биринчи бўлиш ҳисси доимо устун туради. Улар аниқ мақсадга интиладиган инсонлар бўлганлиги учун пул ҳам шунга монанд тарзда унга керак бўлиши ҳақида ўйлаши лозим.

Жадийлар ўз севган ишлари билан шуғулланишлари керак, чунки фаолияти давомида ижобий ҳиссиётлар чўнтагига оқиб келадиган пулларни жалб этади. Қувонч бахш этмайдиган, ўзи севмаган иш унга умидсизлик, кўнгил совинишдан ташқари ҳеч нарса бера олмайди.

Жадий буржида туғилганлар — кўнгилнинг одами. Ва улар кўпинча бадний ижод билан машғул бўладилар. Аниқ соҳада фаолият олиб борадиган жадий буржи вакилларининг ҳам ижодга мойиллиги сезилади. Чунки улар жуда кўп ўқийдилар ва жуда кўн ўйлайдилар.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Ҳеч қайси бурж вакиллари жадийларчалик романтик туш кўриш қобилиятига эга эмас. Дарвоқе, туш кўриш ҳам қобилият деб ҳисоблайдиган мазкур бурж вакиллари тепалик, баландлик, тоғ-тошлар, зиналар... хуллас,

инсонни баланд поғонага олиб чиқишни ифодалайдиган ёки шундай белги берадиган нарсаларни мунтазам кўрадилар. Кўрган тушлари ҳақида эса мағрурланиб гапириб берадилар.

***БАХТ.** Ўз-ўзига ҳокимлик, ўзи учун ҳамма нарса бўлиши ва бутун борлигини ўзим-ла олиб юраман деб билмоқ бахтли бўлишнинг асосий тамалидир.*

ЭРКАК ЖАДИЙ БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Ташқи кўринишдан журъатсиз бўлиб кўринган жадий буржида туғилган эркаклар аслида жуда кучли инсонлардир. Бу айниқса, севги муносабатларида яққолроқ намоён бўладн. Жуда кўп ҳолларда уларни тушуниш қийин, улар кўнгилларини унма-мунчага очавермайдилар. Ўзлари ҳақида одамларнинг хушчақчақ, самимий, меҳрибон ва ҳоказо турли ижобий фазилатлар эгаси сифатидаги мақтов сўзларига ҳамиша муштоқдирлар. Жадий буржида туғилган эркаклар учун энг катта муаммо — ўз ҳис-туйғуларини тилда ифодалашдир. Бунини уларнинг кўрқоқликларига йўйиш нотўғри бўлади, чунки улар бу билан иккинчи томоннинг кўнглига озор стказиб қўяман деган доимий хавотирда бўладилар.

Жадий буржи эркаклари жуда кўп нарсаларга кечроқ эришадилар. Муваффақиятни ҳам жуда катта қийинчилик эвазига қўлга киритадилар. Бўлажак жуфтни ўзининг якуний ижобий хулосасига келмагунча танламайдилар. Улар танлаган аёл биринчи навбатда зебо, дид билан чиройли кийинадиган, ўзларига нисбатан меҳрибон ва албатта, яхши тарбияланган оила фарзанди бўлиши керак.

АЁЛ ЖАДИЙ БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Кўнглини топиш ниҳоятда қийин бўлган аёллар орасида жадий буржида туғилганлар кўпчиликини ташкил қилади. Журъатли, қийинчиликлардан кўрқмайдиган, бир оила ташвишини бемалол елкасига олиб, уни ҳимоя қила оладиган, эркаклардаги сусткашликни ҳазм қила олмайдиган бундай аёллар, айтиш мумкинки, ҳар қандай эркакнинг орзусидаги аёлдир.

Оиланинг ташвиш ва муаммоларини ҳеч қачон бир томоннинг ўзига юклаб қўймайди. Турмуш ўртоқлари билан баб-баравар

елкадош бўлиб хизмат қиладилар ва бундан ҳеч қачон нолимайдилар. Жадий буржида туғилган аёлларнинг ўз ҳаётларидан нолиб гапирганишларини ҳам ҳеч қачон эшитмайсиз.

Жадий буржи аёлларига кўпинча кучли аёл сифатида қарайдилар, бунинг ўзига яраша сабалари ҳам бор. Улар фақат ўз манфаатлари доирасида чекланиб қолмайдилар. Оғир вазиятлардан шунчалик устомонлик билан чиқиб кетадиларки, ўртада сик ҳам, кабоб ҳам куймайди. Одамлар улар ҳақида қандай ўйлашлари улар учун муҳим эмас, энг муҳими, мазкур бурж остида туғилган аёллар ўзлари ҳақида жуда тўғри хулосага кела оладилар: ўз камчиликларини, қандай яхши фазилат эгалари эканликларини жуда яхши биладилар.

Жадий аёллар *эркаклардаги* мардликни қадрлайдилар. Улар билан боғлиқ қандай воқеа содир бўлмасин вазиятдан осонлик билан чиқиб кетишга уринган ёки айбини беркитиш учун ялтоқланадиган эркакларни тан олмайдилар. Хатосини мардлик билан тан олган эркак улар учун ҳақиқий инсон ҳамдир.



ДАЛВ — ҚОВҒА БУРЖИ
(21 январ – 19 феврал)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Фақат тақдирингга қариш борибгина сен ўз ҳаётингда баъзи нарсаларни қўлга киритасан”.

Уран сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Ҳаво.

Бахтли рақами — 4.

Астрологик рамзи — қовға.

Астрологик ранги — бинфишаранг, оч кўк ва кўк рангга йўлдош бўлган барча ранглар.

Ёқтирган ва уларга ҳамшира йўлдош бўлган тошлар — ёқут, аметист (сафсар ёки кўкиш рангли қимматбаҳо тош).

— Мен ўз аёлига яхши кўришини сўнгги марта қачон айтганини эслолмайдиган одамни танийман. Хотини қилаётган хизмати учун унга сўнгги бор қачон миннатдорчилик билдиргани ҳам, ҳатто унинг ёдида йўқ. Бу киши ўзини жуда кучлиман деб ҳисоблайди, лекин ўзининг ёстиқдошига севишини айтишига ҳам жасорати етмайди. Шундай ҳолатни тасаввур эта оласизми?

Йигит дасглаб унинг бу гапларидан гангираб қолди. Чунки бу одам унга айнан унинг ўзи ҳақида гапириб бераётгандек эди. Айни пайтда эса аёли билан ўрталарида тез-тез келишмовчиликлар бўлиб тураётган ва ҳар иккаласи ҳам азсрашини ҳақида тинмай ўйлаётган эдилар.

— ...Балки унга ҳар замонда бу ҳақда эслатиб туриш керакдир. Бировдан раҳмат эшитиш ёхуд кимдир сени севишини айтганини билиш нақадар муҳимлигига шионмайсиз. Бу инсон табиати бўлагидир, ҳар бир инсон уни қадрлашларини сезиши керак.

Унинг гаплари йигитга айрим нарсаларни эслатгандек бўлди. У шундай ҳикоя қилади:

— Яхши кўришти ўрганиш учун аввало муомалани ўрганиш керак, мен эса мутлақо тўғри бажаролмасдим. Ўз муаммоларимни ичимда сақлардим ва биров билан ҳисеиётларимни кам бўлишардим.

Кулардан бир куни хотинимга уни яхши кўришимни айтмоқчи бўлдим. Сўнгги бор унга бундай сўзларни қачон айтганимни, ҳатто эслолмадим ҳам. Бир печа бор айтиши учун оғиз эсуфтладим-у, лекин нима учундир эсуръатим етмади. Охир-оқибатда бор кучимни йиғдим-да, “Сени севаман”, дея тезда айтиб юбордим. Хотиним худди биринчи бор кўраётгандек менга қаттиқ тикилиб қолди. У шунчалар дол қолгандики, ҳатто гапирган гапимни такрорлашимни сўради. Бу сафар енгилроқ кўчди. Унинг кўзлари ёшга тўлиб, мени қучиб олди ва: “Мен ҳам сени севаман”, деди.

Бу шунчалар ёқимли эдики, ўзимдаги ўша пайтtdаги ҳолатни нил билан таърифлаб беролмайман...

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Табиатан жуда хотиржам бўлган даль буржи соҳиблари аслида жуда удлабурон инсонлардир. Кўпинча улардаги хотиржамликни дангасаликка йўйишади, аслида эса бундай эмас. Улар масъулиятли вазифаларни бемалол зиммаларига оладилар ва ишни иштиқ билан бажарадилар.

Мазкур бурж остида туғилган инсонлар табиатан кенг дунёқарашга эгадирлар, мутолаани яхши кўрадилар, фалсафий ва инсон руҳияти билан боғлиқ китобларни, шу мазмундаги филмларни мароқ билан томоша қиладилар. Шунинг учун уларни инсон руҳиятининг билимдони дейишимиз мумкин. Далвлар бир марта гаплашган одамлари ҳақида ҳаққоний ва тўғри хулосага кела оладилар.

Одамларнинг жиғига тегинши, ҳазил-мутойибани жон-дилдан яхши кўрадилар. Далв буржи инсонлари ҳаммадан кўпроқ ўзлари, ўзларининг орзулари ҳақида ўйлайдилар.

Кун келиб бирор ишлари юришмай қолган тақдирда эса дарров айбни ўзларидан қидира бошлайдилар: кимни порози қилдим? ёки кимнинг кўнглини оғритдим? Кўпинча оила аъзоларига

нисбатан адолатсизлик қилдим, деб ўйлайдилар ва бундай руҳий азобдан сўнг бошқача инсонга айланиб қоладилар: атрофдагилар эса ҳайрон: у нега бирдан ўзгариб қолди? Аммо бу ўзгариш узоқ давом этмайди. Ишга кўмилиб кетган Далвлар яна ҳаммасини унутадилар.

Шунинг учун улар билан боғлиқ бошқа тасодифий ҳолатларга ҳам доимо тайёр туриш керак.

Далвларнинг ҳаётида шундай воқеалар ҳам бўлиб турадики, улар бирдан ёлғизликни қўмсаб қоладилар. Жуда кўпчилик одамлардаги хушомадгўйликни ҳеч қачон қабул қила олмайдилар ва бу айблари учун уларни очиқдан-очиқ ҳақорат қилишдан ҳам қайтмайдилар. Шунинг учун ҳам далв буржида туғилган инсонлар ҳақида кўпчиликнинг фикри ижобий бўлмайди. Уларнинг дўстлари сони ҳам анча кам.

Агар бурж вакиллари кимгадир нисбатан қалбларидан қаттиқ ишонч пайдо қила олдиларми тамом — уларнинг фикрини ҳеч нарса билан ўзгартириб бўлмайди. Асосан ақлий фаолият билан машғул бўлган Далвлар сизнинг яқин кимингиздир бўлишса, улардан хафа бўлишга шошилманг. Улар ўзлари ҳақида қанчалик кўп ўйламасинлар, барибир ҳаммасидан кўпроқ сизнинг бахтингиз ҳақида ўйлайдилар.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Қавслар бирор нарсани қаттиқ хоҳлаб қолдиларми, бу ишнинг охири нима билан якун топишидан қатъи назар уни амалга оширмагунларича тинчимайдилар ва шу ишлари билан бошқаларга озор етказиб қўядилар. Уларни ўз фикрларидан қайтариш мушкул.

Далвлар ҳаёт ҳақида, келажак ҳақида одамнинг жонига тегиб кетар даражада кўп гапирадилар, энг ёмон томони эса ҳар доим бир хил гапни такрорлайдилар.

Далвлар мақсадга эришиш йўлларини жуда яхши биладилар, ҳаракатлари ҳам ёмон эмас, аммо уларда мақсад ҳеч қачон аниқ бўлмайди.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.

Далв+Далв = муносабатлар ҳамниша яхши, аммо бу уларнинг бир-бирлари билан дўст эканликларини билдирмайди.

Далв+Хут = муросага келолмайдилар, бир-бирларига нисбатан шафқатсиз муносабатлари ҳеч қачон яхшилик билан яқун топмайди.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Икки инсон учрашиб, бири иккинчисида ўзини кўриб, бир-бирларини англаб, бир-бирларини севаркан — бу аломат ҳодиса, эҳтимолки, дунёдаги энг катта мўъжизадир. Далвлар шундай мўъжиза юз бермагунча муҳаббатга ишонмайдилар. Аслида, уларнинг бошқаларга нисбатан яқинликлари тушунарсиз: у дўстликка ҳам ўхшаб кетади, муҳаббатга ҳам. Ушбу бурж остида туғилган инсонлар билан турмуш қуришнинг шундай яхши томонлари борки, улар ҳар қандай шароитда ҳам тушқунликка тушмайдилар, нолимайдилар.

Эркак далв буржи соҳиблари ҳам, аёл далв буржи соҳиблари ҳам ҳаётда ўзлари учун фақат турмуш ўртоқларини фақат жуфтлик учун эмас, балки энг яқин дўст бўла олиш қобилиятларига қараб танлайдилар. Бу бурж соҳиблари болалари учун ҳамниша севимлидирлар: чунки улар тинглай оладилар.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Далвлар учун пул – мақсадлари йўлида восита, ҳолос. Улар молния ва иқтисод борасида манфаатини биринчи ўринга қўймайдилар ва шундай одамлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар. Далвларнинг назарида иқтисодий фаолиятни шунчаки олиб бориш эмас, уни санъат даражасига олиб чиқиш керак, шундагина у ҳам сенга ўз сирларини очади.

Далв буржи инсонлари ҳам бошқалар қатори пулга эҳтиёж сезадилар, фақат уларга пул шу соҳа билан боғлиқ гоёларини амалга ошириш ва ҳаётини эҳтиёжларини қондириш учун керак. Шунинг учун бадавлат инсонлар қаторида далв буржида туғилган инсонлар кўпда учрамайди. Тадбиркор далвлар эса чин дилдан ҳомийлик кўрсатиши мумкин.

КАСБ ТАНЛАШ. Далв буржида туғилганларнинг кўпчилигида ижод қилпшга мойиллик бор. Улар ҳеч бир ишни шунчаки қилмайдилар, ҳар бир ишга алоҳида масъулият билан ёндашдилар ва ҳар бир ишни санъат даражасига олиб чиқиш мумкин.

деб ҳисоблайдилар. Улар кўпинча тиббиёт соҳасида катта муваффақиятга эришадилар. Кашфиётчилик қобилиятига эга Далвлар учун эътибор ниҳоятда зарур.

Мазкур бурж остида туғилганлар болаликдан ўзларининг қобилиятлари билан кўпчиликнинг эътиборига тушади, фақат шу истисдодни шакллантириш, вақтида қадрлаш керак. Агар уларга шундай муносабат кўрсатилса, Далвлар буюк келажагига қониқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Улар жуда кам ухлайдилар, асосий вақтларини ўқишга, ўрганишга сарфлайдилар. Чарчаган одам туш кўрмайди, деган гапни эса Далвларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Улар кўпинча тушларида ўлим билан боғлиқ ҳолатларни кўп кўрадилар. Бу тушнинг таъбирини унда кўрилган воқеа билан изоҳланса, аслида қўрқинчли ҳеч нарса йўқ. Аммо Далвларнинг ўзлари бу тушларини умрнинг қисқа эканлиги, яшаб қолишга, ҳаётда бирор мақсаднингга эришишга шошилиш кераклигига бир ишора деб билладилар.

БАХТ. Бир кун оқишом кўзгу қаршида лабнинг чеккасини буриштирган ақисининг чуқурлашганини пайқаб қоласиз. Бу нима? Бу бахт учун курашининг натижасидир.

ЭРКАК ДАЛВ БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Фурурларини ҳамиша баланд кўядиган далв буржи эркаклари ҳаётни севадилар. Унинг барча туҳфаларидан баҳраманд бўлиб яшашга шошиладилар ва сизни ҳам шунга даъват қиладилар.

Далвлар бошқалардан фарқли ўлароқ бадавлатлик ва фақирликни, муваффақият ва омадсизликни, висол ва айрилиқни, хуллас, ҳаётнинг барча-барча синовларини бошларидан кечирадилар. Ва ҳар қандай қийинчиликни мардонавор снгиб ўтадилар.

Далв буржида туғилган эркаклар ҳар бир инсонни алоҳида-алоҳида фазилатларига қараб ҳурмат қиладилар ва ҳар бир инсонда ўзига хосликни кўра оладилар.

Дастлаб улар ташқин кўринишлари билан юмшоқ табиатли бўлиб кўринсалар-да, аслида бундай эмас. Чунки улар анчагина ўжар ҳамдирлар, аёлларидан баъзида жуда кўп нарсани талаб қилиб юборадилар.

Далв буржи эркакларни аёлларининг ўзлари билан муроса қилиб ўтиришларини ҳазм қилолмайдилар ва бунга йўл ҳам кўймайдилар. Буни *аёллар* ўзларининг фаҳм-фаросатлари билан тушунишлари керак, деб ҳисоблайдилар. Агар турмуш ўртоғи уни вақтида тушуниб, айтган сўзларини вақтида бажарсалар, уларни бир умр бошларида кўтариб юрадилар.

АЁЛ ДАЛВ БУРЖИ СОҶИБАЛАРИ. Далв буржида туғилган аёллар эрларини қанчалик ҳурмат қилиб яхши кўрмасинлар, улар томонидан талаб қилинадиган қаттиқ тартиб-интизомга чндай олмайдилар. Табиатан жуда эркатой бўлган бундай аёллар бир кун келиб ўзларининг бу ишлари билан турмуш ўртоқларининг ғазабига дучор бўлиш ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Агар борди-ю мазкур ҳолат юз бергудек бўлса, шундай жаҳл отига минадиларки, уларни танимай қолишингиз ҳеч гап эмас.

Далв буржи аёлларини кўпроқ эркакларнинг обрў-мартабасидан кўра, ташқи кўринишлари — ўктамлиги, гап-сўзларининг маънодорлиги қизиқтиради. Улар кимнидир ўз тақдирига шерикчиликка танласалар, бўлажак жуфтларига олдиндан ўзларига нисбатан садоқатли бўлиш шартини қўядилар.

Мазкур бурж остида туғилган аёллар ҳар қандай шаронгга осонлик билан мослашиб кета оладилар ва ҳиссиётга берилувчан эмаслар. Улар сизга шунчалик ишонч билдирадиларки, ўзингиз ҳар бир хатти-ҳаракатингизни қандай қилиб бошқараётганингизни билмай қоласиз.

Далв буржи аёллари *эркаклардаги* аёллар кўнглига йўл топа олиш фазилатини қадрлайдилар. Ва ўз турмуш ўртоқларини шундай хиелатига қараб қаттиқ ҳурмат қиладилар.



ҲУТ — БАЛИҚ БУРЖИ
(20 феврал – 20 март)



Уларнинг ҳаётдаги шиори: “Инсон ўзини қандай тасаввур қилганидек эмас, балки ўзининг қандай бўлишини хоҳлаганидек мавжуд”.

Нептун сайёраси ҳукмронлиги остида.

Унсури — Сув.

Бахтли рақами — 7.

Астрологик рамзи — балиқ.

Астрологик ранги — қизил-бинафшаранг, кўк ва денгиз тўлқин-рангини эслатувчи мовий ранг.

Ёқтирган ва уларга ҳамиша йўлдош бўлган тошлар — зумрад, аметист (сафсар ёки кўкиш рангли қимматбаҳо тош).

Фолбин унинг олдига бир иечта кўзгуларни жамлаб қўйди-да, унга қарашни буюрди. Қиз ойналарнинг ҳар бирида ўз аксини кўрарди. Бу қийишқ ва аксини ўзгартириб кўрсатувчи “кулгу” хонасида кўриши мумкин бўлган кўзгуларга ўхшарди ва қиз унда ўзининг аксини аранг таниди. Бирида унинг боши анча катта, бошқасида эса қулоқларининг бейрашиқлигидан бсихтиёр кулиб юборди. Ўзини ниҳоятда семиз кўрсатувчи ойнага тикилганда эса бақириб кулиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Буларнинг қайси бири сизеиз? — сўради фолбин аёл.

— Ҳеч қайсиси! — қатъий гапирди қиз.

— Нега, ахир уларнинг ҳар бирида сизнинг ташқи кўришишигиз акс этган-ку? — эътироз билдирди фолбин.

— Тўғри, лекин улар менинг кўришишимни тўғри акслантира олмайди.

— Тўғри, лекин ўз аксингизни ҳеч қачон кўришига муяссар бўлмаганингизда нима бўларди? Сиз тан олмаётган бу кўзгуларга қараб даҳшатга тушармидингиз? Бахтиингизга илгари

Ўзингини оддий кўзгуда кўрганингиз боис, жисмонан таниқи кўришинингиз сизга яхши маълум. Лекин қачон бўлса-да руҳий жиҳатдан қандай кўришинингизни асл қиёфада кўришга муваффақ бўлганмисиз? Биласизми, жисмоний қиёфамизни акс эттирувчи кўзгулар мавжуд бўлса ҳам, руҳий нуқтаи назардан қандай кўришидалигимизни кўрсатувчи ойналар йўқ. Бунинг ўрнига атрофдагилар хатти-ҳаракатига суянамиз ва улар асосида ички томондан қандайлигимизни белгилаймиз. Агар кишилар сизни худбин десалар, сиз худбинлигингизга ишонасиз. Мабодо кимдир сизни аҳмоқ дея айбласа, бунга ҳам ишонасиз. Ҳа, одамлар биз учун ойна ҳисобланадилар, лекин улар қийшиқ ойналардир. Улар сиз тўғриингиздаги тасаввурларни кўрсатишга мойилдирлар. Одамлар душманона ёки нохуш кайфиятда бўлган чоғда, улар шафқатсиз ва золимон фикр билдираётганларида, улар сўзлари асло сизнинг эмас, балки ўзларининг беҳаловат қалбларининг акси ҳисобланади.

УМУМИЙ ТАЪРИФ. Ишлаб ҳеч қачон чарчамайдиган ҳут буржи вакилларига шундай куч-қувват табиат томонидан ато этилган энг олий неъматдир. Мазкур бурж вакилларига омад эшикларни ҳамниша очиқ бўлади, чунки унгача бўлган йўлни Ҳутлар жуда катта машаққат ва сабр билан енгиб ўтган бўладилар. Улар атрофларида юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан аҳамиятсиз эмаслар. Ва ҳар қандай имкониятни ўз фойдаларига ҳал қилишни моҳирлик билан удалайдилар. Ҳутларнинг энг катта бойликлари — хотира кучининг юқорилигидир: улар ўзларига керак бўлган нарсалар, одамлар, телефон қўнғироқларни, қўйингки, ўзларига яхшилик олиб келадиган ҳамма нарсани қойилмақом тарзда ёдларида сақлаб қоладилар, улар учун майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ.

Ҳут буржида туғилган инсонлар ҳар қандай одам билан тезда мулоқотга киришиб кетадилар, улфатчиликни яхши кўрадилар. Ўз тенгдошларидан устун бўлиш ҳисси билан яшайдилар, бунга эришадилар ҳам. Уларни ҳеч қачон нохуш кайфиятда

кўрмайсиз ва сизда бундай инсоннинг ташвиши йўқмикан, деган фикр пайдо бўлади.

Баъзида Ҳутларнинг ўз куч ва имкониятларига шубҳа билан қараш ҳоллари ҳам кузатилади. Аммо улар ўзлари ўйлаганларидан ҳам донороқ ва кучлироқдирлар.

Агарда улар бирор бир жамоага етакчилик қилаётган бўлсалар, бундай жамоа фаолиятига фақат ва фақат ҳавас қилиш мумкин. Чунки нш фаолиятда ҳар бир ходимга индивидуал ёндашадилар, ишга садоқат билан ёндашадиганларга эса алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатадилар. Яхши ходимларнинг фикри улар учун ҳамниша муҳим ва улар томонидан билдирилаётган таклифларни ҳам бажонидил қабул қиладилар.

Бошқаларда ҳуш таассурот қолдира олиш қобилиятига эга бўлган ҳут буржи инсонлари ўз муваффақиятларининг гаровини ҳам худди шу фазилатларида деб биладилар. Улар шу қадар тегран ва айбона фикрлайдиларки, беихтиёр сизда бурж вакиллари ҳақида ёқпмли таассурот пайдо бўлади. Аслида ҳам шундай.

Бир сўз билан айтганда, ҳут буржи инсонлари замонанинг энг доно ва интеллектуал салоҳияти юксак бўлган, ўз тенгдошларидан ўн йилча олдинлаб фикрлайдиган, мақсадлари аниқ ва пухта, одамлар билан бўладиган мураккаб вазиятлардан осонлик билан чиқиб кета оладиган, шунинг баробарида ўзига ёқмайдиган инсонларга ҳам ширинсўзлик билан муомалада бўлишади. Айни пайтда уларни лақиллатиб кета оладиган, энг муҳими, буржлар орасида ўзининг мураккаб феъл-атвориغا эга инсонлар сифатида таърифлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

САЛБИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ. Уларга ҳар доим нимадир етишмайдн, бу тақчиллик уларга тинчлик ҳам бермайди.

Ҳут буржи инсонлари ўзларининг реал ҳаётларидан шу даражада узоқлашиб кетганларки, буни уларнинг ўзларига айтсангиз, энсасини қотириб қўя қоладилар. Ҳут буржи инсонлари қачонки ўтаётган ҳар бир кунидан мамнун бўлсалар, ўшандагина хотиржам бўладилар, ўшандагина ўз ҳаётларидан рози бўладилар, акс ҳолда эса улардаги аслида унча катта бўлмаган ташвиш бошқаларни ҳам чарчатиб юборади. Улар кучсиз ва ҳинмой-

га муҳтож бўлган тақдирларида бошқалардан ёрдам кутмайдилар, ёнига келган одамларни эса ўзларидан нари итарадилар.

БОШҚА БУРЖ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИ.
 Ҳут+Ҳут = бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қиладилар.

МУҲАББАТ ВА ОИЛА. Муҳаббатни ўз ҳаётлари учун зарур деб билсалар-да, унга нисбатан садоқатли эмаслар. Ҳатто муҳаббатдан манфаатдорлик ҳисси фақат ҳут буржи эгаларига хосдир. Бу фақат моддийлик билан боғлиқ эмас. Уларга ҳаммаша ўзларининг камчиликларини тўлдириб юрадиган жуфт зарур.

Ҳут буржи инсонлари севиб қолишни шунинг учун ҳам унчалик хоҳламайдиларки, бу бевосита уларнинг эркинликларини бўғиб қўйиши мумкин. Эркинлик улар учун муҳаббатдан устун туйғу. Агар Ҳутлар севиб қолган инсон уларнинг фазилатларини ҳурмат қилишиб, уларни муваффақият сари илҳомлантира олсалар бундай жуфтлик билан идеал оила қура оладилар. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам ўзининг шундай турмуш ўртоғи борлигидан ғурурланиб яшайдилар.

Фарзанд — Ҳут буржи инсонлари ҳаётининг ҳақиқий маънодаги гултоғидир. Улар ўз болаларини фақат ва фақат ўзларига ўхшашларини истайдилар ва бу йўлда талабчанликни бир зумга бўлсин ёдларидан кўтармайдилар. Кўпинча одамлар орасида тарбияли фарзандлар деганда ҳам отаси ёки онаси ҳут буржида туғилган инсонларнинг фарзандлари назарда тутилади.

БОЙЛИК ВА ПУЛ. Улар бойлик тўплаш борасида жуда моҳирдирлар ва ўзларидаги мавжуд имкониятларга юқори баҳо бериб фақат ҳокимият томон талпинадилар. Шуниси ҳам борки, улар пулга жуда хасисдирлар. Кўп пул уларни саросимага солиб қўяди.

Ҳут буржи инсонлари сизнинг кўз олдингизда пуллар ҳақида зиғирча тасаввурга эга бўлмаган инсон сифатида гавдаланадилар. Чунки ушбу бурж эгалари туганмас хазинага эга бўла туриб бунга ҳис қилмасликлари ёки аксинча ҳамма нарсалари бўлса-да, ўзларини деярли қашшоқ деб ҳисоблашлари мумкин. Пул олди-берди борасида уларни лақиллатиб бўлмайди.

Улар бошқа тадбиркор кишиларни доҳиёна ғоялари билан бой-итиб, миллионлар топишига сабабчи бўладиган инсонлар ҳамдир.

Матбуот нашрларини чоп этиш ва шу соҳада хизмат кўрсатиш, шаҳар ташқарисидаги меҳмонхоналар барпо этиш, чет элликлар ва хориж валютаси билан ишлаш, реклама агентликлари, сайёҳлик бюроси, қўйингки, жамиятнинг энг етакчи соҳаларида фаолиятлари давомида қамиша муваффақият қозонадилар.

КАСБ ТАНЛАШ. Агарда туғилган ой санаси ҳам стакчиллик моҳиятини англатса, аксарият Ҳутлар турли лавозимда бошчилик қиладилар. Ва кўпда уларга бу омад жуда билимли инсонлар бўлганликларидан эмас, балки жамоани бошқара олиш қобилиятининг мавжудлиги, одамлар билан мулоқотга осонгина киришиб кета олишлари, ишнинг кўзини билишлари ва энг муҳими, керакли ходимларни ўз атрофига жамлаб фаолият олиб бора олганликлари учун ҳам насиб қилади. Улар ҳарбий соҳада ҳам муваффақият қозонишлари мумкин. Жамиятда бирор бир мавқе-га эга бўлиш учун эса улар энг яхшиси ўзлари севган касб билан машғул бўлишлари керак.

ҚАНДАЙ ТУШ КЎРАДИЛАР? Улар ҳаётларида бўладиган воқеа-ҳодисаларни олдиндан кўра олиш қобилиятига эга инсонлардир. Эртанги кун учрашувида Ҳутларни нима кутяпти — бу уларнинг тушларида яққол намоён бўлади. Ҳар нарсага реал қарайдиган мазкур бурж вакиллари тушларида содир бўладиган воқеа-ҳодисалардан ҳам тўғри хулоса чиқариб, эртанги кунларида қилинадиган ишларни шу асосда рсжалаштирадилар. Кўпчилик тушга ишонувчанларни иримчи деб атайди. Аммо ҳут буржи инсонлари бундан мустасно. Улар иримчи эмас, аммо кўраётган тушлари уларни нимадандир огоҳ қилиб туришига қаттиқ ишонадилар. Ахир, Худо инсонга туш кўра олиш фазилатини бекорга бермаган-ку! Ҳутлар худди шундай фикрдалар.

БАХТ. *Бахт сен уни кутмаганингда келади.*

ЭРКАК ҲУТ БУРЖИ СОҲИБЛАРИ. Бировларнинг шахснй ҳаётларига аралашмайдиган ва ўзларининг ҳам шахснй ҳаётларига аралашншларини истамайдиган ҳут буржи эркаклари

эркакларга хос мардлик фазилатларини қилаётган ишлари орқали намoш этишни маъқул деб биладилар. Дангалчи, каттакатта ишларга ҳам таваккалчилик билан қўл урадиган Хутлар бу ишлари билан донмо муваффақият қозонадилар. Чунки уларда келажакни олдиндан кўра олиш қобилияти ниҳоятда кучли. Қилаётган ишларига нисбатан ҳеч қачон шунчаки муносабатда бўлмайдилар, чин кўнгилдан қилинган ишгина муваффақият олиб келади деб ҳисоблайдилар. Улар омадсиз инсонлар эмас. Муваффақиятларга қийинчилик билан эришганликлари боис ҳам ҳар бир куннинг қадрига етиб яшайдилар. Ҳар бир кунидан янги нарса ўрганадилар. Бундай эркаклар жуда катта орзулар билан яшайдиган, ўзларини шунчаки ҳаёт қониқтирмайдиган аёлларнинг орзусидаги эркаклардир.

Ҳут буржи эркаклари ҳар бир кунидан мамнун яшайдиган аёлларни қаттиқ ҳурмат қиладилар. Агар аёл кишига Худо бирор бир истеъдод бахш этдими, уни юзага чиқариш керак, деб ҳисоблайдилар. Оилавий майда-чуйда ташвишларни писанд қилмай, мақсадни сари интиладиган оптимист аёллар уларнинг орзусидаги аёлдир ва улар худди шундай жуфтга муҳтождирлар.

АЁЛ ҲУТ БУРЖИ СОҲИБАЛАРИ. Ҳут буржи аёллари ниҳоятда кўркам ва бир қарашда кишининг диққатини ўзларига жалб этадилар. Кўпинча бундай аёллар ҳақида истараси иссиқ деган жумлани қўллайдилар. Улар ҳимояга унчалик муҳтож эмаслар, донмо кўтаринки кайфиятда юрадилар.

Ҳут буржи аёллари қўполликни ёқтирмайдилар. Ҳар қандай вазиятни ҳам юмшатиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Улар жуда кўп нарсалар ҳақида орзу қиладилар, аммо кимдир бу борада уларга ёрдам қўлини чўзиши керак бўлади.

Кўнгиллари жуда нозик бўлган ҳут буржи аёллари учун обрў-мартаба унчалик аҳамиятга эга эмас. Улар жуда тор доирада фикрлаганликлари учун ҳам, ҳаммада бўлгани каби рисоладаги тинчгина ҳаёт тарзи уларни қониқтиради. Фақат чиройли кийиниб, ўзларига оро бериб ва атрофидагилардан ўзларининг гўзал эканликлари ҳақида эътирофни эшитиб турсалар бас. Уларга шунинг ўзи кифоя қилади.

Фарзанд тарбиясида эса доимо хавотирда яшайдилар. Улар болаларни жуда севадилар ва уларни ортиқ эркалиб юборма-япманми деган ҳадикда юрадилар. Ва турмуш ўртоқларига болалари учун вақт ажратиш кераклигини такрорлашдан чарчамайдилар.

ТУҒИЛГАН САНАНГИЗ МОҲИЯТИ

ёхуд рақамлар тақдирдан сўзлайди

Бизнинг ҳаётимиз, турмуш тарзимиз, умуман, атрофимизни ўраб турган муҳит доимо жумбоқларга бой эканлигини ҳамма вақт ҳам англайвермаймиз. Қандай жумбоқлар, деса ҳайрон бўлишингиз мумкин.

Яхшиси, сизга бир сирни очайлик. Сиз одамларнинг, хусусан, ўзингизнинг тақдирингиз рақамларга боғлиқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Балки бу ҳақда ўқиганингиз ҳам бордир.

Амрикалик машҳур ёзувчи Дэн Брауннинг “Да Винчи сирги” (таржимонлар М.Раҳимов, Б.Собиров) асарини ўқиганлар бордир орамизда. Мазкур асарда жуда кўп сирларнинг очилиши айнан рақамлар билан боғлиқлиги айтилиб, бу китобхонни таажжубга солади.

Ана шундай маълумотлардан бири сиз, азиз китобхонларимизда ҳам қизиқиш уйғотишига шубҳамиз йўқ. Хусусан, китобнинг бир ўрнида РНІ сони ва унинг хусусияти ҳақида сўз борали. Маълум бўлишича, РНІ сони 1,618 га тенг бўлиб, ушбу соннинг табиатнинг ҳамма ерида мавжуд бўлиши барча тирик мавжудотлар ўртасида ўзаро алоқа мавжудлигига ишорадир. Авваллари РНІ сони Худо томонидан белгилаб қўйилган, деб ҳисобланган. Қадимги олимлар 1,618 ни “илоҳий мутаносиблик” деб аташган.

Агар дунёдаги исталган ари уясидаги урғочи арилар сонини эркак арилар сонига бўлсангиз, ҳар доим бир хил натижа, яъни — 1,618 (РНІ) сони келиб чиқади. Маккажўхори сўтасининг спиралсимон ўралган барглари, ўсимликлар бандида баргларнинг жойлашуви, ҳашаротлар таналарининг бўғимсимон қисмлари — буларнинг бари тузилишига кўра, “илоҳий мутаносиблик” қонунига, яъни РНІ га асосланади.

Қуйидаги маълумот эса кўпчилик китобхонларимиз учун мутлақо янгилик, десак муболаға бўлмайди. Машҳур рассом Леонардо да Винчининг римлик буюк меъмор Маркус Витрувий

шарафига (Витрувий ўзининг “Меъморчилик ҳақида ўн китоб” асарида “илоҳий мутаносиблик” ҳақида ажойиб фикрлар келтирилган) бағишлаб чизилган расм тарихда анча машҳур бўлиб, у ўз ичига бир нечта маълумотларни жамлаганлиги билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур асар ўзида яширилган сирни билан ҳамон одамларда қизиқиш уйғотиб келади. Да Винчи ушбу суратда айлана ичида яланғоч эркакни тасвирлаган. Бундан инсон танаси тузилишини да Винчидек ҳеч ким яхши тушунмаган, деган хулоса келиб чиқади. У, ҳатто жасадларни ёриб кўрар, скелет суякларни мутаносиблигини ўрганар ва шу асосда инсон танаси “қурилиш блокларни”дан ташкил топганлиги ва улар ўртасидаги нисбат РНІ га тенг эканлигини исботлаган эди. Агар бу сўзларга шубҳа билан қарасангиз, елкангиздан бармоқларингиз учигача бўлган масофани ўлчанг, кейин уни тирсагингиздан бармоқларингиз учигача бўлган масофага бўлинг. Тағин РНІ. Сондан тиззагача бўлган қисмин тиззадан полга қадар бўлган масофага бўлинг — РНІ. Қўл бармоқлари суякларни, оёқ бармоқлари суякларни: такрор ва такрор — РНІ. Шундай қилиб, ер юзидаги жамки инсоният аҳли “илоҳий мутаносиблик”нинг тирик ва ёрқин мисolidир.

РНІ сонини кашф этган қадимги одамлар Худо олами яратишда ишлатган пойдевор тошини топишганга ишонишган ва табиатга сажда қила бошлаганлар. Бунинг сабабни тушуниш қийин эмас. Худонинг яратувчанлик маҳорати табиатда яққол намоён.

Шунингдек, РНІ ни меъморчилик асарларида ҳам учратиш мумкин. Масалан, ионларнинг машҳур Парфенон ибодатхонасида, Миср эҳромлари ва ҳаттоки БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи қурилишида ҳам РНІ учрайди. Моцарт сонаталарида, Бетховеннинг бешинчи симфонияси, Барток, Дебюсси ва Шубертнинг асарларида, Страдивари скрипкасида ҳам РНІ ни кўрса бўлади.

...Нумерология фанини ўрганишга астойдил бел боғлаган ва бунинг уддасидан чиққан танишларимдан бири шундай ҳикоя қилади: *“Дастлаб бу фанини ўрганишга иштиёқим йўқ эди. Кейин-*

чалик ҳар бир рақам ортидаги сир, унинг инсонлар ҳаётига боғлиқлиги, ҳар бир рақамнинг алоҳида аҳамиятга эгалиги, умуман, рақамларнинг инсонлар руҳий кечинмалари ва ҳис-туйғуларини ифода эта олиши меншиг уларга нисбатан қизиқишимни оширди". Эҳтимол, бу сўзларни инкор этувчилар ҳам топилар орамизда. Бошқалар билан баҳслашиш ниятимиз йўқ, чунки тақдирга ишонувчилар кўпчилиكنи ташкил қилади. Аммо бизнинг бу ҳақдаги фикрларимиз бироз бошқачароқ; одамзоднинг тақдирини қандай бўлиши унинг феъл-атворига ҳам шунчалик боғлиқдир, аслида. Шундай эмасми?

Ишонмасангиз, эътиборингизга ҳавола этилаётган китобда туғилган кун санагиз билан боғлиқ рақам ва ундаги хусусиятларни синчиклаб ўқинг. Имонимиз комилки, унда феъл-атворингизга оид берилган баъзи тавенфлар (албатта, ҳаммаси эмас!) сизга бегона бўлиб туюлмайдн.

Эътибор берган бўлсангиз, рақамлар 1 дан 9 гачани ташкил қилади. Агар сиз ҳар ойнинг 10 дан 31 кунлари орасидаги муддатда туғилган бўлсангиз, туғилган санагиздаги икки рақамни бир-бирига қўшасиз (масалан, ойнинг 16-санаида таваллуд топган бўлсангиз, $1+6=7$ ни ҳосил қиласиз ёки 19 рақамини кўрамиз: $19=1+9=10=1+0=1$ ва ҳоказо.

Хуллас, биз қўлингизга кўзгу тутқаздик. Ўз ички оламнингизга ташрифингиз, умид қиламизки, сизга ўзингизнинг янги дунёнингизни кашф этишингизга ёрдам беради.

1

Рақамларнинг асоси, пойдевори. У куч-қудрат рамзи бўлиб. "Ҳамма нарса менда ва мен ҳамма нарсада" ибораси айнан унга тўғри келади.

Бир Қуёш деб аталмиш каттакон оловли шар тимсоли бўлиб, унинг ҳомийлиги остидадир. Туғилган санаси бир рақами билан боғлиқ одамлар кўпинча ижодкор, кашфиётчи, табиатан эса мағрур, кучли ирода ва чидам соҳибн, шунингдек, жангари кишилар бўлишади. Қолаверса, уларнинг кўпчилиги ҳазил-мутойнабага мойил кишилардир. Ўрни келганда эса ўз ишига пухта ва айёр ҳамдир.

1 рақамининг ички эркинлиги, ҳатто зўравонлик, “*Мен ҳақиқат мезониман*” деган даъво чегарасигача боради. Улар чекловларни, айниқса, маслаҳат ва тавсияларни ёқтиришмайди. Бундай кишилар ҳақидаги биринчи тасаввурдан кейин уларнинг характерида заиф томонлар қорлигини пайқаш мумкин. Аммо аслида, бундай эмас, у ўзининг бошқалардан устун жиҳатлари борлигини яхши билади, ўзига юқори баҳо беради ва шунинг учун ҳам улар шуҳратпарастдир. Улар бошқаларга ўхшашни хоҳлашмайди, фикрлаш тарзи, тафаккури, юриш-туриши, умуман, бутун ҳаётни ўзига хос, бетакрор бўлишини исташади.

Интеллектуал салоҳияти ҳавас қилса арзигулик. Улар ўзига хос, сирли (махфий) муваффақият олиб келадиган янги ишлар билан машгул бўлишни яхши кўришади, аммо бу билим билан эмас, пул билан боғлиқ масаладир. Пул кўп нарсани ҳал қилади, деган фикрга ҳамиша содиқ қолишади.

Ушбу санада туғилганларнинг аксарияти ёлғиз меҳнат қилишади. Инжиқ табиатли бўлганлигидан раҳбарга ҳам, бўйсунувчига ҳам тоқатлари йўқ. Улар асосий нарсаларни аҳамиятсиз нарсалардан ажрата оладилар ва қайсиким ишга қўл уришмасин, охиригача стказишади ва муваффақият қозонадилар. Бундай инсонларга хос бўлган яна бир энг муҳим хусусият — бир вақтнинг ўзида жуда кўп нарсага эришишни исташларидир. Ҳатто қарашлари нотўғри бўлса-да, ўз фикрларида қатъий туриб олишади.

1 санада туғилган кишиларга таъсир кўрсатувчи бошқа рақамли омиллар — туғилган йили, жойи, оиласи, ҳафта кунни, дунёга келган вақти кабилар ҳам эътиборга олинмиши лозим.

Улар учун бахтли кунлар — якшанба ва душанбадир. Бахтли рақамлар — 10, 19, 28. Тошлардан олтин, сариқ ва шунга ёндош рангларни ёқтирадилар. Севимли гули кунгабоқар, чунки у қуёшнинг, Ҳаётнинг рамзи.

Одатда, ушбу рақам соҳиблари ўз касби, илм ва ижодда, қарбий соҳада юксак чўққига кўтарилишади. Улар нафақат ишда, балки оилада ҳам ҳукмронликка эришадилар. Никоҳлари камдан-кам ҳолатларда омадли ва бахтли бўлади. Бунинг боиси

шундаки, улар ўз ҳиссиётлари билан яшайдилар. Яқинларининг ўзига нисбатан бепарқлигини ҳазм қила олмайдилар, атрофидагиларнинг ўзига нисбатан ғамхўрлик қилишларини истайдилар. Мабодо уларга бундай муносабат кўрсатилмаса, совуққонлигича қолишади. Уларнинг ҳис-туйғулари қанчалик кучли бўлмасин, бу фақат ўзларининг фойдасига эканлигини унутмаслик керак. Ахир, 1 ягоналик туйғуси билан боғлиқ-да! Унинг жуфти ҳалолли кучли севги ёки тўла ғамхўрлик намоён этиши ёхуд уларга бўйсунини шарт.

Уларнинг саломатлик муаммолари, асосан, юрак билан боғлиқ, чунки инсон айнан шу аъзоси орқали севади, ижод қилади, ҳаётидан завқланади.

1 рақам соҳибларига кўнинеча илмий кашфиётлар, тадқиқотлар насиб этади. Қарор қабул қилиш, муваффақиятга эришини, қатъийлик кўрсатиши, танлаган йўлидан охиригача бориши уларга хос. Айни пайтда ўз иззат-нафсини қондиришини ҳам унутмайдилар.

Ниҳоят, бу рақам Ернинг биринчи фазогери буржларининг биринчи белгиси, деган тушунчалар ҳам мавжуд. 1912 йил 1 апрел куни “Титаник” кемасини синиши ниҳоясига етказилган.

2

Тунги ёриткич ҳимоясида. Бу рақам дилбарлик рамзи бўлиб, унга ой бир томондан ёруғлик таратса, иккинчи томондан зулматни яширади. 2 рақами қалб, ҳис-туйғу ва ҳаяжон рамзи ҳамдир.

Мазкур романтик рақам остида туғилганлар поэтик дидли, келинган, маданиятли кишилардир. Уларнинг ҳурматга сазовор жиҳати — одамларни бир қарашда фарқлайдилар ва уларга шунга қараб муомала қиладилар. Ҳамма билан ҳам дўст бўлиб кетавермай, ўзларининг оламга яқин бўлмаган одамларни нари итарадилар. Ирим-сиримларга мутлақо ишонилмайди, омадга ишонилмайди. Ушбу санада туғилганларнинг кўнинечилигида олдиндан кўриш, ҳис қилиш қобилияти бор.

Барча бошлаган ишларини қийинчилик билан бўлса-да охиригача етказадилар. Улар кучли интеллект, ақл-заковат, тасав-

вур эгалари ҳисобланишади. 2 рақами остида туғилганлар — “соядағи” стакчилардир. Қизиқишлари турлича бўлса-да, касбий, ижодий фаолиятда, севгида ақл-идроқ устунлигига эгадирлар. Агар уларга кимдир қачонлардир ёрдам қўлини чўзган бўлса, бу яхшиликни ҳеч қачон унутишмайди, кези келса ўзгаларнинг яхшилигини икки ҳисса қилиб қайтарадилар. Бундай бағрикенг, чидамли, ўзгалар дардига эътиборли кишилардан яхши шифокорлар, ёзувчилар, дипломатлар чиқади.

Улар фақат яқин инсонлари орасидагина ўзларини эркин ва бемалол тутадилар. Тўғри, 2 рақами соҳибларининг кўпчилиги шон-шухрат чўққисини забт этмайди, чунки рақобатчилик руҳи уларга хос эмас. Тинчлик, хотиржамликни афзал кўришади. Жисмоний жиҳатдан кучли бўлмайдилар — оғир, мажбурий меҳнатдан йироқ юришади. Лекин бир кун келиб “иккинчи скрипка” ролини бажариш жонларига тегса, ўзларидаги ортиқча камтарликни енгиб, дадил ҳаракатга ўтадилар. Шунинг учун уларнинг аксарияти чўққига кўтарилишни кеч бошлашади. Ҳа, улар ақлли, фаросатли, бироқ ўз ғоясини амалга оширишда журъатли, тиришқоқ эмас. Афсуски, бундай инсонларда ҳар доим ўз кучига бўлган ишонч етишмайди. Кўпинча тақдир уларга бахт ва омад имкониятини ато этса ҳам, мана шу ноқисликлари туфайли уларни қўлдан чиқариб қўйишади. Охир-оқибатда “нима қилсам экан?” деган савол олдида ожиз қолишади. Мушкул вазиятдан осонлик билан чиқиб кетолмай, тезкор қарор ҳам қабул қилолмайдилар. Улар барча нарсани борлигича қабул қиладилар. Бошқаларга яхши бўлиши учун ўз хотиржамлигидан ҳам кечадилар. Бундай инсонлар ҳақидаги ягона фикр шуки, улар умрлари давомида бошқалар билан эмас, *фиқат ва фақат ўзлари билан келишолмай яшайдилар.*

2 рақами остида туғилганларда ҳар доим пул бўлади, аммо пул улар учун унчалик катта аҳамиятга эга эмас. Аёл ёки эркак бўлишларидан қатъи назар, яқинлари олдидаги масъулиятини ҳеч қачон унутишмайди. Бундай одамларга турмушга чиққан ҳам, уйланган одам ҳам бахтлидир, чунки улар севганларига бутун

дунёнинг барча яхши нарсаларини ҳады қила оладилар. Садоқат ва меҳр кўрсатишда бундайларга тенг келадигани йўқ.

Шунингдек, йиғиндиси 2 рақами билан боғлиқ санада туғилганларнинг кўпчилиги кўнгилчап бўлиб, яқин инсонларининг руҳий ҳолатидан тез изтиробга тушадилар. Бошқалар уларнинг кўнглини оғритадиган бўлса, ўша одамдан хафагарчилиги узоқ вақт давом этмайди. Аксинча, нохуш ҳолатларда айбни кўпинча ўзларидан қидиришади. Бировдан гина ҳам сақламайдилар, бошқаларнинг унга ёмонлиги учун қасд ҳам олмайдилар.

Ҳафтанинг бахтли куни — душанба. Омадли рақамлар — 2 ва йиғиндиси 7, 9 га тенг бўлган сонлардир (16, 25, 18, 27). Севимли металлари — кумуш. Тошлари — марварид, зумрад. Ранглари — оқ ва ҳаворанг. Гуллардан сувда ўсувчи ҳамда тунда очилувчи гулларни яхши кўрадилар. Безовта қиладиган касалликлари — ошқозон ва овқат ҳазм қилиш йўллари, жигар.

Кураш бундай кишиларга завқ бағишлаши қийин. Агар ўзларини ишга, ижодга, ишққа, оила ва фарзандларига тўлиқ бахшида этишса, ўшанда кўнгиллари хотиржам тортади.

Шундай қилиб, ўзларига тинч ва шинам, яхши ташкил этилган дунё яратиб оладилар, ташвишлардан қочиб яшашни ёқтирадилар.

Мазкур санада таваллуд топганлар орасида буюк давлат арбоби Махатма Ганди ҳам бор.

3 Қандайдир воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ ва олдиндан айтиб бўлмас алоҳида рақам. Чунки биз уч ўлчамли бўшлиқда яшаймиз. Кўпгина халқларнинг эртақларида ҳам айнан шу рақам ишлатилади. Дунёда учта асосий дин бор. Қадимдан Ер сайёраси учта кит устида туради, деган ақида мавжуд бўлган ва ҳоказо. Уч рақами жангу жадал тимсоли, грекларда эса Уруш Худоси тимсоли маъносини англатади.

Эрамиздан аввалги V асрда яшаган Ион Хасский “Уч карра жанг” номли асарини “сеҳрли” рақамларга бағишлаган. Аниқроғи, пифагорчиларнинг “хосиятли” рақами бўлган уч сонига

бағишланган бу китобда айтилишича, “*Ҳалма нарса бу — учдир, учдан катта ёки кичик ҳеч нарса йўқ. Ҳар қандай мавъусудликнинг мукамаллиги муқаддас учлик — ақл, куч ва бахтдан иборатдир*”.

Сеҳр-жоду амалиётида жоду ҳисоби учдан бошланади. Кўз текканда касалликка қарши уч марта дуо ўқилади. Шундай экан, ушбу рақам вакиллари ҳаётни қувват соҳибларидирлар. Қийин шаронгларга қанчалнк чидамли, собит продалн бўлишларига қарамай, қарор қабул қилиш керак бўлган вазиятда ўзлари мустақил равишда бундай қилолмайдилар. Улар ўзларини, қилаётган ишларини таҳлил қилаётганда кўпроқ ўзлари томон ён босадилар, яъни айбни ўзларидан эмас, бошқалардан қидиришади. Бундай инсонлар ўз обрўларини доим сақлаб туришга жон-жаҳдлари билан ҳаракат қиладилар. Уларни хотиржам қилиб турувчи ягона таскин бор: “*Фақат мен бундай эмасман!*” Бундай табиатли одамларнинг жамоага бошлиқ бўлишлари мақсадга мувофиқ эмас. Улар учун моддий қизиқишлари ҳаминша биринчи ўринда туради.

Туғилган ой санаси 3 га тенг бўлган инсонлар табиатан жуда кўнгли нозик, гап кўтаролмайдиганлар тоифасидан. Таъсирчан бўлганликларидан ҳамма нарсани тез юрагига оладилар. Тақводор, урф-одатларни жуда қадрлайдилар.

Шунингдек, ушбу рақам соҳиблари кўпинча машҳур бўлишадн, уларга ҳасад қилувчи душманларн ҳам кўп. Бирданига бир нечта ишга киришиб, ҳаммасига улгура оладилар. Қизиқишларн турлича, ҳар хил соҳада фаолият юритишга доимо шай турадилар. Улар туғма раҳбар ва етакчи ҳамдир. Ҳаётда ҳам, севги ва ижодда ҳам фаол. Аёл ёки эркаклигидан қатъи назар сайр-саёҳат, спорт, айниқса, ҳарбий санъатни севадилар.

Ушбу санада туғилганларнинг бошқалардан фарқли ягона хусусияти — улар ташқи кўринишлари билан бошқаларда кўпинча тушкун кайфиятдаги одамдек тасаввур уйғотади, аммо аслида бундай эмас.

3 рақами соҳибларининг муаммоси — ҳаёти. Ушбу санада туғилган аёллар башанг кийиниб юрадиган, шуҳратпараст эр-

какларни ёқтиришади. Эркакларнинг ҳам аёлларга нисбатан талаблари катта. Табиатан жуда ўжар. Бирор масалада ноҳақ бўлишса-да, ўзларининг ҳақлигини жон-жаҳдлари билан исботлашга ҳаракат қилишади. Қилаётган ишларидан ҳеч қачон қониқшимайди, шу билан ҳар доим ўзларига муаммо туғдириб олаверадилар. Кўпинча уларни тушуниш қийин кечадди. Кайфиятларини тезда ўзгартира оладилар. Арзимас иш ёки воқеа ҳам кайфиятини тушириб юбориши мумкин. Шу билан бирга улар бундай кайфиятдан қандай чиқиб кетиш мумкинлигини ҳам яхши билишади. Умидсизликка узоқ вақт тушиб қолишмайди. Энг яхши томони, уларга чин дилдан дўст бўлган инсонларга беғараз, эвазига ҳеч нарса кутмасдан ғамхўрлик қила оладилар.

Шунингдек, туғилган санаси 3 рақами билан боғлиқ инсонлар ўзларига, ўзларининг кучларига шубҳа билан қарашмайди. Ҳаётдан завқ олиб яшашни, ҳаётнинг барча тухфаларини ўз фойдасига ҳал қилишни билишади. Ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз ҳаётларидан мамнуи бўла оладилар. Улар ҳеч қачон пулсиз қолишмайди ва ҳар қандай шароитга осонлик билан кўнгилиб кета оладилар.

Никоҳ ва севгида уларнинг эркинлигига ҳеч ким қарши чиқмаслиги керак. Фақат манфаатлари уйғун, шунингдек, сиёсат, шоу-бизнес ёки жамоат ишларидаги иштироки бир хил бўлсагина жуфти билан бахтли турмуш кечирishiлари мумкин. Кўпинча бундай одамларнинг никоҳи ҳисоб-китоб асосига қурилган бўлади.

Омад ёки омадсизлик, бойлик ёки камбағаллик, тантана ёки фожиа, хуллас, ҳар қандай шароитда ўз қарашларини ўзгартирмайдилар. Шахсий манфаати биринчи ўринда. Уларга ярақлаган Юинтер, яъни ҳокимият ва пул сайёраси ҳомийлик қилади. Яқин рақамлари — 12, 21. Омадли ҳафта кунин — пайшанба, гули — нилуфар, ранги — қизил, сиёҳранг. Умуман мос тушмайдиган рақамлари — 4, 13, 31.

Саломатлик масаласида улар асаб бузилишлари, тери муаммолари, бўғим ва ошқозон касалликларига дуч келадилар. Шунингдек, уларнинг баъзиларини ортиқча вазн қийнайдди. Агар

жиддий машаққатга дуч келсалар “отларни кечувда алмаштириб” кетаверишадн.

3 рақами соҳибларини кслажакка умид билан қаровчи кишилар бўлганн боне ҳам ҳурматга сазовор инсонлар дея эътироф этиш мумкин.

4 Галаба, муваффақият асоси. У ақл-заковат, донолик, барқарорлик, вазминлик рамзи ҳамдир. Ушбу санада туғилган одамлар ўта тушкун кайфиятдаги (пессимист) одамлар бўлишларига қарамай, бошқалардан ҳам маънан, ҳам энг сабрли, жисмонан бақувват эканликлари билан ажралиб турадилар. Ижодга мойил, ажойиб хаёлпараст бўлиб, муаммоли вазиятларда романтик дунёларидан паноҳ топадилар. Ўз ишига ва ҳаётига дахлдор одамларга нисбатан ўта талабчан. Ўзларига билдирилган ишончини тўла оқлайдилар. Агар рағбатлантириб турилса, бор куч ва имкониятларини янада ишларига бахшида эта оладилар. Шунингдек, бундай санада туғилганлар ҳиссиётга ўта берилувчан эканликларидан бошқаларнинг кайфияти уларнинг ҳам кайфиятига таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Шу боисдан бўлса керак, дам олиш кунларини хушчақчақ инсонлар даврасида ўтказишни маъқул кўришади.

Туғилган санаси 4 рақами билан боғлиқ инсонларнинг пессимистлигини асословчи яна бир жиҳат шуки, улар арззмаган ташвишдан ҳам изтиробга тушадилар. Тез қарор қабул қилдилар, аммо уларнинг бу қарорлари хурсанд кайфиятда эканликларида ўз кучини йўқотади. Мазкур санада туғилганларнинг кўпчилиги ўзига бино қўйган бўлиб, бу фазилат уларнинг ўзларига жуда катта баҳо беришлари ва ўзларига ишончлари самарасидир.

Яна бир жиҳати шуки, ушбу санада туғилганлар жуда иззатталаб ва эътиборталаб. Уларни салгина эътибор ҳаддан зиёд қувонтириши ёки аксинча, жиндек эътиборсизлик ҳам қаттиқ ранжитиши мумкин. Бунга қисқагина қилиб “*чипакам мяхрининг гадоси*” дея изоҳлаш мумкин.

Уларга Худо томонидан жуда катта истъдод берилган, аммо 4 санасида туғилганларнинг кўпчилиги табиатан жуда эринчоқ бўлганлигидан аксарият ҳолатларда истъдодларини юзага чиқаролмайдилар.

Ўзларига меҳр ва эътибор кўрсатган инсонларни қадрлайдилар. Бошқаларга нисбатан муносабатларида самимиятни яққол сезса бўлади ва ўздан ёрдам сўраганларга бегараз ёрдам кўрсата оладилар.

Ўта эҳтиёткор бўлганликлариданми ёки изтироб ва азоб чекишдан қўрққанлигиданми, бирор ншга қўл уришдан аввал минг бора ўйлайдилар. таваккалчилик уларга ёт.

4 санаси соҳиблари ота-оналари, яқинларинин, умуман, атрофидагиларини улар ким, қандай мавқега эга эканлигидан қатъи назар, қаттиқ ҳурмат қиладилар. Аммо шунга қарамай, уларни ҳар доим ҳам ҳақ деб ўйламайдилар ва шунинг учун ҳам кўпинча ўз билганича ниш тутадилар. Бошқалардан маслаҳат сўрашлари мумкин, аммо шу йўл-йўриқ бўйича тadbир юритишмайди. Уларни бошқалардан ажратиб турувчи жиҳат — ушбу санада туғилган қизлар онлада кўпроқ отасига, йиғитлар эса оналарига суянадилар.

Бундайларни табиатан жуда продали, деб бўлмайди. Уларга ўзлари ўйлаганидан яхшироқ бирор фикр айтилса, ўша фикрни қабул қилишлари қийин кечмайди. Кўнгиллари шу қадар нозикки, ўзларига нисбатан айтилган ҳазил гапдан ҳам маъно излайдилар ва ранжийдилар. Улар табиатан шунчалар ожизки, бундай табиатга эга инсонларни осонгина хафа қилиш мумкин.

Ҳаётларидаги ўйлаган ниятлари ўз-ўзидаги, ҳеч қийинчиликларсиз амалга ошишини исташади. Пуллари қанчалик кўп бўлса, янада кўп бўлишини хоҳлайдилар. Уларни ўраб турган ҳамма буюм ўзига хос, айни пайтда бошқаларникидан зўр бўлиши керак. Ўзларини тенгқурларидан устун кўришни хоҳлашадн ва ўзларини айнан мана шундай мавжудман, деб ҳисоблашади.

4 рақами соҳиблари ҳиссиётга ўта берилувчан бўлиб, еттинчи фалакда учиб юрадилар. Ҳақиқий ҳаёт тарзидан анча узилиб қолган, романтик ҳаёт билан яшашни афзал кўришади. Болалар-

ни яхши кўришади ва келажак тақдирини уларнинг бахтида, деб билладилар. Интеллектуал салоҳияти тенгдошларига қараганда анча устун. Ҳар доим биринчилар қаторида бўлишга интилиб, кўп ҳолларда бунга эришадилар ҳам. Улар, инсон пулсиз ҳам кўп нарсага эришиши мумкин, деб ҳисоблайдилар. Инсонлардаги билим олишга бўлган қизиқишни қадрлайдилар ва кўп ўқийдиган одамларни қаттиқ ҳурмат қиладилар.

Бундайлар ўйламай-нетмай турмуш қурадиганлар тонфасидан эмас. Умр йўлдоши танлаш масаласида жуда талабчан. Муҳими, улар танлаган инсон ҳар доим келажак ҳаётлари ҳақида қайғуриши керак. Агар шундай муносабат кўрсатилса, улар бутун ҳаётларини иккинчи яримларига бағишлай оладилар. Энг муҳими, жуфти уни маънан қониқтириши керак.

Улар учун бахтли кунлар чоршанба ва жума. Бахтли рақамлар — 4, 7, 11. Тошлардан фируза, марварид, ёқтирган ранги қизил ва оқ. Севимли гули — оқ атиргул.

Саломатлик масаласида уларни ошқозон касаллиги безовта қилади. Энг заиф жойлари суяк ва бўғимлар ҳисобланади. Хаёл-парастликлари бош огриши, руҳий томондан эзилишларига сабаб бўлади. Шунинг учун уларга хотиржамлик келтирувчи ишлар билан машғул бўлиш тавсия қилинади.

5 Бахт ва омад рамзи. Бу рақам остида туғилганлар жуда кучли сиёсатчидирлар. Чексиз қувват ва ақлий имкониятга эга. Улар кун давомида 24 соатлаб иш-лашлари мумкин, лекин бу тинимсиз меҳнатлари ўзлари ва фақат ўзлари учундир. Шахсиятпараст. Ёлғизликдан ниҳоятда қўрқишади. Ташқи кўринишларидан анча хотиржам кўринсалар-да, бошқалар уларни мақташларига жуда муҳтож. Кўпинча жуда хушчақчақ кайфиятда юрадилар.

Қобилиятли ва давраларда ўз фикрларини бемалол айта оладилар. Бошқаларнинг диққатини жалб қилишни ёқтиришади. Ўз қадрларини юқори баҳолайдилар. Бошқаларга маслаҳат беришни ҳам, бошқаларнинг фикри билан иш қилишни ҳам ёқтирмишмайди.

Бундайлар ўзларининг ютуқлари ва камчиликларини бениқсон назорат қила оладилар. Улар шу қадар мураккаб характердаги инсонларки, ҳеч қачон, ҳатто яқин дўстларига ҳам кўнглидагини очиб айтмайдилар. Жумладан, севги бобида ҳам улар тўғуларини ошқора намоён қилавермайдилар. Бу, эҳтимол, ўз эрklarини қўлдан беришни истамаганликларидан бўлса ажабмас. Кўнглида нима борлигини фақат уларнинг нигоҳларидан сезиш, уқиш мумкин.

Ушбу рақам соҳиблари ўзлари учун қасрда яхши яшаш мумкин бўлса, ўша ерни танилашади. Ўзларининг пшига бошқаларнинг ёрдам беришларини унчалик хуш кўришмайди, ҳаммасига ўз меҳнатлари билан эришишни, барча муаммоларни бошқаларнинг иштирокисиз ҳал қилишни афзал билишади.

Туғилган ойн 5 рақамга тўғри келадиган инсонлар ҳар қандай мушкул вазиятдан осонлик билан чиқиб кетиб, ҳайратланарли жиҳати, тезда тўғри қарор қабул қила оладилар. Табиатан анчайин сабрсиз ва шошқалоқ. Бўш вақтларини зиёфатлар-у, байрамларда ўтказишдап кўра китоб ўқиш ёки ўзлари ёқтирган инсон билан ўтказишни маъқул деб билишади.

Улар доим қандайдир гоаялар билан банд бўладилар. Биринчи зўр иштиёқ билан бошлайдилар-у, кўпинча уни охиригача стказолмайдилар. Бунга уларнинг сабри ёки пайдо бўлган бирор тўсиқ сабаб бўлиши мумкин. Сал нарсага тезда жаҳллари чиқса-да, ҳеч қанча вақт ўтмасдан ҳеч гап бўлмагандек кета оладилар.

Уларни хафа қилиш жуда қийин, ҳамма нарсани ўзларига олавермайдилар. 5 санаси соҳиблари табиатан хушчақчақ (оптимистик) кайфиятдаги одамлар бўлиб, ҳамма нарсани борича қабул қиладилар. Бошларига бирор мусибат тушганда ва ёки ишлари ўнгидан келмай қолганда уларга ҳамдардлик билдирмоқчи бўлсангиз, жингина елка қисиб қўя қолишади: *“Шундай бўлиши керак бўлгани учун бўлди. Буям яхшилик аломати”*. Ҳа, улар ҳамма нарсадан яхшиликни кўра оладиганлар тоифасидан. Ҳатто ашаддий жиноятчилар ёки кўпчилик томонидан ёмон, безори, қаллоб дея этироф этилган кишиларни ҳам оқлай олади-

лар. Яъни, ҳурматга сазовор жиҳати, улар атрофидаги одамларни ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри тушуна оладилар, тушкунликка тушиб қолганлар улардан маслаҳат сўраганларида ҳаётларини бошқатдан бошлашлари мумкин эканлигига ишонтира оладилар, шунинг учун ҳам улардан ажойиб психолог чиқиши мумкин.

5 рақами остида таваллуд топганлар жуда кўп нарсаларни ҳаёлан орзу қиладилар ва ўйлаганларини шундай баён қиладиларки, гўё уларнинг бу нарсаларга эришуви ҳеч бир тўсиқсиз амалга ошса керак, деб ўйлайсиз. Лекин аслида тасаввурлари ҳар донм ҳам мукамал эмас.

Атрофидаги инсонлар иложи борича уларга боғлиқ қолмасликка ҳаракат қилишлари керак, чунки улар одамларни ўзларига жалб қилишни хуш кўрадилар-у руҳий муносабатга келганда ўзларидан нари итарадилар.

Мазкур сана соҳиблари учун энг катта мукофот ўзларига ҳадя этилган эркинлигидир. Шу бонсдан ҳам ўзларига нисбатан тазйиқни, чекловларни ҳақоратдек қабул қиладилар. Бундайлар кўпчилик бўлиб бажариладиган ишларни ёлғиз бажаришни ёқтиришадн. Шунинг учун ўзаро муносабатларида ҳам эркинлигини сақлашга ҳаракат қиладилар. Ким биландир ҳаётини боғлаш фурсати стганда ўз талабларини бемалол қўя оладилар.

Тугилган санаси 5 рақами билан боғлиқ инсонлар шундай ғайритабiiий характерга эгаки, уларнинг феъл-атвори ҳақида якуний хулосани айтиб бўлмайди. Қанчалик ҳаёлпараст бўлишмасин, ҳақиқий ҳаёт тарзидан бутунлай узилиб қолмайдилар.

Улар учун омадли кун — сешанба ва якшанбадир. Эндигина очилишни бошлаган гулларни кўриб завқланадилар. Улар учун бахтли рақамлар — 1 ва 7. Шунингдек, улар барча тоқ рақамларни хосиятли рақамлар, деб ҳисоблайдилар.

Уларни баъзи-баъзида бош оғриғи безовта қилиб туради. Табиатан совуққонроқ бўлганликлари бонс камдан-кам ҳолатларда руҳан эзиладилар. Бир сўз билан айтганда, одамлар орасида уларчалик ҳеч ким ўзини ҳурмат қилмайди.

6 Хотиржамлик, сокинлик рамзи. Ташқи кўринишлари билан бошқаларда меҳнатсесвар одам сиймосини гавдалантирсалар-да, аслида бундай эмас. Аммо дангасаликка берилишлари баробарида бир ойлик ишни бир ҳафтадаёқ ниҳоясига етказадилар.

Табиатан жуда хотиржам. Ушбу санада туғилганлар ажойиб тарбиячи, ажойиб мураббийдирлар.

6 рақами соҳиблари фалсафий фикр юритиш қобилиятига эга инсонлар бўлиб, ушбу санада туғилганларнинг кўпчилиги қобилиятли ва улардаги бу қобилият вақтида қадрланса келажакда яхши ижодкор бўлиб етишадилар.

Йиллар давомида тўплаган тажрибаларини шахсий ҳаётларида камдан-кам ва қийинчилик билан қўллайдилар. Улар моддий томондан кўп қийналадилар, бунга уларнинг ҳеч қачон айёрлик қилмасликлари ва бирор тadbирни ўз фойдаларига ҳам ҳал қилмасликлари сабаб бўлса, ажабмас. Бошқалар билан муносабатларида ҳам манфаат кўзламайдилар.

Уларнинг қуроли — сўзи ва қаламидир. Ўз ҳис-туйғуларини пинҳон тутмайдилар, аксинча, бошқаларга инсбатан қандай муносабатда эканликларини қайта ва қайта такрорлашдан чарчамайдилар. *“Ҳаёт жуда қисқа, бошқаларга туйғуларинг ҳақида айтишига улгуриш керак”, “Меҳр тарқатилгандагина кўпаяди”*, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун уларнинг қалбидаги борини бемалол кўзларидан уқиб олиш мумкин.

Улар тақдирга жуда ишонадилар ва тақдирни ўзгартириш мумкинлигига ишонганларнинг ҳам ёхуд ўзгартирмоқчи бўлаганларнинг ҳам бу ҳаракатларини оқламайдилар. Шу бондан ҳам ўз севгиси учун курашмайдилар, аммо бу уларнинг чиндан севмаслигига ишора эмас, аксинча бирор бир инсон ўзларининг тақдирига боғлиқ эканлигини билишса, суйганига эришиш учун барча тўсиқларни енгиб ўтишга тайёр турадилар. Улар табиатан қаҳри қаттиқ инсон эмас, улар қаҳиқатгўй инсонлардир. Пулни эмас, пул бундайларни яхши кўради. Ҳалолликни қадрлайдилар. Бу санада туғилган инсонлар пулнинг кетидан қув-

майдилар ёки уларни иззат-нафсини қондириш мумкин бўлган жойларда учратмайсиз.

Б санаси соҳибларини катта ксмаларга қиёслаш мумкин. Уларнинг интеллектуал салоҳияти шунчалар бойки, бу бойликларини фойдалари учун ўз вақтида сарфлашни билладилар.

Ҳар ойнинг 6-санасида туғилган инсонлар табиатан жуда ишонувчан бўлишади, садоқат ва вафода, айниқса, ўзига меҳр кўрсатган инсонларга нисбатан жуда вафодор. Уларни кўз қорачиғидек асрайдилар. Қандай дам олишни билишади. Дам олиш кунларида оила аъзолари билан тоққа сайр қилишни хуш кўришади. Онлани эъозлашади ва агар оила ёки ишни танлаш шартти қўйилса, улар сира иккиланмай онлани танлашади. Бундай инсонлар доимо ўзларининг бошқаларга керакли инсон эканликларини ҳис қилиб яшашлари керак ва бу туйғу уларни ҳаётдан янада завқ олиб яшашга ундайди. Шунданми, уларнинг ҳаётида бир хилликни учратиш маҳол.

Табиатан қандай бўлсалар, ўзларини шундай намоён қилмайдилар, улар ҳақидаги ҳақиқий баҳони атрофидагиларгина тўғри айтиб бера олиши мумкин. Ўз дунёқарашлари ва фикрларини қанчалик ҳурмат қилишмасин, бошқаларни ҳам ўз фикридан қайтаришга уринмайдилар, бошқаларнинг ҳам фикрини ҳурмат қиладилар.

Ҳурматга сазовор жиҳатлари — инсонийликларида. Улар содда ҳам эмас ва ўзларини ақлли қилиб ҳам кўрсатмайдилар.

Бундайларнинг атрофидаги дўстларига нисбатан талаблари мутлақо бошқача, яъни уларни ўзларига дўст деб билган кишилар сир яширмасликлари керак. Агар шундай бўлса, дўстлари уларга ишонмаган бўлади ва ўз навбатида улар ҳам бу ишончсизликни қабул қилолмайдилар. Шу боис дўстлари ниҳоятда кам.

Бундай инсонлар билан бузилган муносабатни тиклашга уриниш амалда беҳуда ва бефойдадир.

Улар жуда зарур ҳолатларда ҳам бошқаларга илтимос билан мурожаат қилмайдилар. Шу боис ҳам бадавлатлик ва камбағаллик, омад ва омадсизлик, висол ва айрилиқ — буларнинг ҳамма-ҳаммаси уларга бегона эмас.

Туғилган санаси 6 рақамга тўғри келадиганлар — онла қуриш масаласига ўта жиддий қарайдилар ва мумкин қадар бу ишни орқага сураверадилар. Токи ўзларига ҳар жиҳатдан мос келадиган жуфтни топагунларича қарор қабул қилмайдилар. Улар учун дўст-аёл, дўст-эркак жуда зарур.

6 рақами остида туғилган аёлларнинг аксарияти қатъий тартибга тоқат қилолмайди, уй ишларига боғланиб қолмиш улар учун катта фожиа.

6 сонининг яна бир муҳим хусусияти — тақдирини шу рақам билан бошланганлар инсонларнинг пули, мартабасидан кўра, уларнинг одамийлиги, мардлиги, ростгўйлигини кўпроқ қадрлайдилар. Муҳаббатни эса кўпчиликдан айро, яъни жисмоний муносабатларга боғлиқ бўлмаган туйғу деб тушунадилар ва уларни бу фикрларидан қайтаришига уриниш бекфойда.

Баъзида уларнинг сезгилари рост бўлиб чиқади. Шунинг учун ҳам тақдирлари ушбу рақамга боғлиқ инсонларнинг табиатида башоратчиликка мойиллик бор.

Улар учун омалли кун — чоршанба. Райҳон гулини яхши кўрадилар. Бахтли рақамлари — I ва II. Уларнинг касалликлари кўпинача қон айланиш тизими билан боғлиқдир. Ва уларга тоза ҳаво, ўз вақтида дам олиш ва мунгазам жисмоний ҳаракат жуда зарур.

7

Бу рақамни жуда кўпчилик яхши кўради ва уни бахт, омад рамзи, деб билади. Шушигдек, мазкур рақам деҳқончилик ва ҳосилдорлик рамзи ҳамдир.

Ушбу кунда туғилганлар меҳрибон инсонлар бўлиб, бошқалардан жамиятда етакчилик, раҳбарлик сифатлари билан ажралиб турадилар.

Улар яқинларига совға сотиб олиш ва уларнинг кўнглини топишни яхши кўрадилар. Барча байрам ва тадбирлар ташкилотчилигини зиммаларига оладилар ва бу ишни зўр иштиёқ билан бажарадилар. Бундайларнинг бошқаларга ишонилари жуда қийин ва шу боис ҳам дўстлари сони салмоқли. Ҳақ бўлиш-бўлмасликларидан қатъи назар, ўзгалар билан талашиб-тортишишни, бошқаларни камчиликлари учун ҳақорат қилишни но-

муносиб, деб биладилар. Мақтовларни қанчалик хуш кўришмасин, танқидни шунчалик кўтаролмайдилар. Улар кўримсиз, киши эътиборидан четда қолган жойларга сиғмайдилар. Бирор иш ўзларининг зарарига кетаётган бўлса-да, мағрур бошларини асло эгмайдилар.

Улар энг яхши маслаҳат берадиган ишчилардир. Жуда ҳиссиётчан. Пулни яхши кўрадилар, ҳаётларида уни биринчи ўринга қўймасалар-да, асаб ва хотиржамликни таъминловчи восита, деб биладилар. Агар улардан кимдир қарз сўраса, ўзида пул бўлмаса-да, топиб беради. Шунинг учун ҳам бошқаларда, улар сираям пулсиз юрмайди, деган тасаввур пайдо бўлади.

7 рақами соҳиблари ҳамма соҳада стакчи, чунки улар ўзларига нисбатан талабчанликни ҳеч қачон йўқотмайдилар ва бошлаган ишларини охирига етказмасдан қўймайдилар.

Туғилган санаси 7 рақами билан боғлиқ инсонларга хос энг муҳим хусусият — улар доим севиб, свилиб яшайдилар. Алданишлари мумкин, лекин улардаги бу кўнгилсизлик узоқ вақт давом этмайди.

Табиатан оғир, босиқ бўлсалар-да, севган инсонлари билан очилиб-сочилиб гаплашадилар. Аёллар ҳам, эркаклар ҳам турмушда ўзлари учун белгилаб қўйилган барча ишларни бир-бирлари учун сидқидилдан бажарадилар. Буни бурчлари юзасидан эмас, азбаройи бир-бирларига муҳаббатлари юзасидан деб тушуниш керак.

Улар учун майда-чуйда нарсанинг ўзи йўқ. Ва бундай инсонлар билан муносабатга жиддий қаралмаса, иккинчи томонга қийин бўлиши мумкин.

Шунингдек, севги бобида аёллар ҳам, эркаклар ҳам бўлажак турмуш ўртоқларига нисбатан жуда талабчандир. Улар севги муносабатларига ақл нуқтаи назаридан ҳам қарайдилар. Айниқса, аёллар ўзларидан кучли бўлмаган эркакларни севолмайдилар, эркаклар эса танлаган аёлларидан ҳар жиҳатдан мукамалликни талаб қиладилар.

Табиатан жуда хушчақчақ ва хушмуомала. Лекин бироз тартибсизроқ. Ялтироқ нарсаларга ниҳоятда ўч бўлишади. Интел-

лектуал салоҳияти юксак. Жуда кўп ўқишади. Дўстлари билан ҳар қандай масалада келишиб кета оладилар ва айтиш жонзки, улар ҳақиқий дўстдирлар. Бундайлар бошқалардаги ҳалоллик, тежамкорлик, ҳақиқатпарварлик ва мардликни улуғлайдилар.

Бирор масалани ҳал қилиш керак бўлганда бошқаларнинг олдига югуриб боришмайди — ҳаммасини ўзлари ҳал қиладилар. Ишларини тартибсизлик билан бажарадилар. Уйининг, дераза ва ромларнинг тозаллиги уларнинг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга эмас. Ўз ҳаётларида ҳаммаси тўла-тўқис бўлишни исташади ва уларнинг баъзилари бундай тўқисликка эришадилар ҳам.

Мазкур рақам соҳиблари ҳамма вақт танлашади: ейишда, ичишда, кийинишда ва ҳатто севгида ҳам... Танқидни ёқтирмайдилар, шунинг учун камчилик ва нуқсонларини уларга ширинсўз ва хушмуомалалик билан тушунтириш керак. Улар бахтга ҳам, бахтсизликка ҳам одамнинг ўзи сабабчи бўлади, деб ҳисоблашади. Одамларнинг ожизликларига ачинишдан кўра, уларнинг устидан кулишлари мумкин. Бу уларнинг тошбағирликларидан эмас, балки ҳамма муваффақиятга ўз куч ва имкониятлари билан эришганликлари ҳамда инсон ўз ҳаракати билан йетаган нарсасига эришиши мумкинлигига ишонганликларидандир.

Хиёнатни асло кечирмишмайди. Бир умр ган-сўзга қолиб яшашлари мумкин, аммо бир умр алданиб яшолмайдилар.

Улар шундай кучли характердаги инсонларки, ақл ва ҳиссиётларини мужассам этган ҳолда қарор қабул қила оладилар ва камдан-кам ҳолатда адашадилар.

7 рақами остида туғилганлар учун омадди кун — жума. Атиргулни яхши кўрадилар. Энг сеvimли рақами — 7. Улар туғма касаллик билан оғримайдилар. Агар ўз соғаникларига жиддий эътибор берсалар, узоқ умр кўрадилар.



Бу рақам омад ва муваффақият рамзи бўлса-да, аслида ушбу санада туғилганларнинг кўпчилиги журъатсиз, бирор ншга қўл уришдан аввал кишини ҳайрон қолдирадиган даражада иккиланадилар. Бир қарашда бундай одамлар бошқаларни ўзларидан нарига итаргандек бўладилар, лекин улар ҳам одамлар суҳбатига муҳтождирлар. Би-

ринчи тасаввурингиздан кейин улар ҳақида жанжалкаш, фитна қўзғовчи деган хулосага келишингиз мумкин, лекин керакли ва тўғри хулосани улар билан бўлиб ўтган суҳбатдан сўнггина чиқариш мумкин.

Бундай одамлар шахсий ҳаётларида кўпинча омадсизликка дуч келадилар. Улар мақсадларини ҳам аниқ белгилаб ололмайдилар, иш фаолиятларида эса ўзларига овунчоқ бўлган бирор кераксиз машғулот топиб оладилар. Жисмоний меҳнат билан машғул бўлишни унчалик ёқтиришмайди, лекин кун бўйи қоғозларга кўмилиб ўтиришлари мумкин. Дағал қоғозлар асабларини тинчлантиради, уларнинг бу ишлари пуллар билан боғлиқ. Агар ўйлаган ишлари ўнгидан келмаса, бундай иш билан бошқа ҳеч қачон шуғулланмайдилар.

Туғилган санаси 8 рақами билан боғлиқ инсонлар пул йиғишни ёқтиришмайди. Чунки улар моддий масалани асосий ўринга қўймайдилар, лекин нарса-буюмлар йиғадилар. Ажойиб танқидчи ва бундай инсонлар билан келишиб иш қилиш бошқалар учун кони фойда. Ўта виждонли, бошлаган ишларини охирига етказмай қўймайдиганлар тоифасидан. Баъзида, ҳатто бошқаларга яхши бўлиши учун ўзларининг ҳаловатларидан ҳам кечадилар.

Табиатан ниҳоятда ўжар, нозиктаъб одам бўлганликларидан улар билан муросага келиш ва бир умр бирга яшаш жуда қийин. Уларни тушуниш мушкул савдо. Хушчақчақ кайфиятлари арзимаган сабаб билан ҳам йўқолиши мумкин. Мақтовларсиз ҳам жуда яхши яшаётгандек кўринсалар-да, бошқалар томонидан эътироф этилишни исташади. Аммо уларнинг барча ҳаракатлари очиқ намоён бўлмаганлигиданми, бундай бахтга муяссар бўлолмайдилар. Уларни атрофидагилар “пухта” ёки “ичидан пишган”, дея атайдилар.

Севги-муҳаббат бобида ҳам улар ўта талабчан. Кимгадир кўнгили қўйишда ҳам, турмуш қуриш масаласида ҳам кўнгилини эмас, ақлини биринчи ўринга қўядилар. Атрофидагиларда ўзларига нисбатан “совуққон” деган фикрни пайдо қилади. Турмуш қуришдаги биринчи шарт — унга ва фақат унга нисбатан ғамхўрлик ҳамда қариндош-уруғларига нисбатан доимий ҳурматни талаб қиладилар.

Бундайларга хос муҳим фазилат яхши тарбия кўрганликлари ва фарзандларига ҳам шундай муносабат кўрсата олишларидадир.

Туғилган санаси 8 рақами билан боғлиқ инсонлар ҳар қандай қийинчиликлар бошларига тушмасин, ундан нолимайдилар. Бу қийинчиликлар ортида ҳузур-ҳаловат борлигига ўзлари ҳам ишониб, ўзгаларни ҳам ишонтирадилар.

8 рақами соҳиблари дили пок, соддадил инсонлар бўлиб, ортиқча такаллуфларни ёқтиришмайди. Улар учун энг муҳими — самимиятдир.

Шунингдек, ирим-сиримларга, исмлар, кунлар, рақамлар билан боғлиқ башоратларга ниҳоятда ишонадилар. Бирор ишни бошлашдан аввал мунажжимлар башорати билан танишишни сира унутмайдилар ва аксар ҳолатларда башоратларга қараб иш юритадилар. Ўзлари ҳақидаги ҳар қандай маълумотни жуда катта қизиқиш билан қабул қиладилар.

Улар учун омадли кун — пайшанба ва шанба. Тўқ сариқ рангдаги гулларни яхши кўришади. Тоқ рақамларни омад келтирувчи рақамлар, деб ҳисоблашади.

Саломатлик масаласида уларни кўпинча жигари, оёғи ва қўлларидаги оғриқлар безовта қилиб туради.

9 Абадийлик ва боқийлик рамзи. Бунга сабаб қадимги дунё олимлари тўққиз рақамини шундай плоҳийлаштириб изоҳлаганлар ва бунинг ўзига хос инкор этиб бўлмайдиган сабаби ҳам бор. Келинг, биз ҳам шу ҳақиқатга гувоҳ бўлиб кўрайлик.

Математика дарслигидаги карра жадвалининг саккизинчи бўлимига эътибор берган одам ғалати қонуниятни англаши қийин эмас: $1 \times 9 = 9$, $2 \times 9 = 18$, $3 \times 9 = 27$, $4 \times 9 = 36$, $5 \times 9 = 45$, $6 \times 9 = 54$, $7 \times 9 = 63$, $8 \times 9 = 72$, $9 \times 9 = 81$, $9 \times 10 = 90$. Сизган бўлсангиз, бирдан олтигача бўлган сонларни кўпайтиришда чиққан натижалар олти ва кейинги сонлар кўпайтмасида рақамларнинг изчил ўрин алмашинуви билан қайта такрорланади: **9, 18, 27, 36, 45, 54, 63, 72, 81, 90**. Бунинг устига ҳар қандай ҳолатда ҳам тўққизга кўпайтирилган

сонлар кўпайтмасидаги рақамлар йиғиндисини тўққизга тенгдир. Масалан: $3 \times 9 = 27 = 2 + 7 = 9$. Хуллас, тўққизга истаган сонни кўпайтирсангиз ҳам кўпайтмадаги рақамларнинг йиғиндисини тўққизга тенг бўлаверади. Масалан: $12 \times 9 = 108 = 1 + 0 + 8 = 9$.

Шундай экан, туғилган санаси 9 рақами билан боғлиқ инсонлар ўзига хос характер эгалари эканлигига шубҳа йўқ.

Ушбу рақамга дахлдор инсонлар табиатан жуда ўжар. Ўзларининг ҳис-туйғу ва кечинмаларини ниҳоятда пинҳон тутганликларидан характерлари ҳақида якуний бир фикр айтиш жуда мушкул. Баъзида катта кўнгилсизликларга қўл силтаб қўйсалар-да, кези келганда арзимаган ташвишларни ҳам юракларига оғир оладилар.

Уларнинг кишини таажжубга соладиган жиҳатлари — жуда ишонувчан, бошқаларнинг алдовларига ҳам тезда ишонадилар. Бунинг оқибатида эса одамлардан тез кўнгиллари қолади.

Бошқаларни ҳам ўзларидек, деб биладилар. Шунинг учунми кўпгина ҳолатларда ўйламай гапириб қўядилар. Эътиборсизликлари боис яқинларининг кўнглига баъзида озор ҳам бериб қўядилар. Худди камон ўқидек тўғри, ўйлаганини гапиришади.

Туғилган санаси 9 рақами билан боғлиқ инсонлар ўзларининг куч ва имкониятларига шубҳа билан қарайдилар, бирор ишни бошлашдан аввал иккиланадилар. Аммо яширин қобилиятларини намоеън этишни бошлашлари билан ўзларига нисбатан ишончлари ҳам ортади.

Бундай инсонларга хос бўлган энг муҳим хусусият — улар ўз фикрларини ҳамманикидан юқори қўядилар ва ҳеч қачон бу билан бошқалар ноқулай аҳволга тушиб қолишлари мумкинлигини ўйлаб кўрмайдилар. Ҳеч қачон ёлғон гапирмайдилар. Ўз истаklarини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан қайтмайдилар.

Ўзларига меҳрибончилик кўрсатадиган одамларга садоқатлидирлар. Севги бобида улар каби романтик инсонларни бошқа ерда учратиш маҳол.

9 рақами соҳиблари учун муҳаббат, бу — санъат. Бундайлар севишдан кўра севилишни муҳим ҳисоблайдилар ва севгини аниқ ҳаракатлар билан исбот этишни талаб қиладилар. Улар ҳаётла-

рида учраган ёки учраши мумкин бўлган ҳар қандай кўнгилсизликлардан ксйини муҳаббатларидан паноҳ излайдилар. Бу уларнинг муҳаббатлари ҳақидаги аниқ хулосани бера олади.

Табиатан мақтанчоқроқ бўлиб, тўплаган нарсаларини кўз-кўз қилишни ёқтирадилар. Шовқин-суронга тоқатлари бўлмаганиданми, очиқ табиат бағрида ўзларини эркин ҳис қила оладилар. Ташқи томондан ўта жиддий кўринганликлари бопе илк танишувда ҳамроҳини бироз каловлантириб қўйиши мумкин. Аммо, аслида бундай эмас. Улар ўзларига ва ўзгаларга мақтов ёғдиришни зўр маҳорат билан уддалай оладилар.

Оила бобида ҳам улар бошқачароқ фикрда, яъни аёллар ҳам, эркеклар ҳам бошқарувчилик қобилиятига эга ва ўз куч ва имкониятига ишонадиган жуфтини ўзларига муносиб деб биладилар.

Улар учун омадлий кун— сешанба ва шанба. Уй шароитида ўстириладиган гулларни алоҳида меҳр билан парвариш қиладилар. 1 ва 3 рақамларини ўзларига омад келтирувчи рақам, деб ҳисоблайдилар.

Саломатлик бобида 9-сана соҳибларини ошқозон ва баъзи-баъзида буйракдаги оғриқлар безовта қилиб туради.

ТАНАНГИЗ ЎЗИНГИЗНИКИ ЭМАС... МИ?

Қадимда ботиний илмлар билан шуғулланувчи кўпгина мактабларда устоз илм талаб қилиб келган шогирднинг аввало ташқи кўринишига эътибор берар экан, сўнг ундан тўла ечинишни талаб этиб, танасидаги турли белгиларни кўриб чиқар ва шундан кейинги шогирдликка қабул қилар экан.

Нужум илмининг қадимдан мавжуд бўлган морфоскопия (юнонча “*морфа*” — шакл, “*скопио*” — кузатаман) бўлимида инсон танаси тузилиши, ундаги турли белгилар (хол, доғ, излар, сепкил, нор, сўгал ва ҳоказо) ўрганилади.

Бу илмга кўра, аввало тана — уни тенг иккига бўлувчи марказий симметрия ўқиға мувофиқ — сўл ва ўнг томонларга бўлинади. Улардан бирида бўлган белгилар “яхшилик”, иккинчисидagi белгилар “ёмонлик” аломатлари ҳисобланади.

Масалан, эркакларда чап томон “ёмон”, ўнг томон “яхши”; аёлларда эса аксинча, чап томон “яхши”, ўнг томон эса “ёмон”-ликдан далолат беради.

Бунинг сабаби нужум илмига кўра, эркак ва аёл ўзаро қарама-қарши қувватларга эга. Эркакларнинг ўнг томони Қуёш билан алоқадор бўлиб, Қуёш — музакирий, яъни эрлик сайёраси. У нур, ҳаёт, иссиқлик беради (қувват берувчи, яратувчан), шунингдек, у инсоннинг жисмоний ва руҳий имкониятлари кўрсаткичидир.

Эркак ва аёлларнинг чап томони Ойга мувофиқ бўлиб, Ой муанасий — яъни аёллар сайёрасидир. Ой қабул қилувчи, ўзида акс эттирувчи, пассив сайёра, у инсоннинг ички имкониятлари кўрсаткичидир.

Ой кўпроқ аёлларнинг кўпроқ чап томонини “бошқаради” ва шу билан аёллар учун чап томон “омадли” ҳисобланади, эркаклар учун эса бунинг акси. Шу ўринда қайд этиб ўтиш керакки, чапақай эркакларда ҳам чап томон омадли бўлиши мумкин.

Аммо булардан ташқари биз қуйида тўхталмоқчи бўлганимиз, инсон танаси қадимда мунажжимлар томонидан бурж бел-

гилари ва сайёраларга мувофиқ ўн икки қисмга бўлинган ва уларнинг ҳар бири бир буржга алоқадор деб қаралган.

Бу бўлиниш қуйидагича:

1. Бош — Ҳамалга тўғри келади. Бу қисмдаги ҳар бир белги айниқса, алоҳида аҳамиятга эга. Чунки улар инсон шахси, ўзлиги, қобилиятлари, бу ҳаётда ўзини шахс сифатида намоён эта олиши учун нималарни амалга ошириши кераклиги ҳақида маълумот бериб ўтади.

Шу ўринда уриш, калтак сийиш ҳам муайян маъно касб этади. Айтайлик, шундай ҳол юз берганда, яъни уруш содир бўлганда онгсиз равишда кайҳоний прода бажарилади. Масалан, бошга уриш ёки юзга шаналоқ тортиб юборишнинг ҳол тилидаги маъноси шунчаки кишини каментиш, шахсини йўққа чиқаришдир. Демак, шаналоқ сган киши ўзини қандайдир бошқача, номувофиқ тутган.

Шаналоқ эса унинг ана шу хатти-ҳаракатини тузатиш учун баъзан онгли, баъзан онгсиз равишда кўрилган чорадир.

2. Бўйиндаги ўмрос суягигача — Саврга тўғри келади.

Бу қисмдаги белгилар қувват манбаи ҳақида, яъни у нималардан озиқланади, ривожланиш учун нималар ёрдам беради, нималар йўл бермайдн — шу кабилар ҳақида маълумот беради.

Шунингдек, кишининг моддий аҳволи, “моддий” ҳаётни хусусидаги маълумотлар ҳам шу қисмдаги белгиларда муайян шаклда ўзифодасини топади.

Кишининг бўйинга уриш унинг қувват манбаини йўққа чиқариш, ҳақоратлашдир.

3. Учинчи қисм — кифтлар ва қўллар — Жавзога тўғри келади. Бир қўл яхшиликлардан, иккинчи қўл ёмонликлардан хабар беради. Кишининг таълим-тарбияга, ўқишга, қариндош уруғлари билан муносабатига онд маълумотлар ҳақида қўлларига қараб ҳукм чиқарилади.

Қўлларга уриш ҳол тилида кишининг ўқишига, таълим-тарбияси ва шу кабиларга оид муаммоларига қарши кўрилган чора-дир. Бу ҳол кўпинча бошланғич мактабларда кузатилади.

4. Кўкрак — Саратонга тегишли.

Кишининг наели, аждодлари, келиб чиқиши, шунингдек, аждодлардан ўтган гуноҳу савоб, ирсиятга оид маълумотлар кўкракдаги белгиларда ўз аксини топади. Кўкрак инсон танасининг муқаддас бир ўрнидир. Кўкракнинг марказий қисмига қараб инсон кўнглидаги барча сирлар, бошланғич имкониятлар ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Шу боис кўкракни беркитиб юриш анъанаси мавжуд (айниқса, аёлларнинг, чунки, Ой саратон буржининг ҳомийси бўлиши билан бирга аёлларнинг ҳам “бошқарувчи” сайёрасидир).

5. Курак — Асад буржисига алоқадордир. Кишининг ўз-ўзини бошқариш имкониятларидан, ҳурлиги, озодлигидан дарак беради. Шунингдек, шу одамдан тарқаладиган авлод, унинг фарзандлари, шунингдек, у қолдирадиган мева ҳам орқадаги белгиларига қараб аниқланади.

Руҳан комил бўлмаган кишиларда мазкур ўринда ҳиссий майлар, ишқий муносабатлар ҳақидаги аломатлар акс этади.

Орқага урилса, демак, киши қайсидир маънода ўзига ҳаддан ташқари кўп эрк берган.

6. Қориннинг юқори қисмидан киидикка қадар — Сунбулага тегишли.

Бу қисм ботиний маънода — инсоннинг босиб ўтадиган ҳаёт йўли, бўйсунуш, интизом, ўз-ўзини тарбиялаш, дунёвий маънода — иш, хизмат, шароитга буйсуниш, раҳбарият билан муносабат, бошқача қилиб айтганда, Сунбула буржи тавсифига нимаики кирса, уларнинг ҳаммаси тананинг шу қисмига қараб аниқланади.

7. *Бел — Мезон буржисга дахлдор.* Белга қараб кишининг дўтлари, ҳамкорлари, интифоқчилари (яхши томонга кўра) ҳақида маълумот олинади. Бел маркази бўйлаб ўтган чизиқдаги аломатлардан эса никоҳ ҳақида ҳукм чиқариш мумкин. “Ёмон” томонга кўра, суд жараёнлари, раҳбарият билан зиддиятлар, рақиблар, ҳаётний курашлар ҳақида маълумот олинади. Масалан, “ёмон” томонда қора доғ ва шу ернинг ўзида сўғал пайдо бўлса, бу туюққа тушиш хавфи кўрсаткичидир.

Белдан қучиш — бу дўстлик, ҳамкорлик, қолаверса, завжаллик рамзи.

8. *Қорининг настки қисми ва эсиний аъзолар — Ақраб буржисга тегишли.* “Ёмон” томони ҳаётда энг даҳшатли, ғайритабиий вазиятлардан бошорат қилади. “Яхши” томондаги белгилар эса кучли руҳоний қобилиятлар, эмлаш қобилиятлари, бошқа руҳий оламлар билан кишининг алоқада бўлиши аломатидир.

9. *Думбалар, сонинг юқори қисми — Қавсга тааллуқлидир.* Киши дунёқарашини, унга олинсан келадиган ҳар қандай нарсга, хабар, жойдан-жойга кўчиш, саёҳатлар, ўзгача қарашли кишилар билан мулоқотлар, бошқа маданият ва халқлар таъсири, буларнинг бари шу қисмда ўз аксини тонади. Мазкур аломатларнинг яхши ёки ёмонлиги белгининг тананинг қайси томонида эканлигига боғлиқ.

Шунингдек, кишининг ижтимоий обрўин ҳам Қавс буржи билан боғлиқ. Шу боис тананинг бу қисмига зарб берилса, биринчи навбатда, бу унинг обрўсини йўққа чиқариши, онгсиз равишда унинг ўзбилармонлигига қарши кўрилган чорадир.

10. *Сонинг настки қисми — тиззалар — болдининг юқори қисми — Жадийги оид.* Мақсадни қўлга киритиш имкониятлари, касб, лавозим, ҳаётининг чўққисини, интилишларининг авжи, имкониятларидан фойдалана билмиш қобилияти акс этади. Бу қисмнинг “яхши” томонидаги белги унинг орзу-ҳавасларини қўлловчи таянчдир.

Тиззаларни букниш — бу, демак, ўша таянчдан бебаҳра қолиш, ўз мақсадларини ўзгалар мақсади йўлида буйсундириш.

11. *Болдирлар — Далё белгисига оид.* Дўстлар, умуман, киши мансуб ижтимоий иқлимдан дарак беради. “Яхши” томонга кўра, тақдирни ўзгартриш, яхшилаш имкониятлари, кишининг келажак ҳаёти, барча янги, фавқулодда ҳодисалар аниқланади.

Болдирга урилса, демак, киши қандайдир, қайсибир дўстига хиёнат қилган.

12. *Оёқ қафтлари ва товонлар — Ҳут белгисига дахлдор.* Бу қисмдаги из ва белгиларга кўра, кишининг азалий келиб чиқиши ҳақида ҳукм чиқарилади. Илоҳийлик, бонқалардан астойдил сақланадиган барча сир-асрор, кишининг руҳоний муаммолари ҳақидаги маълумотлар ҳам шу қисмда мужжасам. Ҳинд мунажжимлари кишининг ҳаёт йўлини аниқлашда унинг товонларига, уларнинг тузилиши, шакли, улардаги изларга ҳам қарашган экан.

Шу биле товонларга уриш — ҳол тилида — кишини сирдан маҳрум этиш, сирини ошкор этишга айлантиришдир. Товонга уриш жазо сифатида ўтмишда эски мактабларда қўлланилган.

Тананинг бу 12 қисмининг ҳар бири ўз навбатида яна учга бўлинади. Айни пайтда, бу бўлиниш баъзи қисмларда оддий, баъзиларида мураккаброқдир. Морфоскопияда бу бўлинмаларнинг ҳар бири ўз маъносига эга. Бирон бир бўлинишдаги белгидан (хол, доғ, сўгал) олиннадиган маълумот ўша бўлинишга хусусиятига кўра конкретлашади. Масалан, Ақрабга оид учбурчакнинг “яхши” томонида хол бўлса, бу ундаги юксак қобилият, ривожланган интуитсия ва ҳоказолардан иборатдир. Шундай қилиб, танадаги ҳар қандай белги — аломат муайян воқеа-ҳодиса, фазилат ёки қобилиятдан дарак беради. Белгилар ўрнига қараб унда яширин маълумот қачон содир бўлишини ҳам аниқлаш мумкин. Бунинг учун ўша белги жойлашган қисм юқоридан пастга қараб саккиз бўлакка айланади. Агар белга шу саккиз бўлакнинг, айтайлик, учинчисинда жойлашган бўлса, демак, маълумот 30 ёшдан кейин, тўртинчисинда бўлса, 40 ёшдан кейин содир бўлади, яъни бу бўлаклар инсон умрининг ўн йилликларидир.

ТЕМПЕРАМЕНТ

Темперамент — инсон шахсиятининг шаклланишидаги биологик пойдевор, руҳий таянч нуқтасидир. У вақт ўтиши мобайнида инсон феъли ўзгарса ҳам, шароитни тан олмайдиган ва унга қараб ўзгармайдиган туғма психологик ҳолатдир. Бу табиатнинг бизга ато этган бебаҳо инъомидир.

Инсонда унинг руҳий оламига мансуб ақл-идрок, туйғу, ҳиссиёт ва прода сифатлари бор. Аммо буларнинг ҳаммаси турли ёшдаги кишиларда турлича намоён бўлади. Бир хил одамларнинг тафаккур мушоҳадаси ўткир, идроки тез, ҳаракатлари чаққон, ғайратли, ҳиссиётлари кучли ва мазмундор бўлади. Бундай одамлар ҳар нарсадан жуда тез таъсирланадилар, ҳар қандай таъсиротларга жуда тезлик билан ҳаракат қиладилар. Баъзи одамларнинг эса аксинча, ҳаракатлари суст бўлиб, ҳиссиётга унчалик берилмайдилар, ғайратсиз, ҳафсаласиз, ланж ва ҳаракати заиф бўладилар. Демак, кишилар ҳиссиётга берилиш ва ҳаракатларининг тезкорлик даражаси билан ҳам бир-биридан фарқ қилар экан. Бу фарқлар, одатда, кишининг темперамент (мижоз) деб аталадиган индивидуал хусусиятларининг кўринишида намоён бўлади.

Асаб тизимидаги фаоллик ва куч одатда ўзаро боғлиқликни билдиради. Агарда бирор шахснинг асаб тизимини “кучли” деб оладиган бўлсак, улар албатта ҳаракатчан бўлиб чиқишлари ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабаб ҳам тадқиқотчилар куч ва ҳаракатчанлик компонентларини ягона бир бутунликка — экстраверсияга, худди шунга ўхшаб нозик ва камҳаракат инсонларни — интроверсияга бирлаштирадилар.

Экстравертлар — суҳбатга киришувчан, импульсив, вақтни келганда ўзини қўлга оладиган инсонлардир. Улар одатда ташқи гўзаллик, фикрларидаги чўрткесарлик каби хислатлари билан ажралиб турадилар. Қарорни тез қабул қилиши керак бўладиган ишлар айнан улар учундир.

Интровертлар эса аксинча. Улар камгап, камсуқум, ижтимоий пассивлик каби ҳолатларида намоён бўладилар. Интроверт-

лар ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўта озодалик, эҳтиёткорлик каби фазилатларга мойилдирлар.

Бу икки унсурнинг узвий боғлиқлиги — экстра ва интроверсия ва вазминлик — тўртта темпераментни ташкил этади (Айзенк тести ҳам айнан шу тўрт темперамент турига асосланган). Улар:

Холерик — Экстраверт ва ностабил.
 Сангвиник — Экстраверт ва стабил
 Меланхолик — интроверт ва ностабил
 Флегматик — интроверт ва стабил.

Темпераментлардаги фарқлар кўпгина авлодларнинг ҳаётий тажрибалари асосида белгиланган ва албатта, ҳамма вақтда ҳам бир хил тушунилган эмас, ҳозиргача ҳам шундай. Темперамент бу динамик-психик жараёнлар ёрдамида инсоннинг шахсини аниқлайдиган индивидуал хусусиятлардир. У инсоннинг ташқи таъсирларга психик реакциясининг тезлиги ва кучи билан белгиланади.

Баъзи бир ҳолларда тақвимнинг Ян – белгилари экстраверт руҳиятга йўналтирилган, Инь – белгилари эса интровертга. Шундан келиб чиқиб, агарда сизда Қуёш ва бошқа сайёралар Ян-белгиларда жойлашган бўлса, сиз экстраверт тоифасига кирасиз.

Хитойликларнинг айтишича, Ин маркази Янда, Ян марказида эса Инда туғилар экан. Бошланғич Ин ва Яндан иккинчи Ин Ян элементи ва Ян Ин элементи келиб чиқади. Ностабилликнинг ўзи Ян руҳиятни кўрсатиб беради, Ин эса стабилликни.

Бундан келиб чиқиб, биз тўртта бирламчи элемент ва тўрт унсурга эга бўламиз. Улар:

Бирламчи Ян (тоза Ян) — оловга тенг.
Бирламчи Ин (тоза Ин) — ерга тенг.
Иккиламчи Ян — ҳавога тенг.
Иккиламчи Ин — сувга тенг.

Мунажжимларимиз одатда ушбу тўрт унсурни 4 хил темпераментга боғлайдилар, яъни:

Олов — холерик

Ер — флегматик

Ҳаво — сангвиник

Сув — меланхолик

Энди эса мавзунимизнинг асосий мазмунига қайтган ҳолда темперамент тишларига диққатингизни қаратамиз. Қайси темперамент эгаси эканлигингизни эса фақат ўзингиз ҳал қиласиз.

1. Холерик (олов) — фаол ва ғайратли. Улар қатъиятлилиги ва ўзига ишонувчанлиги, ижодий қобилияти ва етакчилик сифатлари билан ажралиб турадилар. Кам фикрлаб, аксинча тез ва жадал ишга киришадилар. Қанчалик тез ва чаққонлик билан ишга киришган бўлмасин, вақти келиб бу манғулотлардан тезда совийдилар ҳам. Агарда бирор режалари биринчи уринишдаёқ натижа бермаса, тезда тушқунликка тушиб қоладилар. Одатда, холерикларнинг феълда бир хиллик кузатилади. Одамлар билан тез мулоқотга киришадилар. Бироқ уларга баъзи ҳолларда эгизлик етишмайди. Бирор нарса ёки вазият ёқмаса албатта, уни тузатишга, ўзига ёқадиган қилиб ўзгартиришга ҳаракат қиладилар. Кўпинча қизиққон, бегоҳат ва импульсив бўлишади.

Холерик темпераментли одамлар илдам ва чаққон, ҳиссиётлари тез ва кучли.

2. Сангвиник (ҳаво)лар — меҳнатқан, ҳаракатчан, киришимли одамлардир. Улар одамлар диққатини ўзларига тортишни ёқтирадилар ва ҳар бир нарсага жиддий муносабатда бўладилар. Уларни юмшоқ феълли инсонлар сифатида эътироф этиш ҳам нотўғри бўлмайди. Одамлар билан тезда мулоқотга киришадилар. Бундай характерга эга бўлган инсонларнинг атрофи ҳаминша дўстлари ва танишлари билан тўла. Янги шароит ва янги талабларга, янги давра ва ушбу турдаги ўзгаришларга тез қўникадилар.

Ҳар қандай ҳаётий шароитда ҳам ҳаминша фаолликни, ишчанликни сақлайдилар. Меҳнатдан қайтмайдилар ва қилаётган иш-

ларни уларга завқ бағишлай олса ҳеч қачон чарчамайдилар. Шунингдек, сангвиниклар жисмонан ҳам анча бақувват инсонлардир. Бундай инсонлар келажагини асосан алоқа ва ахборот соҳасида топадилар. Улар холерикларнинг ҳеч қайси жиҳатларини ола олмайдилар. Ижодий ўзгаришлар қилишга ҳаракат қилмайди. Бу каби одамлар атроф-муҳитларига қарамдилар.

3. Флегматик (ер)лар — вазмин ва суст (имнйлаган) одамлардир. Улар ўзларининг алоҳида белгилари: қатъиятлилиқ, сабр-тоқатлилиқ, пишиқлиқ, асослилиқ, ишбилармонлиқ каби хислатларга эгадирлар. Бундай фазилатларни ўзларида жамлаган флегматиклар ўз навбатида ақл-идрокли инсонлар ҳамдирлар. Улар эмоционал стабил (барқарор) ва кучли психикага эга. Ҳаттоки энг қийин вазиятларда ҳам ўзларини йўқотмасликка ҳаракат қиладилар. Улар жуда қийинчилик билан янги шаронгга кўникадилар. Янги билим ва кўникмаларни ўзлаштириш ҳам қийинчилик билан кечади. Бироқ шунга қарамай ҳаминша ишчанлиқ ва ғайратларини йўқотмайдилар. Одатда, улар одамлар билан мулоқотга тезда кириша олмайдилар. Атрофидаги дўстлари ва танишлари ҳам саноқли. Улар ҳаётда катта амалиётчилар, аммо баъзан бундай одамларга топқирлиқ ва озгина тасаввур етишмайди.

4. Меланхолик (сус)лар — фаол бўлмаган ва суст инсонлардир. Бу каби одамларда ички ҳис ва кузатувчанлиқ ривожланган бўлади. Бироқ бу каби ўта ҳиссиётлилиқ баъзи ҳолларда арзимаган воқеалар учун ҳам кўнгилнинг ранжиши ва кўз ёши тўкниш каби ҳолатларга олиб келади. Улар ўзгарувчан феъл ва катта таъсирланувчанликка эгадирлар. Кўп ҳолларда сабабли ва сабабсиз безовта бўладилар. Уларга ички ва ташқи пассивлиқ (сустлик) ҳолатлари хосдир. Ўзига ишонмайдиган бундай одамлар энг биринчи снгилигина муаммонинг ўзида мағлуб бўладилар. Улар қатъиятсиз ва тез толиқиб қоладилар. Уларни янги шаронг, янги одамлар қўрқитади. Улар бундай вазиятларда ўзларини йўқотиб қўядилар. Бирон бир тўсиқ учраса чиғаноққа беркинган қуртдек ўзларининг ичларига беркиниб сладилар. Бу каби инсонлар асосий вақтларини ўз ички дунёларига қаратадилар.

Қалб, ички дунё улар учун атрофдаги одамлар ва бўлаётган воқеалардан муҳимроқдир.

Ҳар бир бурж унсурлардан бири билан боғлиқ ва биз бир вақтнинг ўзида солиштириш имкониятига ҳам эга бўламиз.

Олов: қўй, арслон, ўқотар.

Ер: бузоқ, паризод, тоғ эчкиси.

Ҳаво: эгизаклар, тарози, қовга.

Сув: қисқичбақа, чайн, балиқ.

ҚОН ГУРУҲИНГИЗ ВА ХАРАКТЕРИНГИЗ

Дунёдаги ривожланган мамлакатларда истиқомат қилувчи одамларнинг қон гуруҳларини аниқлаш натижаси кўрсатишича, қони I гуруҳга тегишли бўлган одамлар аҳолининг ўртача 40 фоизини, II гуруҳ — 39 фоизни, III гуруҳ — 15 фоизни ва IV гуруҳ 6 фоизни ташкил этади.

Бу маълумотларни келтирганимизнинг боиси шундаки, ҳар бир инсоннинг характери, орзу ва интилишлари, бошқалардан ажралиб турувчи муҳим фазилатлари ана шу қон гуруҳларига қараб ҳам фарқланар экан. Бу маълумот ҳам сизда қизиқиш уйғотса ажаб эмас. Яхшиси, ўзингизнинг қандай инсон эканлигингизни қўйида келтирилаётган маълумотлар асосида яна бир бор текшириб кўринг. Шундай қилиб...

Биринчи қон гуруҳига кирувчилар

Биринчи бўлиш уларнинг табиатига ҳам кўчган. Шунингдек, бу гуруҳга кирувчилар жуда мағрур, иззатталаб, ўз қадрини ҳар нарсадан устун қўювчи инсонлардир. Ўз ишларига нисбатан масъулият билан ёндашадиган, ўзларига ва бошқаларга нисбатан ҳам талабчанликни ҳеч қачон йўқотмайдиган, ҳақиқатпарвар, ҳамиша фаол меҳнат олиб борадиган бу гуруҳ вакиллари айни пайтда камчиликлари учун бошқаларнинг иззат-нафсига тегишдан ҳам қайтмайдиган инсонлардир. Уларда, шунингдек, доимий изланиш, тадқиқот ишларини олиб бориш хусусияти ҳам ниҳоятда кучли.

Иккинчи қон гуруҳига кирувчилар

Бу гуруҳга кирувчи инсонларда уддабуронлик фазилатлари улардаги истеъдод, ишнинг кўзини билиш, бошқарувчилик соҳасидаги етакчилик, меҳрибонлик, дўстона муносабатларда садоқатлилик каби фазилатлар биргаликда намоён бўлади. Ҳаётда ҳам ўзининг аниқ яшаш тамойилига эга бўлган

бундай инсонларнинг хатти-ҳаракатлари аннқ мақсадларга қаратилган бўлади.

Инсон руҳий ҳолатини тўғри баҳоловчи. сампмий, одамларни тўғри тушуна олиш, қийин вазиятлардан осонлик билан чиқиб кета олиш фазилатларига эга бўлган иккинчи қон гуруҳи вакиллари бошқаларни камчиликлари учун очиқдан-очиқ танқид қиладилар ва уларга озор бериб қўйганидан афсусланмайдилар ҳам.

Учинчи қон гуруҳига кирувчилар

Мазкур гуруҳга кирувчи инсонлар кучли тасаввур эгаларидирлар. Ҳар нарсани ўзларига олаверганлари учунми, бундай одамларда руҳий зўриқиш тез-тез содир бўлиб туради. Одатда, бундай инсонлар ҳаётда омадензликка учраганларга, машаққат чекканларга, умуман ёрдамга муҳтож инсонларга ёрдам қўлини чўзадилар. Улар ўзиға хос ички дунёларига эга, ўзларини бировга хафа қилдириб қўймайдилар ва қадр-қиматини ниҳоятда юқори қўядилар. Учинчи қон гуруҳига кирувчи инсонлар ўз олдларига жуда катта мақсадлар қўядилар ва ўзларига, ички имкониятларига қаттиқ ишонадилар. Бу эса уларнинг ўзларига нисбатан шафқатсиз муносабатларида янада яққолроқ намоён бўлади.

Тўртинчи қон гуруҳига кирувчилар

Бу гуруҳга кирувчи инсонлар тартибензликни ёқтирмайдилар. Айнан мана шу характерлари туфайли атрофидагилар билан тез-тез урушиб, баҳслашиб қоладилар. Кўп ҳолларда ўзларига ишонмайдилар, бировнинг мулојимлиги, қарамоғига ва рағбатига эҳтиёж сезадилар. Уларнинг кўнглини бегоналарнинг эътибори ва мукофоти, рағбати тўлдириб туради.

Улар хизмат вазифаларида ҳам ёмон ишламайдилар, ҳалол, виждонли ва тартибли инсонларга хос бошқа хусусиятлар бу инсонларнинг камчиликларини тўлдириб туради.

ШАКЛИНГИЗ ВА ШАМОЙИЛИНГИЗ

Одам хаёл сураётганида ёки кимдир билан суҳбатлашаётганида беихтиёр равишда бирор нарсанинг суратини чизади. Лекин жуда кўпчилик одамларда улар чизаётган нарса аниқлик касб этади. Дейлик, айлана, тўртбурчак, учбурчак ва ҳоказо. Ёки сиз умуман бошқа шаклни ҳам чизишингиз мумкин. Аммо ўша шакл ҳам бошқаларига уйғун ва ёки ўзгача шаклдаги кўриниши сифатида акс этади.

Буни қарангки, шакллар ҳам инсон руҳий ҳолатини акс эттириш хусусиятига эга экан. Масалан, ҳар бир одам чизган расм унинг дунёқараши, мантиқий фикрлаши, истеъдодидан даражаси беради. Бу қанчалик тўғри ёки нотўғри, аниқ айтиш мушкул. Аммо шуниси аёнки, инсондаги бирор бир ҳолат йўқки, бу унинг психологияси ҳақида сўзламасин.

Демак, бу галги суҳбатимиз шаклларнинг характеримиз билан мувофиқлиги хусусида кечади.

АЙЛАНА — мақтаниш, мағрурлик, сезувчанлик, сезгирлик, дўстлик, ўйноқилик, шўхлик, қувонч каби туйғуларни ифодалайди. Шунингдек, ушбу шакл “нозиклик”, “оҳисталик” рамзи ҳам бўлиб, унда асосан аёлларга хос хусусиятлар акс этган бўлади.

ТЎРТБУРЧАК — бежавотирлик, мантиқий характерланишнинг устунлиги, хоҳиш-истакларни биринчи даражага қўйиш ва мустақкамлаш. Бунда эркак ва аёлларга хос белгилар бир хил кузатилади.

УЧБУРЧАК — тажовуз, босқинчи, қатъий фикрга келувчи, шуҳратпарастликни устун қўювчи инсонларга хос хусусиятларни ифодалайди. Учбурчак “босқинчи” шакл деб ҳам юритилади ва унда асосан, эркакларга хос бўлган хусусиятлар кузатилади.

ЁНБОШИНГИЗГА ҚАРАБ ЁТИНГ...

қандай ухлашингиздан ҳам кимлигингизни айтиб бера оламиз

Инсон умрининг анчагина қисмини уйқу билан ўтказар экан. Қай ҳолатда ухлашингизнинг характерингизга боғлиқлиги ниҳоятда қизиқ-а, нима дедингиз? Келинг, шу ҳақда ҳам сизга би-ни-р тўлиб-тошиб баён қилиб берайлик...

1. Кимки ухлаганида ёнбошлаб, тиззаларини сал букиброқ ётса, бундай инсонлар оғир, вазмин, ювошроқ, бўйсунувчан, итоткор бўладилар. Бундай одамлар атрофидагилар билан камдан-кам баҳслашадилар ёки можаро иштирокчисига айланадилар. Улар ҳар қандай шаронгга осонлик билан мослашиб кета оладилар. Ўзаро келишишга мойиллик, мурасага ҳослик хусусияти устунроқ бўлади. Шунингдек, уларда жасорат, ботирлик, ғайрат сустроқ бўлиб, ўз мақсадига эришиш учун қатъиятли бўлиш хусусияти кам. Ҳақиқатгўйликка мойиллик, бунинг учун курашишга шижоат пастроқ бўлади. Омма орасида ёрқин чақнашини, лидер бўлишни хоҳламайдилар. Улар кўпроқ “соя”да бўлишни истайдилар. Айниқса, уни яхши кўрадиган ва ҳурмат қиладиганлар учун шундай қолишни маъқул кўришади.

2. Елкаси билан ётиб, қўлларини бошининг юқорисига қўйиб ухлайдиганлар кўпроқ мулоқотга киришувчан, дилкаш, самимий характердаги инсонлардир. Улар ўзларининг камчиликларини яхши билишади, лекин бу ҳақда ўйлаш маъқул эмас, деб ҳисоблайдилар. Бундай одамлар кучли ақл эгаларидирлар. Улар атрофидагилар билан дўстона кайфиятда бўлиб, дунёни қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишади. Дарҳақиқат, баъзилари ўз ҳаётининг мураккаблашинини истамасликка мослашган бўлади. Бундай ҳолатда ухлайдиган одамлар болалигида оналарининг эркатой фарзандлари бўлганлар.

3. Букланиб ётиб ухлайдиганлар кўпроқ ўзларини кучли характердаги инсонларнинг ҳимоясида бўлишга эҳтиёж сезадилар ва кимларнингдир ғамхўрликларини қабул қилишга мослашиб қолган бўладилар. Уларда мужмал, қатъий қарорга кела олмай-

диган, ўзига ишончсизлик, жавобгарликдан қочиш хусусиятлари учраб туради. Уларнинг яхши ва ёмон таъсирларга мойиллиги бир хил даражада бўлади.

4. Қорни билан, қўлларини букиб тўшакнинг узунаси бўйлаб ётиб, бир оёғини букиброқ ухлайдиганлар одатда ўзларига ишонган, пухта-пишиқ, фикр-мулоҳазаларига собитқадам, интизомни яхши кўрадиган инсонлардир. Тасодифни ёқтирмайдиган, ҳисоб-китобли, эҳтиёткордирлар. Уларни кўпинча майдакаш, бачкана, ўтакетган расмиятчиликда айблашади. Бошқаришни, буйруқ беришни, ўзининг фикрини мажбуран қабул қилдиришни яхши кўришга мойилроқ бўлишади.

БУРЖ, ТАҚДИР ВА ФЕЪЛ-АТВОР

Оммабон нашр

Муҳаррир

Анвар НАМОЗОВ

Техник муҳаррир

Вера ДЕМЧЕНКО

Бадний муҳаррир

Бахриддин БОЗОРОВ

Мусаҳҳиҳ

Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Саҳифаловчи

Умидбек ЯХШИМОВ

Босишга 20.09.2011 й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1/16.

Босма тобоғи 8. Шартли босма тобоғи 7,44.

Гарнитурa «LexTimes Cyt+Uzb». Газета қоғози.

Алади 2000 нусха (1-завад 1000 та). Буюртма № 43.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru



НИЛУФАР УМРЗОҚОВА
“БЕГОЙИМНИНГ ТУРМУШИ”

Қаттиқ муқовада, 148 бет
Адади 1000 нусха

Турмуш – тўрт мушт, дейдилар. Уни эплаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бегойимга шундай қисмат битилганмикин? Ўзгалар ҳаёти, ташвиши, муаммолари билан қизиқиб, у не балолар орттирди? Нима сабабдан ғам-андуҳлар қуршовида қолди? Дарвоқе, унинг ўзи ким?.. Бу саволларга китобни мутолаа қилиб, жавоб топасиз. Нилуфар Умрзоқова қаҳрамони сизнинг кўнглингизга яқин инсонга айланса ажаб эмас. Шу билан бирга муаллифнинг излаишлари, ўй-кечинмалари, шеърӣ сатрлари га гувоҳ бўласиз.


ТОҲИР МАЛИК

“ҲАЛОЛ НИМА-Ю... ҲАРОМ НИМА”

Қаттиқ муқовада
256 бет. Адади 3000 нусха

Биздан нима қолади? Албатта, яхшилик! “Яхшилик нима?.. Ташвишларимиздан ортиб, бир инсон кўнглини шод қила олганимизми? Ёки бир кичик чумолига раҳм қилиб, босмай ўтганимизми?” дейди муаллиф. Бу китобни ўқиш асносида ботинингизда нимадир ғимирлаб қолади, азиз ўқувчи. Билмаганларингиз лунё қадар экинчилигини анигласангиз ҳам ажаб эмас. Қандай шишэётганингизга тийрак кўз билан қарай бошлайсиз. Кимни алданингиз, ғийбат қилдингиз, кимларга озор бердингиз... ҳамма-ҳаммаси ёдингизга кела бошлайди. Шояд, мардлик, олижаноблик фазилатларингиз ортса, одамлар қадрига етсангиз... Зотан, мазкур китоб муаллифи, халқимизнинг севинми ёзувчиси Тоҳир Маликнинг ҳам муддаоси шу.





НАПОЛЕОН ХИЛЛ “УЙЛА ВА БОЙ БЎЛ”

Бичими 84x108 1/32 12 б.т
Юмшоқ муқовада
224 бет. Адади 1000 нусха

Агар сиз йўлингиздаги тўсиқларни бартараф этиб, муваффақиятга эришмоқчи бўлсангиз, ушбу китобни ўқиб чиқинг. У, аввало, ўз олдингизга мақсад қўйишни, ишонч туйғусини мустаҳкамлашни, турли синовларни енгиб ўтишни, изланишни ўргатади. Шунингдек, махсус билимлар, ақл-заковат, чекинмаслик ҳақида бой тушунча беради. Мазкур китобдан мақсад фақат бой бўлишга ундаш бўлмай, бой фикрлаш, орзу-истаклар устидан ҳукмрон бўлиш, ишончини мустаҳкамлаш, муваффақиятга эришишга қаратилган. Сиз ундан ҳаётда қандай қилиб мақсадга эришишни, қатъиятли бўлиш мумкинлигининг

аниқ режасини топасиз. Бу эса ҳар бир ишда сизга асқотади.
Китоб кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

РАВШАНБЕК ХОНИНЁЗ “БЕШ ДЕНГИЗ ОША”

Юмшоқ муқовада, 72 бет

“Юрган дарё, ўтирган бўйра”, дейди доно халқимиз. Дунё кўриб, дунёларини кашф этишга нима етсин! Бу билим ва сабоқлар она юртинг равиоқига ҳисса қўйишини англасанг, нур устнга нур! «Беш денгиз оша» китобида ёш қаҳрамоннинг ўз орзу-мақсадларига етишиш йўлидаги интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади. У молиявий оламнинг биз билган-билмаган сир-асорларни борасида бой маълумот бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Китоб ўз ҳаётини яхшилаш ва фаровонлигини оширишни истаган кенг ўқувчилар доирасини қизиқтиради, деган умиддамиз.

